2. Trening qonunlarining maqsad va vazifalari.

1. Trening guruhini umumiy qonunlar asosida jipslashtirish.
2. Guruhiy trening o'tkazishning asosiy tashkiliy tartibini belgilab berish.
3. Qabul qilingan qonunlar asosida guruhni boshqarish imkoniyati.
4. Trening qonunlarining trening maqsadi va vazifalariga yo'nalganligi guruhning qo'yilgan maqsadga erishishiga yordam beradi.

3. Trening jarayonida albatta o'tkazilishi kerak bo'lgan birinchi bosqich - guruhiy me'yorlarni, ya'ni trening qonun qoidalarini ishlab chiqish bosqichidir. Bunda ishtirokchilar bilan bu me'yorlarga albatta rioya qilish kerakligi to'g'risida kelishish va har bir a'zoning roziligini olish kerak. Bu qoidalarga rioya etish treningning maqsadiga erishish va qulay psixologik iqlimning yaratilishida katta ahamiyatga ega hisoblanadi.

Treningning asosiy qonunlari

1. «00»Qonuni.
2. Mikrofon qonuni.
3. Faollik qonuni.
4. Faqat o'z fikrini bayon etish qonuni.
5. Guruhning barcha qatnashchilariga hayrixoh munosabatda, xushmuomala bo'lish qonuni.
6. O'z ismini aytish qonuni.
7. Muloyimlik qonuni.
8. SHu erda va hozir qonuni. (hozirjavoblik).
9. Konfidensiallik qonuni.
10. Faqat o'zi ishtirok etishini taklif etish qonuni.
11. Seminarining boshidan oxirigacha qatnashish.
12. Ixtiyoriylik qonuni.
13. Vaqtni tejash-sarishtalik qonuni.
14. SHaxsni baholamaslik qonuni.

Har bir qonunning mohiyati, vazifalari va ahamiyatini batafsil ko'rib chiqamiz.

Trening jarayonida guruhda ishlarni tashkil qilishga doir me'yorlar (tamoyillar)

quyidagilardan iborat bo'lishi mumkin:

1. “00” qonuni. Barcha ishtirokchilar mashg'ulot boshlanishiga va tanaffusdan keyin kechikmay kelishlari, bunda trener ularga namuna bo'lishi kerak. Trening boshlovchisi faqatgina treningni boshqarmasdan guruh bilan birgalikda tahlil qiladi va o'zini tutishi va muloqoti bilan qatnashchilarga namuna bo'ladi.

2. “Mikrofon” qonuni. Kimning qo'lida mikrofon bo'lsa o'sha odam gapiradi. Mikrofon sifatida mashq o'tkazish vaqtida aylana bo'yicha har bir ishtirokchiga uzatiladigan biror bir yumshoq o'yinchoqdan, oddiy marker yoki ruchkadan foydalanish mumkin.

3. “Faollik” qonuni. Siz biror bir mashqni bajarishda ishtirok etmasligingiz mumkin. Bu, siz vazifani bajara olmaysiz degani emas, balki siz chetdan turib kuzatmoqchisiz. Bu haqida avvaldan ma'lum qilish kerak bo'ladi. Lekin guruhdan bir kishining chiqib ketishi shu guruhning ishiga ta'sir qilishini ham e'tiborga olish kerak bo'ladi.

4. “Faqat o'z fikrini bayon etish” qonuni. Bu qonun o'zining fikrini birinchi shaxs nomidan bayon etishi, ya'ni “Mening fikrimcha, men his qilaman, mening o'ylashimcha...”. Har bir ishtirokchi guruhning boshqa qatnashchilarining fikrlarini bilmaydi. Guruh nomidan gapira olmaydi, shuning uchun ko'pchilik, ya'ni “biz” deb boshlanadigan fikrlar mumkin emas.

5. “Guruhning barcha qatnashchilariga hayrixoh munosabatda, xushmuomala bo'lish” qonuni. Ushbu qonun quyidagicha talqin qilinadi: “Barchamizning afzallik tomonlarimiz va kamchiliklarimiz bor. Trening vaqtida boshqalarning xususiyatlariga sabrli bo'lish kerak. Agar sizni nimadir qoniqtirmasa, hech bir ishtirokchiga zarar etkazmagan holda bu haqda trenerga ma'lum qiling”. Bu qonun ayniqsa, o'smirlar guruhida muhimdir. Trening vaqtida bir-birini familiyasi va laqabi bilan atash mumkin emas.

6. “O'z ismini aytish” qonuni. Agar trening qatnashchilari bir-biriga notanish bo'lsa har bir chiqish oldidan o'z ismini aytishi kerak bo'ladi.

7. “Muloyimlik” qonuni. Barcha qatnashchilar bir-birlariga xushmuomalalik bilan va o'zlarini taqdim qilganda aytgan ismlari bilan murojaat qilishlari kerak bo'ladi.

8. “SHu erda va hozir” qonuni. Ayni vaqtda va shu erda bo'layotgan jarayonning, shuningdek, qatnashchilarning his-tuyg'ulari, kechinmalari va munosabatlarini trening doirasida ko'rib chiqish va ularni kelajak yoki o'tmish bilan bog'lamaslik kerak. Bu qoida guruhning har bir qatnashchisiga mazkur trening vaqtidagi kechinmalarni anglab etish imkonini beradi.

9. “Konfidensiallik” qonuni. “Trening vaqtida sodir bo'ladigan barcha holatlar, vaziyatlar faqat shu erda va faqat trening qatnashchilari bilan muhokama qilinadi va tashqariga chiqmaydi”.

Bu qonun trening qatnashchilariga o'z fikrlarini erkin bayon etish imkonini beradi.

10. “Ishtirokchi sifatida faqat o'zini taklif etish” qonuni. Ko'p hollarda ba'zi ishtirokchilar biror bir mashqda ishtirok etishni xohlamasdan boshqa ishtirokchilarni taklif etadilar. Bu esa boshqalarga ham ta'sir ko'rsatib, treningning muvaffaqiyatli o'tishiga sabab bo'ladi. SHuning uchun bu qonunni trening boshlanishidan avval tanishtirish kerak bo'ladi.

11. “Seminarining boshidan oxirigacha qatnashish” qonuni. Bu ishtirokchilarda

mas'uliyatni vujudga keltirish uchun zarur bo'lgan tamoyildir.

12. “Ixtiyoriylik” qonuni. Seminarda o'z mulohazalarini bayon qilish, munozaralarda, o'yin va mashqlarda ishtirok etishda ixtiyoriylikni joriy qilishi mumkin.

13. “Vaqtning tejash – sarishtalilik” qonuni. Guruh ishtirokchilari trening mashg'uloti davomida gaplarini imkon qadar qisqa, lo'nda ifodalashi, mavzu doirasidan chetga chiqib ketmasligi lozim.

14. “SHaxsni baholamaslik” qonuni. Har bir ishtirokchi o'z fikr-mulohazalarini, hissiyotlarini bayon qilishi mumkin, biroq bunda boshlovchi va qolgan ishtirokchilar hikoyadagi vaziyatnigina muhokama qilishlari kerak va so'zlovchining o'sha paytdagi xulq-atvori, hatti-harakatini baholashdan qochishlari kerak. Masalan: “O'sha paytda siz jahlg'a berilmasligingiz yoki bunday demasligingiz kerak edi” va hokazo. Buning o'rniga bunaqa vaziyatda men bunday qilardim yoki deyardim kabi variantlarda so'zlashish yoki fikrini bildirish so'raladi.

Ishtirokchilar bir-birlariga do'stona munosabatda bo'lishi, bir-birlarining hissiyotlarini hurmat qilishlari kerak (Masalan: ketishi kerak bo'lib qolsa albatta boshlovchini ogohlantirishi va aksincha).

Bundan tashqari trener tomonidan quyidagilar alohida ta'kidlab o'tilishi shart:

1. Birovning fikrini umuman noto'g'ri deb hisoblagan yoki unga qo'shilmagan taqdirda ham uni to'xtatib qo'yish yoki ustidan kulishga hech kimning haqqi yo'q.

2. Ishtirokchilar bir-birini mas'haralashi yoki g'ururiga tegadigan gaplar aytishi mumkin emas.

3. Ishtirokchilar ham, boshlovchi ham, agar savol uning shaxsiy hayotiga tegishli bo'lsa, javob bermaslik huquqiga ega.

2. Boshlovchiga savollar va fikrlar anonim tarzda berilish imkoniyati yaratilishi shart. Lekin bu haddan tashqari chegaradan chiqish imkonini bermasligi, ya'ni boshlovchining shaxsiyatiga tegish kabilarga yo'l qo'yilmasligi ta'minlanishi kerak.

Me'yorlarni mashg'ulot o'tkazishdan avvalroq katta qog'ozga yozib, xonaga osib qo'yish yoki guruh a'zolari bilan birgalikda «Fikriy hujum» usuli orqali aniqlashtirib olish maqsadga muvofiq.

Bu, birinchi guruhiiy kelishuv hisoblanadi. Bunda shu narsa muhimki, har bir kishining fikrini albatta eshitish, nima uchun bu tamoyilga xayrixohligi yoki noroziligini izohlashini so'rash lozim. Tamoyillarni tasdiqlashni ovozga qo'yish kerak emas. Agar kimdir guruhning fikriga norozi bo'ladigan bo'lsa, uni ko'ndirishga harakat qilish yoki guruh boshqa qarorga kelishi lozim bo'ladi. Chunki uning fikrini inobatga olmaslik - guruhdagi psixologik iqlimga salbiy ta'sir etishi aniq. YA'ni, fikri inobatga olinmagan ishtirokchida norozilik holati paydo bo'ladi va bu uning treningdagi butun ishtiroki davomida minus holatlarni keltirib chiqarishi mumkin. Bundan tashqari unda ruhiy tushkunlik, o'z-o'zini baholashning pasayishi va hokazolar ham paydo bo'lish ehtimolini tug'diradi.

Trening qonunlari bo'yicha guruh ishlarini faollashtirish usullari.

Birinchi usul: Trening qonunlarini o'qib bering va guruhga ularni qabul qilishni taklif eting.

Agar guruh avval treningda qatnashmagan bo'lsa, bu usul samara beradi. Avval qatnashchilarga treningning o'z qoida va qonunlari mavjudligi haqida tushuncha bering. Keyin har bir qoidani o'qib bering va bu qonunlar nima uchun kerakligini tushuntiring.

Qatnashchilarga bu qonunlarni qabul qilishni taklif eting va bu qoidalarga rioya qilish kerakligi, ular har bir ishtirokchining manfaati uchun, guruh ishining samarasi uchun muhimligini ta'kidlash lozim.

Ikkinchi usul: Guruhga asosiy qoidalarni mustaqil ravishda ishlab chiqishni taklif eting. Masalan, Mikrofon qonunini yumoristik "So'z erkinligi" deb atash mumkin.

Uchinchi usul: Bu avval treningda ishtirok etganlar uchun bo'lib, bunda ishtirokchilarga trening qoidalari va qonunlarini o'zlari ishlab chiqishlari taklif etiladi:

- har bir qoida barcha ishtirokchilar tomonidan qabul qilinishi va ma'qullanishi kerak;

- qoidalarga amal qilinish muddati 1 soat, 3 soat yoki trening kuniga bo'lishi mumkin;

- trener qoidalar qabul qilinayotganda har bir qatnashchi muhokamada ishtirok etishiga, o'z fikrini bayon etishiga e'tibor berishi kerak;

- guruhda trening qoidalari taqdim etish usullari ko'p bo'lib, o'zingiz boshqa variantlarni o'ylab topishingiz va ularni qo'llashingiz mumkin;

- misol tariqasida trening qonunlari bo'yicha guruh ishini faollashtirishning bir necha usullarini keltiramiz:

1. Boshlovchi qatnashchilarga oldindan varaqlarga yozib tayyorlab qo'yilgan qoidalarni taklif etadi. Har bir ishtirokchi bittadan varaqni tortib uni o'qib beradi. SHundan so'ng bu qoida muhokama etiladi va trener bu qoida nima uchun kerakligi va nimani anglatishini tushuntirib beradi. Agar barcha ishtirokchilar bu qonunni ma'qullashsa, u holda u trening Qonuni deb qabul qilinadi.

2. 5-6 yoshli bolalar bilan trening o'tkazilganda bu qoidalarni o'yin tariqasida taklif etish mumkin. O'yinimiz qiziqarli bo'lishi uchun 5 ta qoidani yodda saqlashimiz kerak:

- 1) o'yinni hamma birga boshlashi;
- 2) navbat bilan javob berish;
- 3) faol ishtirok etish, vazifalarni bajarish;
- 4) hammani ismi bilan atash;
- 5) bir-birini ustidan kulmaslik.

Boshlovchi jumlaning boshlaydi, bolalar davom ettiradilar. Bunda kichkina ko'ptokchadan foydalanish mumkin, ya'ni ko'ptok biror bir ishtirokchiga uzatiladi va u qoidani aytishi kerak bo'ladi. Lekin ko'ptok bilan o'yin birinchi trening mashg'ulotida emas, balki keyingilarida qoidalarni takrorlash uchun qo'llaniladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Azizxo'jayeva N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. – T.: 2003
2. Yo'ldoshev J., Usmanov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari. – T.: O'qituvchi, 2004.
3. Egamberdiyeva N.M. Madaniy-insonparvarlik yondashuv asosida talabalarni shaxsiy hamda kasbiy ijtimoiylashtirish nazariyasi va amaliyoti (Pedagogika oliy ta'lim muassasalari misolida): Pedagogika fanlari doktori. ... diss. – T., 2010. – B.17.
4. Sayidahmedov N. Pedagogik mahorat va pedagogik texnologiya. – T.: OPI, 2003.
5. Tolipov O'., Usmonboyeva M. Pedagogik texnologiyalarning tadbqiqiy asoslari – T.: 2006.

**ҲОЗИРГИ ФОРС ТИЛИДАГИ ҚИСҚА УНЛИЛАР ВА
ДИФТОНГЛАРНИНГ ТОЖИК ТИЛИ УНЛИЛАРИ БИЛАН ҚИЁСИЙ
ТАҲЛИЛИ**

*Ҳомитов Диловар Лутфуллозода-
Термиз давлат университети
биринчи курс докторанти*

Анотация. Мақолада ҳозирги форс ва тожик тилларидаги от сўз туркумида қисқа унлилар қиёсланган. Бугунги кунда бу тиллар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ва геосиёсий сабабларга кўра фарқланувчи белгилар кўпайган. Ушбу ўзгаришлардан бири бу сўзлардаги фонетик ўзгаришлардир.

Калит сўзлар. Ҳозирги форс тили, ҳозирги тожик тили, қисқа унлилар, турғун унлилар, нотурғун унлилар, фонологик опозиция, товуш, сигма.

Аннотация. В статье сравниваются краткие гласные в современных персидских и таджикских существительных. Сегодня эти языки имеют разные знаки в силу социально-экономических и геополитических причин. Одним из таких изменений являются фонетические изменения в словах.

Ключевые слова. Современный персидский, современный таджикский, краткие гласные, фиксированные гласные, незакрепленные гласные, фонологическая оппозиция, звук, сигма.

Annotation. The article compares short vowels in modern Persian and Tajik nouns. Today, these languages have different signs due to socio-economic and geopolitical reasons. One of these changes is phonetic changes in words.

Key words. Modern Persian, Modern Tajik, short vowels, fixed vowels, non-fixed vowels, phonological opposition, sound, sigma.

Кириш. Ҳозирги форс тилида Эроннинг XX асрдаги тил сиёсатлари натижасида ўзининг классик орфоэпиясидан фарқланувчи белгилари вужудга келди. Ҳозирги тожик тили эса бир асрга яқин вақт ичида руслар таъсирида бўлганлиги ва кўп асрлар давомида ўзбек миллати билан бирга яшаганликлари, охириги йилларда уларнинг таъсири ошиши натижасида классик форс тилидан фарқланадиган бўлди. Ҳозирги форс ва тожик тиллари ўрта асрларда бир тил сифатида қабул қилинган ва ўртасида фарқ сезилмаган. Ушбу форс тилининг энг

янги давридаги тиллар учга бўлинишининг ўзи тожик ва форс тили ўртасида фарк борлигини тасдиқлайди.

Предмет ва методи. Ушбу тадқиқотда қиёсий-тарихий, таснифий, таҳлилий методлардан фойдаланилди. Мақоланинг объекти ҳозирги форс ва тожик тилларидаги отлар бўлиб, тадқиқотнинг предмети мазкур тиллардаги ана шу отларнинг фонетик-фонологик қиёсий таҳлилидан иборат.

Натижа ва муҳокама. Ҳозирги форс тилида учта қисқа унли мавжуд: *a, o, e*. Бу товушлар қисқалиги сабабли айниқса урғусиз бўғинларда сифатини осонлик билан ўзгартиради, яъни рақобатбардош эмас. Шунингдек тожик тили билан ҳам қиёсланганда бу ўзгаришларни кузатиш мумкин. Бу ўзгаришлар асосан бошқа тиллар таъсири ва адабий тилнинг халқ оғзаки тилига яқинлаштирилишидан бўлади. Ҳозирги форс ва тожик тилининг орфоэпия ва орфографияси яқин асрларгача бир хил бўлган. Аммо тилни шакллантириш жараёнида улар адабий тилни оғзаки тилга яқинлаштиришга ҳаракат қилишди ва оғзаки тиллар эса адабий тилдан анчагина узоқлашган эди. Агарда ҳозирги форс тили араб, инглиз, франсуз ва турк тили ўзлашмаларидан бойиган ва оғзаки тилда мужассам этилган бўлса, ҳозирги тожик тилида ўзбек ва рус тилидаги ўзлашмалар сони ошган ва ўтган асрнинг охиригача тожикларнинг иккинчи тили рус тили бўлганлиги учун унинг интонацияси, товушларининг сифатлари тожик тили товушларининг сифатларига ўз таъсирини ўтказган. Шундай қилиб бу тиллардаги товушларининг сифатлари бир-биридан фарқланадиган бўлди.

Ҳозирги форс тилидаги жуда ўзгарувчан қисқа унлилардан бири бу “o” товушидир. Бу товуш лаб иштирокига кўра: лабланган, тилнинг орқа қатор товуши, тилнинг кўтарилиш даражасига кўра ўрта даражали товушдир¹. Бу товуш кўп ҳолатларда тожик тилининг нотурғун “u” товуши ўрнида келади:

| | |
|------------------|----------------|
| <i>Ҳ.ф.м</i> | <i>Ҳ.м.м</i> |
| <i>angošt</i> | <i>angušt</i> |
| <i>anjoman</i> | <i>anjuman</i> |
| <i>borj</i> | <i>burj</i> |
| <i>bo(e)ssad</i> | <i>bussad</i> |

¹ А. Куронбеков, А. Воҳидов, Т. Зияева. Форс тили. Мусиқа, Тошкент. 2006. Б.17; Абдусаматов М. Форс тили. Шарҳ. 2007. Б.12.

*boxārā**buxôrô*

Тожик тилидаги нотурғун “u” товуши лабланган, орқа қатор, тилнинг танглайга қараб кўтарилиш даражасига кўра юқори кўтарилишли товушдир². Бу товуш талаффуз этилганда тил орқага мойил бўлиб, тилнинг орқа қисми юмшок танглай тарафига кўтарилиб, тил учи тишлардан узоклашади³. Ҳозирги форс тилидаги қисқа “o” ва ҳозирги тожик тилидаги нотурғун “u” товуши ўртасида фақатгина битта фонологик оппозиция бор: тилнинг кўтарилиш даражасига кўра. Ушбу товушлар классик форс тилида қисқа “u” шаклида келган. Ушбу қиёсланишдан маълум бўлмоқдаки ҳозирги форс тилидаги қисқа “o” товуши ўзининг классик шаклидан сифаттан ўзгарган ва тожик тилидаги нотурғун “u” товуши классик шаклига яқинроғ вариантыни сақлаган. Шунингдек бу товушларнинг чўзиқлиги ҳам бир биридан фарқ қилади. Мисол учун ҳозирги форс тилидаги “o” товушининг очик ва урғусиз бўғиндаги ўртача чўзиқлик вақти 9,7 сигма ва турли ҳолатларда 7 дан 12 сигмагача чўзилиши мумкин. Ёпиқ урғули бўғинда ўртача 19,8 сигма ва турли ҳолатларда 17 дан 22 сигмагача чўзилиши мумкин. Тожик тилидаги нотурғун “u” товуши очик урғусиз бўғинда ўртача 8,8 сигма ва турли ҳолатларда 12 дан 4 сигмагача чўзилиши мумкин. Урғули ёпиқ бўғинда ўртача 20 сигма ва турли ҳолатларда 14 дан 24 сигмагача чўзилиши мумкин⁴.

Ушбу рақамлардан маълум бўлмоқдаки форс тилидаги қисқа “o” товуши очик урғусиз бўғинда чўзиқроғ ва тожик тилидаги нотурғун “u” товуши эса ёпиқ урғули бўғинларда чўзиқроғ талаффуз этилади.

Ҳозирги форс тилидаги қисқа “o” товуши, тўғрироғи классик форс тилидаги қисқа “u” товуши жуда ўзгарувчан бўлганлиги боис ҳозирги тожик тилида баъзан нотурғун “a” товуши ўрнида учрайди. Ҳозирги тожик тилидаги нотурғун “a” товуши лабланмаган, олд қатор, тилнинг кўтарилиш даражаси бўйича қуйи даражали товушдир⁵. Бу товушлар ўртасидаги ягона ўхшашлик бу қисқалиқдир бошқа сифатларининг барчаси фарқланади.

² Хаскашев Т. Н. Фонетикаи забони адабии тоҷикӣ. – Д.: Маориф, 1989. – С. 66-67

³ Рустамов Ш. Забони адабии ҳозираи тоҷик. Маориф, Душанбе 1982. С 85.

⁴ Основы иранского языкознания: новоиранские языки. Наука. Москва, 1982. С.23-24.

⁵ Хаскашев Т. Н. Фонетикаи забони адабии тоҷикӣ. – Д.: Маориф, 1989. – С. 66-67.

| | |
|-----------------|-----------------|
| Ҳ.ф.т | Ҳ.т.т |
| <i>bornā</i> | <i>barnô</i> |
| <i>gola(e)</i> | <i>gala</i> |
| <i>kokāīn</i> | <i>kakain</i> |
| <i>polo[w</i> | <i>palav</i> |
| <i>xortum</i> | <i>xartum</i> |
| <i>zomorrod</i> | <i>zumurrad</i> |

Тожик тилидаги нотурғун “а” товуши ёпиқ бўғинда ҳам очик бўғинда ҳам урғули ва урғусиз бўғинда ҳам ҳозирги форс тилидаги қисқа “о” товушидан чўзикроғ талаффуз этилади.

Баъзан ҳозирги форс тилидаги қисқа “о” тожик тилида турғун(чўзик) “е” товуши ўрнида келади: [*dolfin- delfin*], классик форс тилида [*dulfin*] шаклида учрайди.

Бир сўзнинг турли тилларга ўзлашиб ўша тиллар ички қонуниятларига жумладан фонологиясига ҳам мослашиши барчага маълум. Ҳозирги форс ва тожик тилида ҳам ғарбий тиллардан ўзлашган ўзлашма сўзлар ҳам турли, яъни алоҳида фонологик мослашувга учрайди. Ушбу мослашувларда ҳозирги форс тилидаги қисқа “о” товуши тожик тилидаги ўша сўзнинг мослашган шаклида турғун(чўзик) “ô” товуши ўрнига келади:

| | |
|------------------|---------------------|
| Ҳ.ф.т | Ҳ.т.т |
| <i>gol</i> | <i>gôl (futbol)</i> |
| <i>komīser</i> | <i>kômīssar</i> |
| <i>kolorofīl</i> | <i>xlôrôfil</i> |

Юқоридаги мисолдан келиб чиқиш мумкинки ушбу икки қариндош тилнинг ички қонуниятлари бир-биридан фарқланади ва унинг талаботлари ҳам бошқача. Шунинг учун бирида қисқа унли бўса бошқасида чўзик унли келган. [*komīser*] сўзи франсузча [*commissaire*] сўзининг мослашган шаклидир. Рус тилида ушбу сўз “комиссар” шаклида учрайди ва бу шакл тожик тилидаги варианты билан бир хил. Демак тожик тилига бу сўз рус тили билан бирга кириб келганлигини ёки тожик тилига рус тили таъсири борлигини айтиш мумкин.

Ҳозирги форс тилидаги қисқа “о” товуши тожик тилидаги сўзларнинг таркибида баъзан турғун “û” товуши ўрнига келади.

| | |
|--------------|---------------|
| Ҳ.ф.т | Ҳ.т.т |
| <i>komāj</i> | <i>kūmôc</i> |
| <i>mojeb</i> | <i>mūjib</i> |
| <i>sobān</i> | <i>sū'bān</i> |

Ушбу қиёсланишдан маълум бўлмоқдаки ҳозирги форс тилидаги қисқа “о” товуши тожик тилига чўзилган. Ушбу товушлар ўртасида фақатгина битта фонологик оппозиция: тилнинг олдинга ёки орқага силжишига кўра(қатор), яъни ҳозирги форс тилидаги қисқа “о” товуши орқа қатор товуши бўлса⁶ тожик тилидаги турғун(чўзик) “ў” товуши ўрта қатор товуши⁷ ҳисобланади.

Ҳозирги форс тилидаги қисқа “о” товуши бир неча ҳолатларда тожик тилида нотурғун “и” товуши ўрнига келади: [*može- miža, re(o)švat- rišvat*].

Ҳозирги форс тилидаги яна бир қисқа унли бу “е” товушидир. Бу товуш лабланмаган, тилнинг кўтарилиш даражасига кўра ўрта даража, олд қатор товуши ҳисобланади⁸.

Бу товуш агар “h” ва “” товушидан олдин келсагина ўзгармай қолади:

| | |
|-----------------|-----------------|
| Ҳ.ф.т | Ҳ.т.т [h] |
| <i>dehyan</i> | <i>dehqôn</i> |
| <i>fāteh</i> | <i>fôteh</i> |
| <i>gereh</i> | <i>gireh</i> |
| <i>mofarreh</i> | <i>mufarreh</i> |
| <i>keh-ān</i> | <i>kehôn</i> |

Ҳамма жойда ҳам ҳозирги форс тилидаги қисқа “е” товуши “h” товушидан олдин келганда тожик тилидаги турғун (аслида бу ерда қисқа талаффуз этилади) “е” товушига ўзгармайди. Баъзан нотурғун “i, a” товушлари ўрнига келади.

| | |
|-----------------|----------------|
| Ҳ.ф.т | Ҳ.т.т [h] |
| <i>behešt</i> | <i>bihišt</i> |
| <i>dehliz</i> | <i>dahlez</i> |
| <i>nehād</i> | <i>nihôd</i> |
| <i>na(e)hāl</i> | <i>nihôl</i> |
| Ҳ.ф.т | Ҳ.т.т [‘] |
| <i>dāfe’</i> | <i>dôfe’</i> |
| <i>e’rāz</i> | <i>e’rôz</i> |
| <i>e’temād</i> | <i>e’timôd</i> |
| <i>mo[w]ze’</i> | <i>mavze’</i> |

⁶ شماره. ی. آواشناسی زبان فارسی. تهران. 1311ه. ص. 30.

⁷ Хаскашев Т. Н. Фонетикаи забони адабии тоҷикӣ. – Д.: Маориф, 1989. – С. 66-67

⁸ Куронбеков А, Воҳидов А, Зияева Т. Форс тили. Мусика, Тошкент. 2006. -Б.17; Абдусаматов М. Форс тили. Шарқ. 2007. -Б.12.

товушларнинг чўзиқлиги ҳам турличадир яъни очик урғусиз бўғинда “e” товуши чўзиқроғ 9,8>8,8 сигма ва ёпиғ урғули бўғинда “i” товуши чўзиқроғ 20>19,8 сигма¹³.

Ҳозирги форс тилидаги қисқа “a” товуши ҳозирги тожик тилидаги кўп ҳолатларда нотурғун “a” товуши ўрнига келади:

| | |
|--------------|--------------|
| Ҳ.ф.т | Ҳ.т.т |
| <i>abjad</i> | <i>abjad</i> |
| <i>afsar</i> | <i>afsar</i> |
| <i>alaf</i> | <i>alaf</i> |
| <i>ayd</i> | <i>aqd</i> |

Баъзан нотурғун “i” ва “u” товушлари ўрнига ҳам келади:

| | |
|-------------------|----------------|
| Ҳ.ф.т | Ҳ.т.т |
| <i>be(a)dāyat</i> | <i>bidōyat</i> |
| <i>faḡān</i> | <i>fiḡōn</i> |
| <i>ga(e)lu</i> | <i>gulū</i> |
| <i>Kalux</i> | <i>kulūx</i> |
| <i>Šabān</i> | <i>Šubōn</i> |

Маълум бўлмоқдаки ҳозирги форс тилидаги қисқа “a” товуши ҳозирги тожик тилидаги барча нотурғун унлилар ўрнида келиши мумкин.

Ҳозирги форс тилидаги дифтонглар ҳозирги тожик тилида ўзининг классик шаклини сақлаб қолган. Яъни классик форс тилидаги “av” ва “ay” товуш бирикмалари ҳозирги форс тилида “ou” ва “eu” дифтонглари ўрнига келади. Ҳозирги тожик тилида ҳам худди шу тарзда сақланган, яъни “av” ва “ay” ўрнига ҳозирги форс тилидаги “eu” ва “ou” дифтонглари келган.

| | | |
|---------------------------------|------------------|----------------|
| К.ф.т | ҳ.ф.т | ҳ.т.т |
| <i>avliyā avliyā[G’L.1J,99]</i> | <i>o[w]liyā</i> | <i>avliyō</i> |
| <i>davlat[G’L.1J,345]</i> | <i>do[w]lat</i> | <i>davlat</i> |
| <i>favt[G’L.2J,119]</i> | <i>fo[w]t</i> | <i>favt</i> |
| <i>firdavs[G’L.2J,101]</i> | <i>ferdo[w]s</i> | <i>firdavs</i> |

| | | |
|-----------------------|------------|------------|
| К.ф.т | ҳ.ф.т | ҳ.т.т |
| <i>ayb[G’L.1J,99]</i> | <i>eyb</i> | <i>ayb</i> |
| <i>ayn[BQ.2J,83]</i> | <i>eyp</i> | <i>ayn</i> |

¹³ Основы иранского языкознания: новоиранские языки. Наука. Москва, 1982. С. 23-24.

bayray[G'L.1J,154]*beyray**bayraq*

Шунисинини ҳам айтиш жоизки ҳозирги тожик тилидаги барча “av” товуш йиғиндиси ҳозирги форс тилида дифтонг ўрнида келмайди. Фақатгина агар “av” ва “ay” товушлар бирикмаси ундош товушдан олдин келсагина дифтонгга ўзгаради ва унлилардан олдин келганда ўзгармаган:

К.ф.т

avastā[BQ.1J,183]*davāl*[G'L.1J,347]*gavazn*[G'L.2J,201]*havā*[G'L.2J,403]*Payām*[G'L.1J,172]

х.ф.т

*avestā**davāl**gavazn**havā**Payām*

х.т.т

*avestō**davōl**gavazn**havō**Payōm*

Хулоса. Ушбу тадқиқотдаги таажубли ҳолат шуки, ҳозирги форс тилидаги қисқа “o” товуши ҳозирги тожик тилидаги олтита унли ўрнида ҳам кела олади. Шунингдек бу товушларнинг ўзгаришига сабаб, авваламбор қисқа унлилар ёзувда акс эттирилмаганлиги, адабий тилнинг оғзаки тилга яқинлаштириши бўлса, бошқа тарафдан ўзга тилларнинг ушбу тилларга кўрсатган таъсиридир.. Мисол учун ҳозирги форс тилига туркий тиллар ўз таъсирини ўтказган бўлса ҳозирги тожик тилига ўзбек ва рус тиллари ўз таъсирини кўрсатган. Ушбу ўзгаришлар қуйидаги жадвалда акс эттирилган:

o→u, o→a, o→e, o→ô, o→û, o→i;

e→e, e→i, e→a;

a→a, a→i, a→u.

Адабиётлар рўйхати

1. Қуронбеков. А, Воҳидов.А, Зияева.Т. Форс тили. Муסיқа, Тошкент. 2006. Б.17;
2. Абдусаматов М. Форс тили. Шарқ. 2007. Б.12.
3. Бурҳон.М. Бурҳони қотеъ.5 ҷ –Д., 2014. 805 с.
4. Ғиёсуддин М. Ғиёс-ул-луғот. 2 ҷ– Душанбе: Адиб.1987.882с.
5. Қуронбеков А. Классик форс тили ҳамда ҳозирги давр форс, дарий ва тожик тиллари фонемалар тизимининг қиёсий таҳлили//Шарқ классик филологияси. – Тошкент: ТошДШИ, 2009. –Б.16-17.
6. Основы иранского языкознания:новоиранские языки. Наука. Москва, 1982. С. 23-24.



7. Рустамов Ш. Забони адабии ҳозираи тоҷик. Маориф, Душанбе
1982. С 85.
8. Хаскашев Т. Н. Фонетикаи забони адабии тоҷикӣ. – Д.: Маориф,
1989. – С. 66-67
9. ثمره. ی. آواشناسی زبان فارسی. تهران. 1311ه. ص.30.
10. محمد حسین بن خلف التبریزی. برهان قاطع. 5ج. تهران. 1342ه.

КОНСТИТУЦИЯ – ТАЯНЧИМИЗ ВА БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Муқаддасхон Ахмедова - Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети профессори, ю.ф.д.,

Ҳар қандай давлатнинг бош қонуни Конституция ҳисобланади. Конституция сўзи луғавий жиҳатдан “Низом”, “Қоидалар тўплами” деган маънони англатади. Лекин мазмун - моҳиятига кўра, ушбу ҳужжат мамлакат, унинг фуқаролари ҳаётида жуда муҳим ва катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз олдига адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва халқни фаровон ҳаёт сари олиб бориш каби буюк мақсадларни қўйди.

Узоқ асрлар давомида башарият минг-минглаб қоидалар ва низомлардан жамият учун асосийларини ва ўта муҳимларини танлаб олди. Айнан ана шу танлаб олинган қоидалар Конституциямиз яратилишига пойдевор бўлди. Конституцияда баён этилган тушунчалар шу қадар аҳамиятлики, ҳеч бир одам уларсиз яшай олмайди, негаки инсоннинг ҳар куни дуч келадиган муаммоларни ҳал этишга қаратилган фаолияти кўпинча мамлакат асосий қонунига киритилган қоидалар ва моддаларга боғлиқдир.

Конституция сўзи латин тилида “Constitutio” – сўздан келиб чиқиб, “тузиш”, “ўрнатиш”, “белгилаш” деган маъноларни билдиради. Жамиятдаги ижтимоий муносабатларни қонун асосида белгилаш дастлаб қадимги Римда амалга оширилганлиги тарихдан бизга маълум. Конституция ўзининг узоқ тарихига эга. Жаҳонда биринчи Конституциялар 1787 йилда АҚШда, 1791 йил Францияда, 1831 йилда Белгияда, 1874 йилда Швейцарияда қабул қилинган.

Барчамизга яхши аёнки, истиқлол йилларида миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик жамияти институтлари фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди, миллий ва умуминсоний қадриятларимиз, тарихий ва бой маданий меросимиз тикланди. Халқимизнинг ўтмишига оид кўплаб ҳақиқатлар, миллий қадрият ва анъаналаримиз, шахси, илмий, бадий ижоди ўз даврида етарли баҳоланмаган улуғ алломаларимиз номи тикланди, унутилаётган миллий байрамларимиз маънавий мулкимизга айланди. Азиз авлиёларимизнинг қаровсизликдан нураб деярли йўқ бўлиб кетиш арафасига келиб қолган мақбаралари, масжид ва мадрасалар тубдан таъмирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида, мамлакатимизда ислохотларимиз мантиғи талаб этаётган муҳим таклиф конституциявий ислохотларни амалга оширишдан иборатлигига, алоҳида эътибор қаратдилар. Давлат раҳбарининг таъкидлашича, дунё тажрибасида туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислохотлар амалга оширилганлигини, шу нуқтаи назардан аввало, сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги

ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий қонунимизни такомиллаштириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз кераклигини¹ таъкидлаб ўтдилар.

Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш парламент томонидан, референдум йўли билан, айрим мамлакатларда давлат бошлиғи томонидан киритилиш мумкин. Конституцияга ўзгартириш киритишнинг алоҳида мураккаб тартиби уни барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир. Мамлакатимиз конституционализм тажрибасига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Олий Мажлис палаталари аъзоларининг иштироки ёки референдум йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида келажак ҳаётнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масъулиятли ва шарафли вазифаси вужудга келди десак, ҳеч ҳам хато қилмаган бўламиз. Конституцияда шахс-давлат-жамият манфаатлари мутлақо бошқача, яъни инсон манфаатлари ҳар нарсадан устувор масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Негаки, бу давр талаби, умумэтироф этилган янги босқичдаги демократия таомили.

Конституция давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилигининг асосий принципларини, инсон ҳуқуқ ва бурчларини, ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатларини, мамлакатнинг маъмурий-ҳуқуқий тузулиши асосларини, мамлакатнинг иқтисодий асосларини, давлат ҳокимиятини ташкил этиш тартибларини ва ваколатларини, сайлов тизимини белгилаб қўйди.

Конституциямиз фақат мавжуд ижтимоий муносабатларнигина мустаҳкамлаб қўйиш билан чекланмай, келажак учун зарур мақсад ва вазифаларни ҳам белгилаб қўйди. Конституциямизнинг “Муқаддима”сида белгиланган инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаган мақсад бунинг мисолидир. Конституциямиз қабул қилингандан бугунга қадар 30 йил ўтди. Бу ўзбек халқи ҳаётига катта таъсир қилган ҳужжат сифатида ўз ўрнига эга бўлди. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ҳуқуқий асосга эга бўлди ва шу асосда ривожланиб борди.

Ҳаётдаги ўзгаришлар, яъни ижтимоий муносабатларнинг ривожланиб бориши, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини ислоҳ қилиш зарурлиги ва ислоҳот натижаларида Конституциямизнинг ўзига ҳам шу йигирма тўққиз йил ичида ўзгаришлар киритилишига, такомиллашиб боришига сабаб бўлди.

Ўттиз йил ичида Конституцияга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни таҳлил қилсак, бу ўзгартириш ва қўшимчалар ижтимоий ҳаётни, давлат қурилиши ва бошқарувини янада демократлаштиришга, фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини кучайтиришга қаратилганлигини кўрамиз. Чунки, давлат бошқарувини демократлаштириш, ҳокимият бўлиниши принципларини янада кенгроқ ҳаётга жорий этиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш асосий масалалар сифатида белгиланди.

¹ Янги Ўзбекистон газетаси. № 223 (479), 2021 йил 7 ноябрь.

Шу билан бирга, Асосий Қонунимиз кўплаб демократик давлатларда конституциявий курилиш соҳасидаги илғор тажрибанинг энг яхши жиҳатларини, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг умумэътироф этилган нормалари ҳамда мазкур соҳадаги бошқа халқаро ҳужжатларга асосланган инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмини ўзида мужассам этган.

Халқимиз маънавият ва маданият, таълим ва тарбия соҳаларида бой меросга эга бўлиб, ёш авлодини ҳамиша ватанпарварлик ва инсонпарварлик, дўстлик ва меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат ва биродарлик, бағрикенглик ва камтарлик каби умуминсоний фазилатлар руҳида тарбиялаб келган.

Конституция ва ҳуқуқий маданият, маънавият ва миллий қадриятлар ҳақида гап борганда, кўхна заминимиз одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантлиқ каби улуғ хислатлар Конституциямиздан муносиб ўрин олганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Зотан, Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида яққол акс эттиради.

Конституция – барча иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислоҳотларнинг ҳам, маънавий ислоҳотларнинг ҳам тамал тоши бўлиб хизмат қилади.

Яхши, мукамал конституцияни қабул қилиш масалани бир томони. Лекин уни фақат қабул қилиб қўйиб, конституция нормаларини таъминланишини самарали чоралари кўрилмаса кутилган натижа чиқмайди. Охириги йилларда қилинаётган, таълим, тиббиёт, одил судлов соҳасини такомиллаштириш, халқ билан мулоқотни янгича йўлга қўйишга қаратилган тадбирлар конституция нормаларини ҳаётга тадбиқ қилинишини янада кенгайтиришга қаратилгандир.

Албатта ҳамма қилинаётган ишларни самараси бирданига бўлмайди. Бунинг учун маълум вақт керак. Лекин, кейинги пайтда давлат бошлиғи томонидан шундай ишлар қилинмоқдаки, у конституция нормаларини доимий амал қилишини таъминламоқда. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Президентини мамлакатимиз ҳудудида узок йиллардан бери яшаб келаётган, лекин конституция ва қонун нормаларига қарамасдан Ўзбекистон фуқаролигини ололмаган ватандошларимизни жуда кўпчилигини Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш ҳақидаги Давлат раҳбари Фармонини кўрсатишимиз мумкин.

Айтиш мумкинки, конституциямизга киритилган бу ўзгартириш ва қўшимчалар унда белгиланган асосий мақсад – ҳуқуқий давлат куришдан келиб чиқиб, давлат бошқарувини эркинлаштиришга, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга, халқ, инсон манфаатини янада кучли, ишончли ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Давлат раҳбаримиз таъкидлаганларидек, “Конституция ва қонунларимизни янада такомиллаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Шу ўринда келгусида, Конституциямизнинг жамиятимизнинг иқтисодий негизлари, жамоат бирлашмалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти асослари каби бобларга ҳозирги ислоҳотлар мақсадларидан келиб чиқиб ўзгартириш ва қўшимчалар

киритиб бориш мантиған тўғри бўлишини таъкидлашимиз лозим бўлади. Мисол тариқасида, бу ўзгаришлар фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолияти, парламентнинг мурожаатлар билан ишлаш тартиби, қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш функцияси, маҳаллий ижро ҳокимияти ҳамда вакиллик органларининг алоҳида мақомда фаолият олиб бориши каби масалалар билан такомиллашиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, келгусида конституциямизнинг тегишли нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши бу конституциямизнинг мажозий маънода кучсизланишига эмас, аксинча, конституциямизнинг янада такомиллашувига, халқ манфаатларининг кафолатланишига ва ҳаётий заруратнинг акс этишига хизмат қилади. Зеро, Бош Қомусимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, тенглар ичра тенглигимизни, келажаги буюк давлат қуришга бел боғлаган бағри кенг, кўп миллатли Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи ҳужжат сифатида бизнинг йўлларимизни чароғон этувчи юлдуздир. Суверен ва демократик давлат қуриш йўлидан қатъий бораётган Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси Конституциямиз билан фахрланади. Чунки, у бахтимизнинг қомусидир.



Maktabgacha yoshdagi bolalarni tabiat bilan tanishtirish muammosining ilmiy– nazariy tahlili.

Shahrisabz tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tasarrufidagi

35-DMTT tarbiyachisi Isamova Dilnora Usmanovna

Annotatsiya:

Mazkur maqolada bolalarni tabiat bilan tanishtirishning ilmiy-nazariy asoslari, bolalarni tabiat bilan tanishtirish usullari, metod va vositalari haqida yoritilgan bo'lib, maqola boshlang'ich ta'lim mutaxassisligi bo'yicha tahsil olayotgan talabalar foydalanishlari uchun tavsiya etiladi.

Kalit so'zlari: Tabiat, usullar, texnologiya, dunyoqarash, ijodiy fikr, ekalogiya, kognitiv, kuzatish.

Annotation:

This article describes the scientific and theoretical basis of introducing children to nature, methods, techniques and tools for introducing children to nature, and the article is recommended for use by students majoring in primary education.

Keywords: Nature, methods, technology, worldview, creative thinking, ecology, cognitive, observation.

Аннотация:

В данной статье описаны научно-теоретические основы приобщения детей к природе, методы, приемы и средства приобщения детей к природе, а также статья рекомендована к использованию студентам, обучающимся по специальности начальное образование.

Ключевые слова: Природа, методы, технология, мировоззрение, творческое мышление, экология, познание, наблюдение.

Hozirgi davrda inson va tabiat, fan-texnika taraqqiyoti va atrof-muhit, jamiyat va ekalogiya o'rtasida nomutanosiblik mavjud ekanligi haqiqatdir. Bularning barchasi tabiat bilan inson o'rtasidagi munosabatlarni yukasaltirishdan iboratdir. Tabiat bu yer yuzidagi jamiki tirik mavjudot uchun muqaddas hisoblanadi va ular tabiatdan oziqlanadi, o'sadi, rivojlanadi, tabiat ularni issiq va sovuqdan asraydi. Tabiatning turli go'zal manzaralari, tog'li hududlari, tarixiy yodgorliklari, tarixiy obidalari ma'naviyatli shaxsning

shakllanishiga olib keladi. Ayni bugungi kunda ekologiya tushunchasi va muammolari dolzarb masalaga aylanib bormoqda. Ekologik muammolar insoniyatning tabiat bilan aloqasidagi e'tiborsizligi, ehtiyotkorsizligi hamda ekologik bilimlarining yetishmasligidan xato-kamchiliklarga yo'l qo'ymoqda. Tabiiy jarayonlarni o'rganish, tabiat uchun zarar bo'ladigan harakatlarni amalga oshirishdagi kamchiliklarni tushunish muhim sanaladi. Tabiat bilan tanishtirish insonni ma'naviy boyitishning bitmas-tuganmas manbasidir, bilamizki tabiatning cheksiz rang – barang olami bolalarda katta qiziqish uyg'otadi, ularni o'yinga, mehatga, badiiy faoliyatga undaydi. Biroq bolalar mustaqil ravishda tabiat bilan muloqot qilganda hamma narsani to'g'ri tushuna olmaydi, o'simliklar va hayvonlar bilan munosabatlari har doim ham to'g'ri shakllanmaydi. Bolani tabiat olami bilan tanishtirish, uning obyektlari va hodislalarini to'g'ri ko'rsatish uchun ularning tabiatni idrok etish jarayonini anglashga yo'naltirish kerak. Tabiatga ehtiyotkorlik va g'amxo'rlik bilan munosabatda bo'lish, bolalar u haqida hech bo'lmaganda boshlang'ich bilimga ega bo'lganda - o'simliklar yetishtirishning oddiy usullarini, hayvonlarga g'amxo'rlik qilishni o'zlashtirganda, tabiatni go'zalligini his qilishni ifoda eta olishlarida ko'rish mumkin. Avvalo tabiatni bilish uning predmet va hodisalar o'rtasidagi sabab-oqibat munosabatlariga kirib borish tafakkurini rivojlantiradi va ilmiy dunyoqarashni shakllantirishga yordam beradi. Bolalar doimo u yoki bu shaklda tabiat bilan aloqada bo'lishadi. Yashil o'rmonlar va o'tloqlar gullar va kapalaklar, qo'ng'izlar, qushlar, jonivorlar, harakatlanuvchi bulutlar, yog'ayotgan qor parchalari, soylar, hatto yozgi yomg'irdan keyingi ko'lmaklar – bularning barchasi bolalarni e'tiborini tortadi, ularni quvontiradi. Shu bilan birga aqliy rivojlanishi uchun zamin yaratadi.

Chexiyalik mashhur pedagog Ya.A.Komenskiyning fikricha, inson tabiatning eng go'zal mavjudotidir. Inson tabiatga ergashib, hamma narsani bilib olishi mumkin. Ya'niki Komenskiy bolalarni tabiat bilan tanishtirishda bolalarni o'rab turgan borliq tabiatdan iboratligini, uning go'zalligi, iforidan doim bahramand bo'lishligini hamda uning bag'rida yashayotganligini his qilishi kerakligini ta'kidlaydi. Pedagog tabiatni sevgan shuning uchun ham aksariyat asarlarni hattoki nomlanishini ham tabiatga bog'lashni ma'qul ko'rgan. Ya.A.Komenskiy maktablarning 4 turini yilning 4 fasliga o'xshatgan.



-“Onalar maktabi”ni xushbo’y o’simliklar, g’uncha va gullarga burkangan ajoyib bahorni eslatadi.

-Ona tili maktabini esa yozga va ayrim erta pishgan mevalarga o’xshaydi.

-Gimnaziyada esa dalalar, bog’ va terakzorlardagi mo’l hosilni umr bo’yi sarflashni mo’ljallab taqsimlayotgan kishiga o’xshatiladi.

Ya. A. Komenskiy “Onalar maktabi” da 18 ta fandan ma’lumot olishni tavsiya etgan. Uning fikricha 6 yashar bola:

- Suv, yer, havo, olov, yomg’ir, qor, muz, tosh, temir, daraxt, o’t, qush, baliq kabilarni;
- Yorug’lik va qorong’ulikning farqini, osmon, quyosh, oy, yulduzlar haqidagi bilimlarni, ularning har kuni chiqishi va botishi haqidagi tasavvurlarni;
- O’zi yashayotgan joyning xususiyatiga muvofiq tog’, vodi, dala, daryo, qishloq, shahar nima ekanligini bilishi kerak.

Ya.A. Komenskiy hamma narsani tabiatga bog’lab tushuntirgan. U bolalar diqqatini jalb etish uchun kitoblarni nomini qiziqarli nomlab, mazmunini to’liq ifodalab bergan. Uning aytishicha, bu sohada mavjud narsalarning eng chiroylisi bog’ning turli manzaralaridan namuna olishdir. Misol uchun, nega endi 1-sinf kitobini “Gunafsha jo’yagi”, 2-sinf kitobini – “Atirgul tupi”, 3-sinf kitobini “Istirohat bog’i” va hokazo deb nomlash nega mumkin emas deb hisoblagan. Komenskiy bolalarni tarbiyalashda tabiatning ahamiyatini o’zining boshqa asarlarida ham ochib bergan.

Olimlardan K.I.Temiryaziyev, I.V.Mechurin, M.Prishvin kabilar bolalikdan tabiat bilan tanishtirib borish kerak deb hisoblaydilar. Ya’niki tabiatni qanday bo’lsa shundayligicha ko’rish, borligicha eshitish, tabiatdan zavq ola bilishi, tabiat bilan munasabatni uzmasdan o’rganish bolalarda xarakter va qiziqishlarining shakllanishiga xizmat qilishini ta’kidlaydilar. Ilg’or pedagoglardan biri Ushenskiy tabiat bilan tanishtirishda kuzatish metodi eng samarali metod deb ajratadi. K.D. Ushenskiy bolalarni tabiat bilan tanishtirishni o’z joyi, o’z o’lkasini o’rganish bilan boshlashni taklif qildi. Egallagan bilimni kuzatish orqali tekshira olishi kerakligini ta’kidlaydi. Ushenskiy “Bolalar dunyosi” kitobida bolalarni nutq rivojlanishining asosida yotuvhi



oddiy mantiqiy ishlarga o'rgatish uchun tabiatni qanday kuzatish zarurligini ko'rsatib beradi.

Shu bilan birga, kuzatishlar, tajribalar va ekskursiyalarga asoslanib tabiat o'qitish tizimini birinchi bo'lib A.Ya.Gerd taklif qildi. U ta'kidladiki, ko'rgazmali o'qitish bola idrokini aniq holatiga muvofiq bo'lish kerak.

Sharq mutafakkirlarining tabiatshunoslik faniga qo'shgan hissalarini beqiyosdir. "Avesto" tabiat, jamiyat mezonlar orqali uyg'unlashuvi falsafadir. Bolalarni tabiat bilan tanishtirishda suv havo yer tabiatning asosi ekanligi tushuntiriladi va har bir inson tabiatni tosh tuproq qum bilan boyitib borish uqtiriladi. Beruniyning fikricha tabiat hodisalarini sodir bo'lish sabalarini ilmiy asoslab o'rgatish kerakligini uqtiradi. Zahiriddin Muhammad Bobur tabiat bilan tanishtirishda atrof-muhitni kuzatish orqali boshlang'ich ma'lumotlarni egallashi va mustahkamlashi mumkinligini ta'kidlagan. Shuningdek unda o'simlik navlarini ko'pgina turlarini kuzatish usuli orqali o'rganish mumkinligi uqtirilgan.

Bolalarni tabiat bilan tanishtirishda turli usullardan foydalanish mumkin. Misol uchun kuzatuv – bu atrofdagi dunyo obyektlari va hodislarni maqsadli, tizimli idrok etish bo'lib, u o'z o'rnida murakkab kognitiv vaziyatlarda idrok, fikrlash va nutqni rivojlantirishni o'z ichiga oladi. Tabiatda kuzatishlarni tashkil etish orqali pedagog bir qator vazifalarni kompleks hal qiladi. Shuningdek bolalarda tabiat haqidagi bilimlarni shakllantiradi, kuzatishga o'rgatadi, estetik jihatdan tarbiyalaydi. Kognitiv vaziyatlarga qarab pedagog turli xil kuzatishlardan foydalanadi. Kuzatish o'simliklar, hayvonlar, ob-havo, kattalarning tabiatdagi mehnati bilan tanishish orqali tashkil etiladi. Tabiat bilan tanishtirishda turli usullardan foydalaniladi ko'rgazmali, amaliy (o'yin metodi, oddiy tajribalar.), og'zaki, suhbat metodlaridan keng foydalaniladi. Albatta bolalarni jonsiz tabiat: yer, suv, havo, va boshqalar bilan tanishtirishda katta oddiy tajribalar metodidan foydalaniladi. Turli tajribalarda havo bilan tanishish imkoniyatiga ega bo'ladilar, suvni qattiq va suyuq holatga keltirishni o'rganadilar.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1.Sh. A. Sodiqova, M. A. Rasulxo'jayeva «Bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi» «Fan va texnologiya»- T.: 2012.



2.O.Hasanboyeva, X.Jabborova, Z.Nodirova «Tabiat bilan tanishtirish metodikasi» «Cho'lpon» nomidagi nashriyot matbasi -T.: 2016.

3.Saidahmedov N. «Pedagogik mahorat va pedagogik texnologiyalar» – T.: O'zMU OPI, 2003. – 68 b.

5. L.A. Alibekov «Inson va tabiat» O'quv va metodik qo'llanma «Fan va texnologiya» -T.: 2016



MASOFADAN TURIB DARSLARNI TASHKIL ETISH VA O‘TKAZISHDA ELEKTRON TA’LIM RESURSLARINING AHAMIYATI

*Farg‘ona davlat universiteti Sirtqi bo‘limi
Aniq va tabiiy fanlar kafedrası o‘qituvchisi
Bahromov Mansur Maxsud o‘g‘li*

Annotatsiya: ushbu maqola masofaviy ta’limni tashkil etish shuningdek, talabalarga o‘rgantilayotgan materialni o‘zlashtirish bo‘yicha mustaqil ishlash imkoniyatini beradi. Masofaviy darsni ishlab chiqishda o‘quvchilarning tajribasini hisobga olish va ETRning zamonaviy turidan foydalanish.

Kalit so‘zlar: masofaviy ta’lim, elektron ta’lim resurslar, axborot kommunikatsiya texnologiyalari, avtomatlashtirilgan ta’lim.

Ta’lim jarayonining hozirgi rivojlanish sur‘atlari hamda texnologik imkoniyatlari o‘qituvchilarni o‘quv jarayonini tashkil etish va o‘tkazishning yangi usullarini izlashga undaydi. Ta’lim jarayoni va uning tashkil etish Davlat ta’lim standarti nafaqat talablarini o‘qishi uchun ta’lim tashkilotlari majbur zamonaviy Qonunchilik doirasidagi ta’sir, balki talabalar maxsus ehtiyojlariga moslashtirish imkoniyatiga ega bo‘lish uchun masalan, nogiron bolalar yoki nogiron bolalar. Elektron ta’lim resurslari (ETR) maktablarda ham, boshqa kasb-hunar ta’lim tashkilotlarida ham masofaviy ta’lim orqali o‘qituvchilar ishida katta yordam bo‘ldi. "Elektron ta’lim resursi" tushunchasining ta’rifiga asoslanib xulosa qilish mumkinki, axborot-texnologik taraqqiyot nafaqat insonning kundalik hayotiga balki o‘quv-bilish jarayoniga ham ancha chuqur kirib bordi. Shunga ko‘ra, hozirgi kunda axborot-ta’lim muhitining tarkibiy qismlari va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari vositalarini ta’lim jarayoni asosida tushunish odat tusiga kirgan. Elektron ta’lim resurslari birinchi navbatda: mobil ta’lim, masofaviy ta’lim, aralash yoki tarmoqli ta’lim kabi o‘qitishning texnologik usullari va shakllaridan foydalangan holda ta’lim jarayonini amalga oshirishga qaratilgan. Ya’ni, axborot va texnik jihozlarni o‘z ichiga olgan va ta’lim joyiga ma’lum bir aloqani bartaraf etishga imkon beruvchi ta’lim shakllari. ETR o‘zining tuzilishi va mazmuniga ko‘ra g‘oyat xilma-xil va hajmdordir. Masalan, ETR bevosita o‘quv jarayonida o‘quv yoki ma’lumotnoma materialining butun bloki sifatida yoki grafik yoki illustrasiya fragmenti bilan ta’minlangan ma’lumotlarning kichik qismi sifatida taqdim etilishi mumkin. Vositalarni tanlash yoki mazmuni o‘quv faoliyatining

maqsadi va kutilayotgan natijasiga muvofiq belgilanadi. Masofaviy ta'lim jarayonini tashkil etish xususiyatlarini hisobga olib, masofaviy ta'lim va masofaviy ta'lim tushunchasi nimani anglatishi haqida aniq tasavvur hosil qilish hamda bu tushunchalar o'quv faoliyatini tashkil etish jarayoniga qanday xususiyatlarni qo'shishini aniqlash lozim. Masofaviy ta'lim (MT) - ta'lim ob'ektlariga, o'rganilayotgan materialning asosiy qismini etkazib berishni ta'minlovchi axborot-texnik vositalar majmui, shuningdek, o'quv jarayonida talabalar va o'qituvchi xodimlar o'rtasidagi interaktiv o'zaro munosabatlar, shu jumladan, talabalarga o'rganilayotgan materialni o'zlashtirish bo'yicha mustaqil ishlash imkoniyatini beradi chunki an'anaviy ta'lim tizimida dars butun ta'lim tizimining asosiy asosi hisoblanadi va uning tarkibiy qismlari o'quv jarayoni amalga oshiriladigan ish metodlari va usullarini belgilab beradi. Shunga ko'ra, axborot-texnika vositalari va ta'lim tizimining inklyuzivligini rivojlantirishning hozirgi bosqichida dars ijtimoiy yo'naltirilgan bo'lishi, ilmiy va o'quv faoliyati yutuqlarining jamini aks ettirishi, talaba va uning kelajakdagi amaliy faoliyati manfaatlariga qaratilishi lozim. Masofaviy dars-muayyan vaqt doirasida o'tkaziladigan masofaviy darsni tashkil etish shakli bo'lib, unda o'qituvchi o'quvchilarning individual va guruh faoliyatini o'rganilayotgan material asoslarini o'zlashtirish, ijodiy qobiliyatlarini tarbiyalash va rivojlantirish maqsadida, o'z o'quv materialini yaratishga yo'naltiradi. Masofadan dars o'tkazish shartlari o'qituvchi va o'quvchilar o'rtasidagi o'zaro aloqa rejimiga ko'ra farq qilishi mumkin.

Avtomatlashtirilgan ish joyida bir vaqtning o'zida bir talaba bilan online offline rejimda bunday holda, joy va vaqt omili muhim emas, chunki barcha o'zaro munosabatlar kechiktirilgan rejimda tashkil etiladi. Masofaviy ta'lim jarayonida foydalanishning funksional imkoniyatlari ko'p jihatdan didaktik xususiyatlari bilan belgilanadi: interaktivlik, aloqa, o'quv materiallarini taqdim etish qobiliyati, ya'ni ko'rgazmalilik (matn, grafika, animatsiya, audio, video), multimedia, ta'lim ob'ektlarini o'rganish uchun kompyuter modellashtirishdan foydalanish, o'quv ishlarining turli turlarini avtomatlashtirish. Maxsus o'quv jarayonini boshqarish tizimlari bilan bir qatorda ta'lim mazmunini boshqarish tizimlari bilan birgalikda to'g'ri tashkil etilgan masofaviy darsdan foydalanish quyidagi vazifalarni to'liq amalga oshirish imkonini beradi:

- o'quvchilarning mustaqil bilish faoliyatini tashkil etish;
- har bir o'quvchining o'quv faoliyatini o'quv tashkiloti o'qituvchisi tomonidan yakka tartibdagi ta'lim ko'magini tashkil etish;
- Axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda guruhli o'quv faoliyatini tashkil etish;
- AKT orqali bolalarning ijtimoiylashuv darajasini oshirish.

- повышение в обществе роли и авторитета руководящих работников, педагогов и наставников, учителей и преподавателей, профессоров-преподавателей учреждений образования и воспитания, а также представителей сферы науки, достойное почитание их кропотливого труда и материальное стимулирование в зависимости от эффективности деятельности;
- создание условий, необходимых для повышения профессионального мастерства и эффективности деятельности педагогических кадров на постоянной основе, совершенствование системы повышения квалификации на основе принципа «образование в течение жизни»;
- расширение доли частного сектора в оказании научно-исследовательских и образовательных услуг, формирование конкурентной среды за счет создания негосударственных образовательных организаций в регионах, развитие государственно-частного партнерства в сфере образования;
- автоматизацию управления образованием и создание системы всестороннего анализа с применением современных информационно-коммуникационных



технологий, дальнейшее развитие электронных ресурсов и дистанционного образования, популяризацию IT-профессий среди студентов;

- превращение науки в основную движущую силу экономики, расширение масштаба научных исследований, стимулирование инновационной деятельности молодых талантливых ученых, дальнейшее укрепление и развитие потенциала действующих научных организаций;

В Указе уделено внимание созданию центров социально-психологической поддержки детей без статуса юридического лица на базе секторов по организации педагогико-психологической диагностической деятельности районных (городских) отделов народного образования в рамках установленных штатов, охране психологического здоровья учащейся молодежи, обеспечение ее устойчивого социального и интеллектуального развития, реабилитацию подростков, предупреждение различных форм насилия, раннее выявление учащихся, склонных к суициду, и оказание им социально-психологической помощи и т.д.

Сегодня так важно глубокое толкование таких понятий, как душевность, любовь, честь, мораль, терпение, щедрость, верность, говорят о необходимости почитания родителей, Родины, призывающих человека оставить после себя честное имя, украшать жизнь благородными поступками и добрыми делами. В разъяснении молодежи этих аспектов важную роль играют проводимые в школах духовно-просветительские мероприятия.

Встречи, просветительские мероприятия с участием известных писателей, деятелей культуры и искусства служат развитию мировоззрения юношей и девушек.

В целях повышения качества обучения большое значение придается широкому использованию современных информационно-коммуникационных технологий, общеобразовательной информационной сети «ZiyoNET». Центром развития общеобразовательных программ мультимедиа при Министерстве народного образования Республики Узбекистан в сотрудничестве с Республиканским образовательным центром и специализированными предприятиями по производству программной продукции создано множество электронных учебников. Они способствуют обогащению содержания учебных занятий, внедрению передовых педагогических технологий в практику, обмену опытом.

Однако в наш век глобализации предпринимается много информационных попыток через Интернет под маской «массовой культуры» внедрять в сознание молодежи идеи, чуждые нашим национальным интересам, идеологии, морально-духовным ценностям. Это, в свою очередь, требует повышения ответственности за воспитание молодежи, правильную организацию свободного времени учащихся и усиления профессиональной ориентации в соответствии с интересами и способностями молодых людей.

Принятые в нашей стране ряд законов, указы и постановления, социальные программы гарантируют защиту прав молодого поколения, его интересов. Современные школы, колледжи и лицеи, высшие учебные заведения, научные центры нашей страны, оснащенные новейшим учебным оборудованием, компьютерной техникой, способствуют образованию молодежи на уровне мировых стандартов, получению интересующей профессии, проведению научных и инновационных поисков.

Большое внимание у нас в стране уделяется и профилактике правонарушений. Как гласит народная мудрость: лучше предупредить болезнь, чем её лечить. В нашей стране накоплен уникальный опыт предотвращения правонарушений, оздоровления обстановки в обществе путем профилактических мер.

Перед нами поставлена цель и приоритетные задачи по формированию молодого поколения всесторонне здоровыми, гармонично развитыми личностями. Своевременная реализация этих мер возлагает особую ответственность на педагогов. В воспитании здравомыслящего, духовно развитого молодого поколения важную роль играют все звенья образования, в том числе профессиональные колледжи. В частности, приоритетной задачей намечен полный охват выпускников школ учреждениями среднего специального образования, обеспечение полной занятости вступающих в самостоятельную жизнь.

Литература

1. Шавкат Миромонович Мирзиёев «Стратегия Нового Узбекистана»
2. Указ. Президента Республики Узбекистан. Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года. г. Ташкент, 8 октября 2019 г., № УП-5847
3. Указ. Президента Республики Узбекистан. О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана г. Ташкент, 6 ноября 2020 г., № УП – 6108
4. Каримова С. Т. «Воспитание гармонично-развитой личности в условиях глобализации.
5. "The impact of environmental pollution on the variability of fruit gardens and soilkomomokomplexes (Fergana-Margilan-Quvasoy industrial node)" Ganiev Kamoldin Khalilovich, Mirzaliev Abdujabbor Mamatyusuf o'g'li, Khalilova Barnogul Abdulazizovna. Journal of Contemporary Issues in Business and Government 27 (4), 2021 г.
6. Ecological- geographical distribution of aphids (homoptera, aphidinea,aphididae) in the Fergana valley Yunusov Mirzakarim Mirzakhililovich, Khabibulaev Fayzullo

Nabibullaevich, Khalilova Barnogul Abdulazizovna. European scholar journal № 5 may 2021г.

7. Use and protection of water resources in Uzbekistan: current state and development paths Mukhamedova Iroda, Rahimova Dilfuza Khasanbaevna, Khalilova Barnogul Abdulazizovna. Достижение науки и образования 10-12, 2021 г.

8. Formation of key competencies in chemistry and biology Abdullaeva Mavsumakhon Quldoshevna Tuychieva Khilola, Весник 2021 г. №8 (111) часть

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ РЕСУРСОВ

1. <http://www.stat.uz/demographic/>
2. <http://www.gov.uz/ru/press/society/24711>
3. <http://www.rhd.uz/ves/222-formirovanie-ideologii-nacionalnoj-nezavisimosti>
(www.rhd.uz)
4. <http://www.gov.uz/ru/press/society/24695>
5. <https://www.uchportal.ru > publ>
6. <https://www.braslrb.by/informatsiya/ctati/rol-semi-v-vospitanii-podrostka>
7. <https://nsportal.ru/shkola/materialy-dlya-roditelei/library/2017/11/05/rol-semi-v-vospitanii-podrostka>



**YUQUMLI KASALLIKARNING TARQALISHIDA
MIKROORGANIZIMLARNING RO'LI - QONDA HIMOYA
FUNKSIYASINING SHAKILLANISHI.**

**THE ROLE OF MICROORGANISMS IN THE SPREAD OF INFECTIOUS
DISEASE –**

THE FORMATION OF PROTECTIVE FUNCTION IN THE BLOOD.

**РОЛЬ МИКРООРГАНИЗМОВ В РАСПРОСТРАНЕНИИ
ИНФЕКЦИОННЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ ЗАКЛЮЧАЕТСЯ В
ВОССТАНОВЛЕНИИ ЗАЩИТНОЙ ФУНКЦИИ В КРОВИ.**

*Farg'ona davlat universiteti Sirtqi bo'limi
Aniq va tabiiy fanlar kafedrasi o'qituvchisi*

Mamatova Matluba Abduxalilovna

mamatovamatluba166@gmail.com

+998905850302

ANNOTATSIYA: Maqolada organizimning biologik va fiziologik holatlarini hamda biokimyoviy jarayonlarini boshqarishda shuningdek himoya vazifasini bajarishda o'ziga hos o'rin tutuvchi mikroorganizimlarning ijobiy va salbiy holatlari, gameostaz holatining tashqi muhitga javob reaksiyasi, immunitet to'grisida so'z boradi. Ushbu maqola ko'plab malumotlarni ixcham tarzda talqin etishga qaratilgan. Zero sog'lom va to'g'ri tanlangan jismoniy harakatlar bilan yo'naltirilgan turmush tarzi sog'lom tana garovidir.

Kalit so'zlar: mikroblar, spora, simbioz, saprofit, kasalliklar, E Coli, biosenoz, patogen, immunitet, mikroflora, fauna, yalliglanish, genom.

Annotation the article discusses the positive and negative states of microorganisms that occupy a special place in the management of biological and physiological states and biochemical processes of the body, as well as in the performance of a protective function, the reaction of the state of gameostasis to the external environment, the immune system. This article aims to interpret many data in a concise manner. After all, a focused



lifestyle with healthy and correctly selected physical movements is a guarantee of a healthy body.

Keywords: microbes, spore, symbiosis, saprophyte, diseases, E Coli, biocenosis, pathogen, immunity, microflora, fauna, inflammation, genome.

Аннотация В статье речь идет о положительных и отрицательных состояниях микроорганизмов, о реакции состояния гомеостаза на внешнюю среду, иммунитете, которые играют определенную роль в регуляции биологических и физиологических состояний и биохимических процессов организма, а также выполняют защитную функцию. Эта статья предназначена для краткой интерпретации многих ссылок. Ведь здоровый и целенаправленный образ жизни с правильно подобранной физической активностью-залог здорового тела.

Ключевые слова: микробы, споры, симбиоз, сапрофит, болезни, кишечная палочка, биоценоз, патоген, иммунитет, микрофлора, фауна, воспаление, геном.

Bizga ma'lumki, havo sovushni boshlashi bilan quyoshdan keladigon foydali nurlar ya'ni infraqizil, ultrabinafsha, alfa va betta, gamma nurlar bo'lib, havo tarkibidagi mikroorganizmlarning ko'payishiga to'sqinlik qiladi va albatta yuqumli kasalliklarning tarqalishidagi zanjirli reaksiyalarning davom etishini oldini oladi. Mikroorganizmlar foydali va zararli turlarga bolinadi. Tabiiy sharoitda mikroblar uchun suv ma'lum bir holatda qulay muhit hisoblanadi. Suvning doimiy mikroflorasi namlik ozuqaning yetarli bo'lishi har qanday turdagi mikroblarni kopayishiga sharoit yaratadi. Keling ko'zga ko'rinmaydigon mikroorganizmlarning tuzulishini o'rganib chiqamiz. Suvda ayrim zamburug'lar, ekobakteriyalar, arxebakteriyalar, fotobakteriyalar, suv o'tlari uchraydi. Anaerob bakteriyalar suvda juda kam uchraydi. Ochiq suv xavzalarining mikroflorasi uning ifloslanish darajasiga va unga tushadigan chiqindi suvlarning tozalanish darajasiga bog'liq. Mikroorganizmlar dengiz va okean suvlarida ham keng tarqalgan. Ammo dengiz havosida va doimiy quyosh nuri tushadigon joylardagi havo tarkibida mikroorganizmlarni kamligini kuzatish mumkin. Bunda nima degani, havoning ifloslanish darajasi kam deya talqin qilish mumkin. Tekshirilish natijasida, ularni har xil chuqurlikdan topishgan. Suvning ifloslanish darajasi, ya'ni suvda uchraydigan har xil



mavjudodlar yig'indisi saprofitlik tushunchasi bilan belgilandi. Saprofitlikda 3 ta zona aniqlangan: 1. Polisaprob zona – eng kuchli ifloslangan zona bo'lib, bunda kislorod kam, organik birikmalar ko'p bo'ladi. 1 ml suvda bakteriyalar soni 1000000 dan ko'p bo'ladi. bunda chirish va bijg'ishda ishtirok etuvchi ichak tayoqchasi va anaerob bakteriyalar ko'p bo'ladi.

2. Mezosaprob zona – o'rtacha ifloslangan zona, bu zonada organik moddalarning intensiv oksidlanishi va nitrifikatsiyalanishi orqali minerallanishi kuzatiladi. Bu zonada 1 ml suvda mikroblar soni 100 000 ni tashkil qiladi. Ichak tayoqchasining soni ancha kam bo'ladi.

3. Oligosaprob zona – toza suv hisoblanadi. 1 ml suvdagi mikroblar soni bir necha 10 yoki 100 tani tashkil qiladi. Ichak tayoqchasi bo'lmaydi. Ifloslanish darajasiga qarab suvda har xil patogen mikroblar bo'lishi va bir muncha vaqt saqlanishi mumkin. Masalan, qorin tifi qo'zg'atuvchisi - 2 kundan 3 oygacha, shigellalar - 3-5 kundan, leptospiralar - 7 kundan-5 oygacha, vabo vibrioni - 25 kundan bir necha oygacha, tulyaremiya - 3 oygacha saqlanadi. Agar 1 ml vodoprovod suvdagi mikrob soni 100 bo'lsa yaxshi, 100-150 bo'lsa shubxali, 500 va undan ortiq bo'lsa ifloslangan hisoblanadi. Quduq va ochiq suv xavzalarida 1 ml suvda 100 ortiq mikrob bo'lmasligi darajasi kerak [1,2,3]. Suvning tozalik darajasi undagi E Coli ning soniga qarab aniqlanadi. Suvning axlat bilan ifloslanish darajasi koli-titr va koli-indeks orqali ifodalanadi. Bitta E Coli topilgan suvning eng kam miqdori yoki chuqur moddaning grammi koli-titr deyiladi. Vodoprovod suvining koli-titri 300 dan kam bo'lmasligi kerak. 1 litr suvda yoki 1 kg tekshirilayotgan materialda E Coli ning soni koli-indeks deyiladi. Ichimlik suvida koli-indeks 2-3 dan oshmasligi kerak. Suvning tozaligi bakteriologik usulda koli-titr va koli-indeksni aniqlash yo'li bilan tekshirib turiladi.

Suvda mikroorganizmlar yashash sharoitiga qarab turlicha kotalikda va o'lchamda tarqaladi. Bakteryalarning taralish o'choqlaridan yana bir muhim manba bu tuproq mikroflorasidir. Tuproq unumdorligini undagi bakteriyalarga bog'liqligi. Tuproq orqali tarqaladigan kasalliklar. Tuproq mikroflorasini o'rganishda olimlardan V.V.Dokuchaev, P.A.Kostqchev, S.N.Vinogradskiy, V.R.Vilyams va boshqalarning qilgan ishlarining



ahamiyati katta. Tuproq prokariot va eokariotlarning yashashi va ko'payishi uchun eng qulay ob'ektdir. Tuproqdagi organik va mineral birikmalarning tarkibini undagi mikroblar biotsenozini tashkil qiladigan bakteriyalar, zamburug'lar, sodda jonivorlar va bakteriyalar boshqarib turadi. Tuproq biotsenozida albatta yuqori turuvchi o'simliklar, hashorotlar, hayvonlar alohida o'rin tutishini bilamiz. Tuproqdagi mikroblar soni va turi doimo bir hilda bo'lmasdan, ular tuproqning kimyoviy tarkibi, namligi, temperaturasi, sharoiti va boshqa holatlariga qarab o'zgarib turadi. Namligi va ozuqa moddalari kam bo'lgan ko'pchilik tuproqlarda 1 gr da 105 gacha, ishlov beriladigan tuproqlarida esa 108-109 gacha bakteriyalar bo'ladi. Odatda 1 gektar tuproqdagi tirik organizmlar soni 1 tonna gacha etadi. Bakteriyalarning eng ko'p qismi tuproqda 5-15 sm chuqurligida bo'ladi. 1,5 chuqurlikda esa kam bo'ladi. Tuproqda har xil autotrof va geterotroflar, aerob va anaeroblar, termo-, lizo- va psixrofill bakteriyalar yashaydi. Bularning ichida erkin holatda yashovchi, azotfiksiya qiluvchi *Azotobacter* Lar, larning ayrim turlari, dukkakli o'simliklarning bakteriyalari - *Rhizobium* Lar, nitrifikatsiya qiluvchi bakteriyalar avlodiga kiruvchi *Nitrosomonas*, zamburug'lar, denitrifikatsiya qiluvchi bakteriyalar *Thiobacillus denitrificans*, ammonifikatsiya qiluvchi bakteriyalar va boshqalar kiradi. Organik moddalarga boy bo'lgan tuproqlarda ko'p miqdorda aerob va anaerob bakteriyalar aktinomitsetlar, zamburug'lar, sodda jonivorlar bo'ladi.

Tuproq mikroblar biotsenozining o'zgarishi uchun hosildorligiga, fasildagi temperatura va namlikning o'zgarishiga bog'liqdir. Hosildor tuproqlarda *Achromobacteriaceae*, *Pseudomonadaceae*, *Bacillaceae* va boshqa oilalarga kiruvchi bakteriyalar ko'proq bo'ladi. Ular kuchli fermentativ xossaga ega bo'lganliklari uchun tuproq muhitini kislotalik tarafga o'zgartiradilar. Bu sharoitda esa sut achitqisi bakteriyalari, achitqilar mo'g'or zamburug'lari va bakteriyalar yaxshi ko'payadi va ular moddalarni yaxshi parchalaydilar. Natijada hosil bo'lgan kiribnatlar muhit sharoitini neytrallanishiga va ishqoriy tarafga o'zgarishga olib keladi. Natijada qishloq xo'jaligi o'simliklari yaxshi o'smaydi. Undan so'ng tuproqning tarkibidagi bakteriyalarning vegetativ formalarini soni kamayib ketadi, ya'ni ular o'ladi, spora hosil qiluvchi bakteriyalar, aktinomitsetlar, zamburug'lar, sodda jonivorlarning sistalari esa ko'payib ketadi. Biotsenozning bunday o'zgarishi tuproqning tarkibidagi mikroblarning oqsilni



ammiak va H₂S hosil qilib parchalashi va ularni keyinchalik nitratlar vasulfidlariga oksidlanib, tuproqning kimyoviy tarkibini o'zgarishiga olib keladi. Bu holat esa tuproqda yangi biotsenozning hosil bo'lishiga, ya'ni mikobakteriyalar, aktinomitsetlar, yuqori turuvchi zamburug'larning ko'payishiga olib keladi. Bunday hollarda sodda jonivorlarning faolligi oshadi va ular bakteriyalar va bakteriotsidlarni kamayishiga sabab bo'ladi. Tuproq har xil mineral o'g'itlarni solish, yuqorida ko'rsatilgan biotsenozni izdan chiqarishi mumkin. Tuproqqa har xil chiqindilar turli kasalliklardan o'lgan odam va hayvon tanalari bilan patogen va shartli patogen mikroblar tushishi mumkin. Ko'pchilik bakteriyalar odam va hayvonlarning siydik va pateslani bilan tushadi va ma'lum bir vaqtgacha saqlanadi. Ularning saqlanish muddati tuproq biotsenozdagi doimiy bakteriyalarning antagonistik xususiyatiga va tashqi muhit sharoitiga bog'liq. Bakteriyalarning vegetativ formalari tezroq nobud bo'ladi, ya'ni bir necha kundan bir necha oygacha. Sporalari esa bir necha o'n yillab saqlanishi mumkin. Shuni xisobiga sporalarning uzoq muddatgacha saqlanishi turli kasallik tarqatadigon bakteriyalrni uzoq muddat yashashi uchun qulay sharoitni kutayotganligidan dalolat beradi. Tuproqning sanitar-gigienik holati undagi termofil bakteriyalar holatiga va najas bilan ifloslanishi darajasiga bog'liq bo'ladi. Tuproqning shartli patogen mikroblar – esherixiyalar, salmonellalar, batsillalar, klostridiyalar bilan ifloslanishi katta epidemiologik ahamiyatga egadir. Mikroorganizmlar tarqalish zanjirida havo orqaliyuqumli kasalliklarning tarqalish o'chogi kopchilik holatni tashkil etadi. Havodagi mikroblar juda hilma-hil va ularning soni ko'plab faktorlarga bog'liq bo'ladi, havoning mineral va organik birikmalar bilan ifloslanishiga, temperaturaga, yog'ingarchilikka, yilning fasliga, namlikka, geografik joylanishishiga va boshqalarga bog'liq. Havoda chang, qurum qanchalik ko'p bo'lsa, mikroblar ham shunchalik ko'p bo'lishiga olib keladi. Tog'li joylarda, o'rmonlarda, dengiz va okeanlar ustidagi havoda mikroblar soni kam bo'lishi statistic talqin qilingan. Havoga mikroblar tuproqdan, o'simliklardan, hayvon organizmidan tushadi. Havoda ko'pincha pigment hosil qiluvchi saprofitlar, meningokokklar va sarsinalar sporalik bakteriyalar, aktinomitsetlarni uchratish mumkin [4,5,6]. Bundan tashqari mo'g'or va achitqi zamburug'lari va bakteriyalar uchraydi. 1 m³ havodagi mikroblar soni turlicha bo'ladi. Havo mikroflorasini shartli ravishda doimiy, ya'ni tez-tez



uchraydigan va almashinib turadigan bakteriyalarga bo'lish mumkin. Havoning doimiy mikroflorasi, asosan tuproq mikroflorasi hisobiga mutanosiblashib turadi. Ko'proq turli xil pigment hosil qiluvchi kokklar, spora hosil qiluvchi batsillalar, aktinomitsetlar, zamburug'lar, viruslar bo'ladi. Pigment hosil qiluvchi bakteriyalar o'zining tarkibidagi karotinoidlar borligi hisobiga quyosh nuridagi infraqizil nurlarga ma'lum darajada chidamliligi kamaytiradi va ularning havoda uzoq vaqt saqlanishi karotinoidlar xisobiga chidamliqlik taminlanadi. Ba'zi tadqiqotchilarning fikricha, bu bakteriyalar xatto havoda ko'paya oladi. Havoda tuproq-chang zarralari kamaysa, havo bir muncha tozalanadi. Shuning uchun 500 metr balandlikdagi 1x3 havoda bor yo'g'i 1000 ta mikroob uchraydi. Toza havo ko'pincha tog', o'rmon va ko'klamzorlashtirilgan joylarda bo'ladi, chunki daraxt, ko'kat va ular bag'rida chang ushlanib qoladi. Shuni xisobga olgan holda har bir insonda ongli ravishda yashil o'simliklar madaniyatini shakllantirish lozim. Patogen va shartli patogen mikroorganizmlar, kasal odam yoki hayvonlar, shuningdek, bakteriyalar tashuvchilardan havoga tomchi aerezollari ko'rinishida tushadi. Maxsus tekshiruv yo'li bilan, bakteriyalar tarqalish koloniyalar soniga qarab havo tarkibini ifloslanish darajasini aniqlashimiz va xulosa chiqarishimiz mumkin. Aytaylik agar olingan havo tarkibida 500 dan ortiq mikroblardan namuna topilgan bo'lsa nihoyatda ifloslangan bo'ladi. Inson hayotini birinchi kundan boshlab juda ko'p son-sanoqsiz mikroorganizm vakillari bilan aloqada bo'ladi. Ona bachadonida homila steril bo'ladi. Bola tug'ilishidan boshlab, bir necha yillar ichida har bir biotipga xos mikroflora shakllanadi. Turli bakteriyalar va mikrohayotning boshqa vakillari chaqoloqning terisi va shilliq qavvatlari bilan kontakda bo'ladi. Bularning ba'zilari organizm uchun patogen bo'lsa, bularga qarshi organizm kurashishi yuzaga keladi. Organizm bilan uzviy aloqada (simbioz) yashab, foyda keltiradigon turlari ham bor, ko'pchiligi esa kommensal xisoblanib organizmga foyda ham ziyon ham keltirmaydi. Inson organizmidagi asosiy mikroorganizmlarning faoliyati xisobiga yashaydi u bilan doimiy to'xtovsiz, uzviy aloqada bo'ladi. Odamning hayot faoliyatida juda muhim vazifalarni bajarishga moslashgan. Sog'lom odamlarda uchrovchi mikroorganizmlar yig'indisi odamning normal mikroflorasini tashkil qiladi. Normal mikroflora asosan odamlarning terisida va tashqiy muhit bilan bevosta aloqada bo'lgan organlarida shuningdek, yuqori nafas

yo'llari, oshqozon ichak sistemasi, ayrish organlarida uchraydi va shu organlarda mikroorganizmlarning ma'lum to'plamini shakillantiradi. Har bir odam ichki muhitda uchrovchi mikroorganizmlar o'zlarining tarkibi va miqdori jihatdan boshqa biotoplardan tubdan farq qiladi. Eng kam mikroorganizmlar terida uchraydi va organizmning umumiy mikroorganizmlarga nisbatan 2% tashkil qiladi, 9% gacha urogenital traktga, 15-16 % halqum –og'iz bo'shlig'iga to'g'ri kelsa 60- 70 % oshqozon ichak traktida uchraydi. Mikroorganizmlarga eng boy organlar og'iz bo'shlig'i, qin va yo'g'on ichak xisoblanadi. Chaqaloq mikroflora bilan tug'ilmaydi, birinchi uch kunlikda qabul qilinadigon sut bilan chaqaloqlarda sut orqali mikroorganizmlar mikroflorasi yuzaga keladi. Mikrobiosenozi bolalarning hayotiy jarayonida shakillanadi. Ona bachadonida homila steril bo'ladi. Bola tug'ilishidan boshlab, bir necha yillar ichida har bir biotipga xos mikrofloran shakllantirib boradi. Me'yoriy ichak mikroflorasining holatiga endogen va ekzogen omillar doimiy ravishda ta'sir etib turadi [7,8,9]. Patogen bakteriyalar keltirib chiqaruvchi kasalliklar, tug'ma immun tanqisliklarni keltirib chiqarmoqda. So'ngi vaqtlarda mikrofloraning buzilishi, chaqaloqlarda, immun va asab tizimidagi kasalliklarni kelib chiqishi bilan birgalikda namoyon bo'lishini kuzatishimiz mumkin.

Tadqiqot obyekti bo'ib, Bolalar ortasidan uchrayotgan kasalliklar, klinik belgilar, turli hil toshmalar, asabiylik, charchash kabi holatlar kuzatilganda, tekshirilayotgan obyektlarning fiziologik sharoiti ichak shilliq qavatining bioplenka - bakterial glikokaliks bilan qoplanganligi, uning mikroblaridagi ekzopolisaxaridlar matriksi va shilliq qavat qadahsimon hujayralarning mavjudligi, bunga qo'shimcha kun tartibida notog'ri ovqat moddalarining bo'lishi, ichki muhitimizdagi mikroorganizmlarimizda himoya qatlamli plenkalik qatlamning hosil bo'lishi va qalinligining 1-10 mikron bo'lishiga qaramasdan, undagi ichki mikrokoloniyalarining miqdori bir necha yuz-mingtani tashkil qilishi, bu plenka ichidagi bakteriyalarning noqulay omillar ta'siriga chidamliligi boshqa bakteriyalarga nisbatan o'n, yuz marotaba yuqori bo'lishini ko'rsatmoqda. Normal ichak mikroflorasi 450 dan ortiq mikroorganizmlardan tashkil topib, hujayin organizmining metabolizmida va ichakda hazm jarayonini shakllanishida ishtirok etadi. Ichakning mikroblar to'plami makroorganizmda moddalar almashinuvi jarayonlarining holatini aniqlaydi, bir



tomondan, biologik faol birikmalarni zararsizlantirib, hazm bo'lmagan ozuqa moddalarini o'zlashtirsa, ikkinchi tomondan B gurux vitaminlarini, vitamin K, nikotin, folin va askorbin kislotalarni, ayrim fermentlarni sintezlaydi. Makroorganizmning immunobiologik reaktivligini shakllanishida mikrofloraning muhim o'rni e'tirof qilinadi, buning natijasida organizmda umumiy immunoglobulinlar mikdori boshqariladi. Shunday qilib, me'yoriy ichak mikroflorasining o'ziga xos - himoya, modda almashinuv, immun faollashtiruvchi vazifalari aniqlangan va ularning birortasining izdan chiqishi metabolizmning buzilishiga, natijada mikronutrientlarning -vitaminlarning, mikroelementlarning, mineral moddalarning yetishmovchiligiga, hamda immun holatning pasayishiga, bu esa makroorganizm a'zo va tizimlarida qaytmas jarayonlarni kelib chiqishiga sabab bo'ladi.

Odam va xayvonlarda kasallik keltirib chikaradigan mikroorganizmlar patogen mikroorganizmlar deb ataladi. Yana odamning terisi, shillik pardalari va organizmidagi bushliklarida yashovchi shartli patogen mikroorganizmlar gruppasi xam bor. Bular muayyan sharoitlarda, organizmning karshiligi susayib kolgan charchash, to'gri ovkatlanmaslik, ogir ish, xronik kasalliklar, temperatura rejimining buzilishi natijasida turlicha kasalliklarga sabab bulishi mumkin. Masalan, botulizm kuzgatuvchisi tashki muxitda saprofit bulib yashaydi. Bu mikroob ozik-ovkat maxsulotlariga, xususan konservalarga tushib kolsa, kupayib, shu kadar zaxarli toksin chikara boshlaydiki, uning arziyasi mikdori xam juda kattik zaxarlanishga sabab buladi. Masalan, qizamiq virusi yoki vabo vibrioni odam uchun patogen va xayvonlar uchun patogen emas. Koramol touni o'latini kuzg'atuvchisi odam uchun patogen emas. Demak, saprofit mikroblar hayot faoliyatining maxsulotlari, toksinlari (botulizm, kokshol, gazli gangrena qo'zgatuvchilar odam organizmiga tushib qolsa, parazitlik qilib yashamaydigan saprofit mikroblar patogen bo'lib qolishi mumkin ekan. Patogen mikroblarning eng xarakterli belgisi ularning spetsifikligi, ya'ni xar bir patogen mikroob organizmga tushib, unda kupayganida ma'lum bir infeksiya kasallikni keltirib chikarish xususiyatidir.

Kasallik faqat shu quzgatuvchining organizmini ximoya xususiyatini spetsifik tarzda qaytadan o'zgartirish bilan birga davom etadi. Shu yuqoridagilarni inobatga olgan holda,



oxirgi yillarda immunologiya fani alohida fan sifatida juda rivojlanib bormoqda. Barcha tirik organizimlarda tashqi ta'sirlarga nisbatan organizimning qaytaradigon javob reaksiyasi bor bu - Immunitet hodisasidir. Immunologiya fanining rivojlanishi asosan yuqumli kasalliklarni o'rganish, ularga qarshi kurashish va diagnoz kuyish asosida rivojlanib kelgan. SHuning uchun xam insoniyat tarixida birinchi bo'lib chin chechak kasalligiga qarshi empashni 1796 yilda Eduard Jenner taklif etdi. U birinchi bulib, sigir chechagi bilan emlanganda organizm xaqiqiy chin chechak qo'zgatuvchisiga beriluvchan bulmasligini isbotladi. Bu kabi kashfiyotdan yana biri Lu Pasterning pasterilizatsiya va sterilizatsiya usuli, immunologiya fanini fan ko'rinishida shakllanishida ilmiy talqin qilib berdi va yukumli kasalliklarga vaksina tayyorlab ularga qarshi qo'llanila boshlandi. Mashhur rus olimlaridan I.I.Mechnikov immunitetni xujayra teoriyasini yaratdi, olim tomonidan kashf qilingan fagotsitoz xodisasi xujayralarni asosiy xususiyatiga asoslangan bulib, I.I.Mechnikov fikricha organizmga tushgan patogen agentlar fagotsitoz xujayralar tomonidan topilib, organizmdan tekshiruv qilinadi deb tushuntirdi. Akademik R.V. Petrov ta'rifi bilan aytganda «Immunitet - genetik begonalik belgisini tashib yuruvchi yod xujayra va zarralarga qarshi organizmning kurashish xususiyati tushuniladi». degan isbotli fikrni olga surdi.

Organizmning ximoyalanish faktorlari. 1. Organizmning maxsus bo'lmagan ximoyalanishi. 2. Organizmning maxsus ximoyalanishi immunitet.

Teri tashki tomondan organizmni urab turadi. Soglom teri organizmni patogenagentlardan ximoya kiladi, terini ph ni paasyishi xam patogen bakteriyalarga salbiy ta'sir etadi. Bundan tashkari ter, yog bezlarini maxsulotlari xam bakterioticsit ta'siriga ega, ogiz bo'shligi, oshqozon ichak sistemasi, yukori nafas yullari, kuz jinsiy organlar shillik kavatlarida kasallanish ehtimoli, bakteriyalarning ko'payish va ularga qarshi immunitet hosil qilish aynan shu joyda jadal bo'ladi. Bu kabi jarayonlarni to'qimalarni ximoya funksiyalarida yalig'lanish reaksiyasilarida, burun bo'shligidan turli suyuqliklar va ajralamalrda ko'rishimiz mumkin.

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, barcha tirik organizimlar yashaydigon muhit insonlar, suv, tuproq bir- biri bilan bog'langan bo'lib, bu bo'g'inda doimiy ravishda



tashqi va ichki muhitda mikroorganizmlar populyatsiyasida yoki yakka tartibda fizik va kimyoviy jarayonlar amalga oshib turadi. Organizimda kechadigon jarayonlarning barchasi ichki muhitning nisbiy doimiylikni saqlovchi qon va ichki suyuqliklar orqali boshariladi.

Mikroorganizmlar yerning barcha nuqtasida topiladi, sog'lom hayot omillariga amal qilish quyida keltirilgan omillarga amal qilish, organizimni immun tizimi uchun ijobiy yordam vazifasini o'taydi.

- Organizida moddalar almashinuvi jarayoni jadallashadi.
- O'sish va rivojlanish jarayoni jadallashadi,;
- Tashqi salbiy ta'sirlarga javob reaksiyasi ortadi immunitet reaksiyasi tezlashadi. Organizimda turli chiqindi moddalarni tozalash bu jarayonni tezlashtiradi.
- Organizimda mavjud bo'lgan ayrim yalliglanish jarayonlari tez so'rilib ketadi. –Inson butun kun davomida asab tizimi muvozanatlashadi.
- Ayniqsa bolalarda o'qish sifati va unuli bo'lib ijodiy faoliyat kuchayadi.

-Teri osti klechatkasi va ichki a'zolarida xolestrin yog'lar kamayib tana sog'lom, mushaklar tortiladi

Adabiyotlar

1. Muhamedov I. M. Eshboev E. X. Mikrobiologiya, immunologiya, virusologiya. T. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti. 2002.
2. Matluba M. The Role of Effective Use of Information Technologies in Teaching Natural Sciences //International Journal of Culture and Modernity. – 2022. – T. 14. – C. 82-85.
3. Abduxalilovna M. M. The internal miracle of the body is the blood //INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429. – 2022. – T. 11. – №. 05. – C. 71-74.
4. Abduxalilovna M. M. et al. MAKTAB YOSHIDAGI BOLALARNI NOTOG'RI OVQATLANISHI NATIJASIDA MIKROELEMENTLAR YETISHMOVCHILIGI



ASOSIDA KELIB CHIQADIGAN TURLI HOLATLAR //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 25. – С. 27-30.

5. Abdukhaliqovna M. M. THE IMPORTANCE OF IRON-RICH PRODUCTS IN THE PREVENTION OF ANEMIA COMPLICATIONS //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 24. – С. 989-992.

6. Матаева Р. С., Дунаев К. Ш., Ураимов С. Р. ФИЗИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА СТАРШЕКЛАССНИКОВ НА ОСНОВЕ СПОРТИВНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ПОДХОДА К ФИЗИЧЕСКОМУ ВОСПИТАНИЮ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ //ББК 75.1 А-43 Ответственный редактор. – 2021. – С. 191.

7. Ураимов С. Р. ҲАРБИЙ-ТЕХНИКА ВА ГУМАНИТАР ЛИЦЕЙЛАР ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ //Central Asian Academic Journal of Scientific Research. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 169-175.

8. Ruzmatovich U. S. et al. PROCESSES OF ORGANIZATION OF TECHNICAL, TACTICAL AND PHYSICAL PREPARATION IN NATIONAL WRESTLING TRAINING //INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876. – 2022. – Т. 16. – №. 3. – С. 65-68.

9. Sanjarbek U., Yokutkhon K., Olimakhon K. MODERN PEDAGOGICAL AND INFORMATION-COMMUNICATION TEACHING A FOREIGN LANGUAGE USING TECHNOLOGY //INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876. – 2022. – Т. 16. – №. 5. – С. 103-108.

Yangi O'zbekistonda diniy -dunyoviy qarashlar

*Farg'ona davlat universiteti Sirtqi bo'limi
Aniq va tabiiy fanlar kafedrasida o'qituvchisi
Mavlonova Shahzoda Turg'unovna*

Annotatsiya: “Yaqin yillarda agar O'zbekistonda siyosiy va boshqa erkinliklarga yo'l ochilsa, shuni tasavvur qilsak, biz bemalol kutishimiz mumkinki, islomiy dasturga tayangan siyosiy partiyalar maydonga chiqishi mumkin. Albatta, dunyoviy qonunlarni hurmat qilish va ularga bo'ysunish sharti bilan. Biz dunyodagi ko'plab musulmonlar davlatlar tarixi va hozirgi kuniga qarab ayta olamizki, bu O'zbekistondek ko'pchilik aholisi musulmon bo'lgan mamlakat uchun normal holat bo'ladi”.

Kalit so'zlar: musulmonlar, Ramazon, Qurbon hayiti, an'analar, qadriyatlar

Annotation: “If in the coming years the path to political and other freedoms will be opened in Uzbekistan, then we can safely expect that political parties that rely on the Islamic program will be able to enter the arena. Of course, on condition of respect and submission to secular laws. We can say that many Muslims around the world are looking at the history and present of the states, which would be normal for a country with a Muslim majority population like Uzbekistan.”

Key words: Muslims, Ramadan, Eid al-Adha, tradition, values, O'zbekistonda odamlar musulmonman deydi, ammo dasturxonida islomda man etilgan ichimlik va yeguliklarni ko'rasiz. Ramazon va Qurbon hayitiga e'tibor oshgan bo'lsa-da, 31 dekabr - Yangi yil eng keng nishonlanayotgan ayyom, deya yozadi u.

"1990-yillarning boshida dinga nisbatan urf-odat sifatida qaralar edi, lekin bugungi kunda Markaziy Osiyoning barcha respublikalarida jamiyat tomonidan ham, hukumat tomonidan ham islomga nisbatan munosabat ziddiyatli deyishimiz mumkin. Unga nafaqat urf-odat sifatida qarashadi, balki islom dinining siyosiy potentsiali, ijtimoiy-siyosiy yo'nalishdagi hatti-harakatlarini ham anglashadi”, - deydi tadqiqotchi.

Sabablari nima? Ekstremist kuchlarning islom bayrog'i ostida olib borayotgan kurashimi? Axborot vositalarida islom va zo'ravonlik yonma-yon tilga olinayotganimi? Dunyoning eng qaynoq nuqtalaridan kelayotgan shum xabarlarimi?

"Bularning hammasini qamrab oladi, lekin eng asosiysi islom dinining xarakteri. Islom - universallikka intilayotgan din. Islom dini har doim, har qanday vaziyatda o'z

pozitsiyasiga ega bo'lishni o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan. Islom inson, oila, jamiyat va davlat hayotini tartibga solishni o'z ustuvor vazifasi deb biladi. Oxiratga yuzlangan sivilizatsiya sifatida dastur ishlab chiqib, insonlarning oxiratga imkon qadar yaxshi tayyorgarlik ko'rishi uchun muammolarni hal etishga harakat qiladi. Iqtisodda ham, siyosatda ham musulmonlarning moyilligini shakllantiruvchi qudratli institute hisoblanadi",- deya tushuntiradi Kamoliddin Rabbimov.

Manzara murakkab. Bir tomondan, deydi u, islomiy muassasalar bo'lmish masjidlar hukumatlarning eng katta ittifoqchisiga aylangan bo'lsa, ikkinchi tomondan aynan islom bayrog'i ostida qarshilik ko'rsatish mafkurasi va harakatlar vujudga kelgan, ya'ni jihodchi guruhlar, islomizm va boshqa holatlar. Islom bayrog'i ostida bugun mana shunday bir-biriga ziddiyatli fenomenlar, jarayonlarni kuzatish mumkin [1,2,3].

"Bilasizmi, bu O'zbekiston sharoitda juda qiziq va aktual savol. Din va vijdon erkinligi ma'lum bir falsafaga ega bo'lgan qadriyat. Bu G'arbda shakllangan bo'lsa-da, aslida universal qadriyat. Musulmon jamiyatlarida bu erkinliklar nasroniy dunyosidagi din va vijdon erkinligidan biroz farq qiladi. Har bir dinning o'z ehtiyojlari mavjud. Ular islom dinida tartibga solingan: farz, vojib, sunnat. Farz va vojiblarni man qilish orqali jamiyatda din va vijdon erkinligiga to'siq qo'yish mumkin. Bugun O'zbekistonda mana shunday to'siqlar mavjud. Masalan ayollarning hijobda yurishi vojib yoki erkaklarning soqol qo'yishi sunnat-ul-muakkada deyiladi, ya'ni payg'ambar tomonidan qattiq taklif qilingan narsa. Mana shu holatlarga O'zbekistonda huquqiy to'siqlar qo'yilgan", - deydi Rabbimov.

Diniy muassalarning faoliyat yuritishi mamlakatda e'tiqod erkinligi bor degani emas.

Shunga o'xshash holat Sovet Ittifoqi davrida ham kuzatilgan, deydi olim, ya'ni ma'lum bir darajada, cheklangan ravishda cherkov va masjidlar ochiq turgan. Ammo jamiyat totalitar tuzum ostida yashagan.

"Bugun O'zbekistonda yoshlarning, maktab yoshidagilarning masjidga qo'yilmasligi, masjidlarning nazorat qilinishi, xutbalardagi mavzularning davlat tomonidan aniqlab

berilishi va shunga o'xshash yuzlab misollar borki, din va vijdon erkinligi cheklangan deyishga to'liq asos bor",- deydi olim.

Lekin ayni paytda din va vijdon erkinligi mutlaq erkinlik degani emas. Bu degani mamlakatda mavjud dinlarning ma'lum bir ehtiyojlari qondiriladi, lekin bir din vakillari boshqa din vakillarining haq va huquqiga tajovuz qilishiga yo'l qo'yilmaydi. Buning uchun qonuniy asoslar ishlab chiqiladi. Diniy tenglik va muvozanat nafaqat qonunda balki amalda ham shakllangan bo'lishi kerak, deydi Kamoliddin Rabbimov.

Biroq bu muvozanat vujudga kelishi uchun odamlar bir-birining huquqini hurmat qilishni ham o'rganishi kerak, to'g'rimi? Hamma ham dinga birdek yondashmasligi, yuqorida tilga olingan amallarga nisbatan turlicha fikrda bo'lishi tabiiy.

“Jamiyatning ijtimoiy madaniyatiga ko'p narsa bog'liq. Lekin madaniyat hokimiyat tomonidan shakllantiriladigan bir narsa. Masalan O'zbekistonda ommaviy axborot vositalari butunlay hukumat nazoratida. Shuningdek, siyosiy partiyalar, siyosiy kuchlar. Jamiyat tafakkuri, uning hatti-harakati hukumat ta'siri ostida o'tgan 20 yilda ancha o'zgardi. Mana shu o'zgarish boshqa tomonga ham bo'lishi mumkin edi. Agar hukumat din va vijdon erkinligini boshqa o'zanga yo'naltirmoqchi bo'lsa, jamiyatda bu jarayon juda tez kechishi mumkin. Ommaviy axborot vositalari orqali bu huquqlarni ta'minlash oson bo'ladi aslida”.

“Muammolar albatta bo'ladi. Din sohasida har bir jamiyatda muammo bor. Lekin O'zbekiston sharoitida ularni hal etish mumkin, chunki o'lkada musulmonlar orasida mutaassiblik-ekstremizm mavjud emas. O'zbekistonda qancha qancha cherkovlar va ibodatxonalar, boshqa din vakillari bor. Musulmonlar ularga zulm qilayotgani yo'q, ular bunga moyil ham emas”,- deydi olim.

“Eng asosiysi, hukumatning o'zi mana shu qadriyatni anglashi kerak. Afsuski, O'zbekistonda hozir buni kutib bo'lmaydi, chunki siyosiy rahbarlarning mentaliteti ateizm davrida shakllangan. Balki kelajakda keying siyosiy liderlarda mana shunday intilish paydo bo'lar”.



Xalqaro maydonda O'zbekiston diniy erkinlik cheklangan jamiyatlardan biri sifatida tilga olinadi. Lekin respublika rahbarlaridan bu haqda so'rasangiz, ular ekstremizm, mutaassiblikka qarshi kurash olib borilayotganini aytadi. Diniy tarbiya nozik masala, uquvsiz, bilim saviyasi past insonlarga bu borada imkoniyat berish xavfli deya eslatishadi. “O'zbekiston hukumati islom dini bilan kurashayotgani yo'q. Musulmonlarning dindorlik darajasi bilan kurashayapti. Masjid, cherkov va sinagogalar rasman faoliyat ko'rsatmoqda, lekin ularning jamiyatga ta'sir qilish imkoniyati mutlaq cheklangan. Ikkinchi tomondan keyingi yillarda an'anaviy islom dini va hukumatning bir-biriga singishi, bir-biriga kirib borish jarayoni kuzatilmoqda. Hukumat din bilan bog'liq hamma narsani nazorat qilish uchun muftiyat va imomlarga tayanadi. Ayni damda imomlar ham o'sha jarayonni effektiv amalga oshirish uchun boshqa konfessiyalarni nazorat qilishni va ularni erkin qo'ymaslikni talab qiladi hukumatdan. Mana shunday qiziq bir holat kuzatilmoqda” [4,5].

“Shuning uchun mana shu fikrlarni hukumat muqobil, tanqidiy fikr emas, avtomatik ravishda ekstremist fikrlar yoki konstitutsion tuzumga qarshi fikr deb tan olar ekan, bu qarashdan voz kechmas ekan, islom dini va siyosiy elita o'rtasida ziddiyat kuzatilishi mumkin. Kelayotgan 10-15 yil ichida bu tendensiyani bashorat qilish mumkin”. “Ikkinchidan, mintaqadagi barcha davlatlar o'zlari o'rnatib bergan diniy amaliyotdan tashqaridagi shakllarni dushmanona qabul qiladi va ularga nisbatan faqat repressiv ravishda, huquq-tartibot metodlarini qo'llagan holda kurashish kerak deb o'ylashadi. Bu juda katta xato”,- deydi tahlilchi.

Bir kishi ekstremistik fikrda bo'lsa, uning atrofidagi yoki oilasidagi hamma odam shunday qarashda deb hisoblashga asos yo'q, deydi Suhrob Ismoilov.

“Diniy ekstremizm va uning ortidagi o'ta radikal, terrorizm kayfiyati bu bor narsa. Lekin u hozircha mintaqa mamlakatlaridagi, xususan O'zbekistondagi siyosiy barqarorlikni izdan chiqarishga qodir emas”. Suhrob Ismoilov va Kamoliddin Rabbimov yaqinda Qozog'istonda mana shu mavzudagi xalqaro anjumanda qatnashgan. Olimlarning ko'pi, deydi Suhrob Ismoilov, Markaziy Osiyoda sharoit yaratilsa, islom siyosiy tus olishi mumkin degan fikrda.

Afg'oniston-Pokiston orasidagi tog'li mintaqada xalqaro koalitsiya va mahalliy hukumatlarga qarshi kurashayotgan jangarilar orasida markaziy osiyoliklar, jumladan o'zbeklar ham bor. O'zbekiston Islomiy Harakati va u bilan aloqador guruhlar o'tgan yillar ichida ancha zarba yegani, safi toraygani ma'lum. Amerika havo hujumlariga zo'r berar ekan, ular kelgan yurtiga qaytishga urinishi mumkin. Buning oqibati nima bo'ladi?

AQSh va Pokiston razvedka xizmatlari jangarilar azaldan Markaziy Osiyoga qatnab turadi, yashirin yo'llar bor deb keladi.

Bu borada izlangan ekspertlar nazarida jangarilar vataniga qaytsa, tinchlikka xavf solishi qiyin, lekin hukumatlar haddan tashqari keskin choralar ko'rib, fuqaro huquqlari yanada ezilishi mumkin. Suhrob Ismoilov ham bu fikrdan yiroq emas, lekin uning izohicha, O'zbekiston singari jamiyatlarda siyosiy-ijtimoiy erkinliklarga allaqachon qat'iy cheklovlar qo'yib bo'lingan [6,7].

Jangarilar xalqni o'ziga qarata olmaydi, deydi u. Suhrob Ismoilov fikricha mintaqa tinchligiga iyun oyida Qirg'izistonda kuzatilgan etnik nafrat va zo'ravonlik singari hollar ko'proq raxna solmoqda. "Chunki bu narsa real narsa. Jamiyatda etnik guruhlarining bir-biriga dushmanona kayfiyatda bo'lishi, o'ta radikal kayfiyatga tushib qolayotgan kambag'al guruhlarining boy qatlamlarga nafrat ko'zi bilan qarashi, hokimiyatdagilarga nisbatan "adolatsizlar mana shular, hozirgi hayotimizga sababchilar mana shular" deb qarashi diniy asosga tayanadigan jangari guruhlaridan yoki radikal guruhlardan ko'ra ko'proq ta'sir kuchiga ega, ya'ni aholi oqimini u yoki bu yoqqa burishga. O'zbekistonda hozir zimdan shunday tayyorgarlik bor deyishga bizda biror isbot-dalil yo'q. Lekin sharoit bor. Bu narsa spontan ravishda, hech qanday tayyorgarliksiz yuz berishi, aholi u yoki bu yoqqa ergashib ketib qolishi mumkin. Demoqchimanki, hozirgi paytda jangari guruhlar xavfidan ko'ra, aholi o'z nafratini qayoqqa bura olish qobiliyati kuchliroq".

Bu olimlar ta'biricha, jamoatchilik dunyoqarashi kengaymasa, tanqidiy-tahliliy fikrlashni o'rganmasak, qarashlarimizni erkin, mas'uliyat bilan va asosli ravishda tushuntirib bera olmasak, oldinga siljish qiyin. Avlodlar yangilangani sari zamon ham o'zgaradi. Lekin kelajakda rahbarlar hozirgilariga qaraganda komilroq va qarashlari teranroq bo'ladi deya olamizmi?

Bunga umid bor, deydi biz bilan suhbatlashgan ziyolilar, faqat real masalalarni tan ola bilishimiz, haqiqatga ochiq ko'z bilan qarashni o'rganishimiz kerak. Dinmi, siyosatmi, madaniyatmi yoki erkinlik.

Adabiyotlar:

1. Sh. Mirziyoyev. Yangi O'zbekistonda el aziz inson aziz. Toshkent-2021
2. Sh. Mirziyoyev. Yangi O'zbekistonning strategiyasi Toshkent-2020
3. A. Mavrulov. Ma'rifat jamiyat orzusi. Toshkent-2022
4. Sanjarbek U., Yokutkhon K., Olimakhon K. MODERN PEDAGOGICAL AND INFORMATION-COMMUNICATION TEACHING A FOREIGN LANGUAGE USING TECHNOLOGY //INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876. – 2022. – T. 16. – №. 5. – С. 103-108.
5. Ruzmatovich U. S. et al. PROCESSES OF ORGANIZATION OF TECHNICAL, TACTICAL AND PHYSICAL PREPARATION IN NATIONAL WRESTLING TRAINING //INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876. – 2022. – T. 16. – №. 3. – С. 65-68.
6. Ураимов С. Р. ҲАРБИЙ-ТЕХНИКА ВА ГУМАНИТАР ЛИЦЕЙЛАР ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ //Central Asian Academic Journal of Scientific Research. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 169-175.
7. Матаева Р. С., Дунаев К. Ш., Ураимов С. Р. ФИЗИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА СТАРШЕКЛАССНИКОВ НА ОСНОВЕ СПОРТИВНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ПОДХОДА К ФИЗИЧЕСКОМУ ВОСПИТАНИЮ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ //ББК 75.1 А-43 Ответственный редактор. – 2021. – С. 191.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА БОШҚАРУВ.

*Махсудов Шерзод Солижонович
Фаргона давлат университети
тадқиқотчи*

Аннотация. Мазкур мақолада эркин иқтисодий зоналарни самарадорлигини ошириш бошқарув органларини масалаларига бағишланган. эркин иқтисодий зоналар бошқарув органларини самарали фаолият мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарни ихтисослашув такомиллаштиришга доир хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: эркин иқтисодий зоналар, эркин иқтисодий зоналарни бошқарув органлари, Эркин иқтисодий зоналарда бошқарув кенгаши, Эркин иқтисодий зоналарни бошқарув дирекцияси, самарали барпо этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ягона дарча, замонавий инфратузилма объектлари билан таъминланганлиги, йирик транспорт коммуникация.

РОЛЬ ОРГАНОВ ВЛАСТИ В РАЗВИТИИ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН.

Аннотация. Данная статья посвящена вопросам повышения эффективности свободных экономических зон. Эффективное функционирование органов управления СЭЗ Сделаны выводы по совершенствованию специализации СЭЗ в стране.

Ключевые слова: Свободные экономические зоны, органы управления свободной экономической зоной, правление свободной экономической зоны, дирекция по управлению свободной экономической зоной, эффективное строительство, единое окно малого бизнеса и частного предпринимательства, обеспеченность современными инфраструктурными объектами, крупные транспортные коммуникации.

THE ROLE OF GOVERNMENT BODIES IN THE DEVELOPMENT OF FREE ECONOMIC ZONES.

Annotation. This article is devoted to the issues of increasing the efficiency of free economic zones. Effective functioning of the FEZ management bodies Conclusions are drawn on improving the specialization of the FEZ in the country.

Key words: free economic zones, free economic zone governing bodies, free economic zone board, free economic zone management directorate, efficient construction, single window for small business and private entrepreneurship, provision with modern infrastructure facilities, large transport communications.

Кириш.

Ҳозирги глобаллашган даврда ҳар бир давлат ўз олдига улкан мақсадларни қўйиши аниқ, лекин бу мақсадлар инвестицияларсиз ташкил этилиши қийиндир. Шу инвестицияларнинг мажозий маънода ўчоғи ҳисобланган эркин иқтисодий зоналар ҳисобланади. Бугунги кунда дунёнинг 150 дан ортиқ давлатида ташкил этилган эркин зоналар мамлакатлар тараққиёти учун хизмат қилиб келмоқда.

Эркин иқтисодий зоналар ташкил этишдан мақсад, айниқса экспортга асосланган ривожланиш стратегиясини афзал кўрган мамлакатлар ишлаб чиқариш даражасини аниқлашга ҳаракат қилади. Экспортни оширишнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида қараладиган Эркин иқтисодий зона режимини жорий этилиши билан солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзлари тақдим этилмоқда. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда ривожланиш учун қулай муҳит яратиш, келажак соҳаларни танлаш ва уларни рағбатлантиришга йўналтириш, яъни сармоя киритиш, мамлакатга хорижий капитал ва технологияларни жалб қилиш орқали, иқтисодиётни ривожлантириш.

Мамлакатлар бу вазифаларни ҳал этишда асосий омил деб эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этилиши мамлакат иқтисодиётни ривожлантириш билан бирга, мамлакатдаги ишсизлик муаммосини, минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, халқаро ва миллий бозорларни товарлар билан тўйинтириш муаммоларни бартараф этишда асосий омил ҳисобланади.

Эркин иқтисодий зоналарда алоҳида халқаро статус жорий этилади. Лекин у қайерда жойлашишидан қаътий назар, шу мамлакатнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади, барча амалиётлар (ер ажратиш, фирма ва компанияларни ташкил этиш, чегарадан юкларни, товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш, бож тўловлари, солиқ тўловлари бўйича имтиёзлар, қайси валюта ёки валютв тўлов воситасиги ўташи, ҳудудни бошқариш тартиби ва бошқалар) қабул қилинган қоидалар асосида тезкорлик билан бажарилади. Эркин иқтисодиц зоналарни ташкил этишдан мақсад кўплаб янги технология, инвестицияларни жалб қилиб, ривожланган иқтисодий макон яратиш ва шу йўл билан мамлакат иқтисодиётини тезкорлик билан ривожлантириш.

Адабиётлар таҳлили.

Эркин иқтисодий зона тушунчаси ҳақида иқтисодчи олимлар ўзларининг илмий изланишлари натижасида турли хил фикрлар билдиришган.

Жумладан, иқтисодчи олимлардан T.Farole ва F.Dobrogonov мазкур ҳудудларнинг амалий жиҳатини таъкидлаб, “Мазкур тузилмалар ривожланаётган давлатлар учун қўшимча истеъмол бозорларини эгаллаш имкониятини яратиб

беради ҳамда давлатларнинг экспорт салоҳиятини юксалтиради. Айни бир вақтда ушбу иқтисодий тузилмалар минтақавий иқтисодий интеграция жараёнларини кучайтириш воситаси сифатида ҳам хизмат қилади, дея таъкидлайди.¹⁶

В.Паповнинг тадқиқотларига кўра, “Эркин иқтисодий зоналар шундай ҳудудларки, бу бошқа ҳудудлардан алоҳида ажратилган давлат томонидан махсус имтиёзлар ва қулайликлар берилган бу афзалликлар давлатнинг бирор бошқа ерида ёки иқтисодий тармоғида кузатилмайди”¹⁷, деб таъриф беради.¹⁷

Баъзи тадқиқотчилар, замонавий интеграцион жараёнларни ҳисобга олган ҳолда, ЭИЗларга алоҳида таъриф бермайди. Хусусан, В.И.Баронов ва Г.М.Костюниналарнинг тадқиқот ишларида кўрамиз. Уларнинг ишларида ЭИЗлар жойлашган аниқ минтақа ёки давлатдаги ЭИЗларнинг ҳуқуқий мақоми, улардаги иқтисодий ҳолат таҳлил этилади.¹⁸

Мамлакатимизнинг етук иқтисодчи олимлари томонидан ЭИЗлардаги имтиёзли тартиб ва маъмурий бошқарув соҳасига кўпроқ эътибор қаратилган ҳолда турлича ёндашилади. Шу сабабли, А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажикабиев, Н.Г.Муминовларнинг фикрича, Эркин иқтисодий зоналар – шундай географик ҳудудки, унда мамлакатда қабул қилинган хўжалик фаолияти тартибига қараганда имтиёзли солиқ тўлаш тартиби жорий этилади. Бошқача сўз билан айтганда, ушбу ҳудудда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви камайтиради ва бу миллий иқтисодий маконнинг бир қисми бўлиб, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган маълум имтиёзлар тизими жорий этилади.¹⁹

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги ЎРҚ-604-сонли қонунида Эркин иқтисодий зона — янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга фаол жалб этиш, шунингдек ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилмани ва логистика хизматларини ривожлантиришни таъминлаш мақсадларида ташкил этиладиган ҳудуд деб тарифланади.²⁰

Таҳлил натижалари.

¹⁶ Dobrogonov F., Farole T. An economic integration zone for the East African community: exploiting regional potential and addressing commitment challenges. World bank policy research working paper 5967. Washington, DC: World Bank.

¹⁷ Papov Vladimer. (2007). The Immortal idea of a free economic zone, Georgian Foundation for Strategic and International Studies, 1-16.

¹⁸ Баронов В.И., Костюнина Г.М. Свободные экономические и офшорные зоны (экономико-правовые вопросы зарубежной и российской практики): Учебное пособие / - Москва :Магистр, НИЦ ИНФРА-М, 2016. - 560 с.

¹⁹ Вахабов А.В., Хажикабиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2010. 180-бет


²⁰ Ўзбекистон Республикаси қонуни “Махсус иқтисодий зоналар қонун” -604-сонли 2020 йил 17 февраль

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва уни бошқариш муҳим тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон эркин иқтисодий зоналарни бошқариш органлари Маъмурий кенгаш ва эркин иқтисодий зоналарнинг дирекцияси ҳисобланади.

Маъмурий кенгашнинг бошқариш функциясига эркин иқтисодий зоналарни бошқаришга оид аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган бир турдаги ишлар ишлар мажмуи тушунилади. Бунда, маъмурий кенгаш эркин иқтисодий зоналарни фаолиятини маъмурий жиҳатдан бошқариш, мувофиқлаштириш ва давлат йўли билан тартибга солиш, шунингдек, алоҳида ҳуқуқий тартибга риоя этилишини назорат қилиш, инвестиция лойиҳаларини танлаш ҳамда уларни эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун жойлаштириш бўйича қарор қабул қилиш, эркин иқтисодий зоналарни самарали фаолиятини ташкил этиш, дирекцияларини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ЭИЗ ривожлантиришнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш вазифаларини амалга оширади. Эркин иқтисодий зонанинг чегаралари Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирлиги (туман, шаҳар, шаҳардаги туман) чегарасига тўғри келган тақдирда, Маъмурий кенгаш раисининг вазифаларини ижро этиш тегишли ҳоким зиммасига юкланади.

Маъмурий кенгаш ваколатлари



Муаллиф томонидан тадқиқотлари натижасида тузилган.

Эркин иқтисодий зона дирекцияси давлат унитар корхонаси тезкор бошқарув учун ўзига берилган давлат мулки бўлган мулк базасида давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилган тижорат ташкилоти ҳисобланади, у ўзига бириктилган мулкка нисбатан, қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдор (ёки унинг топшириғи билан- у томонидан масъул этиб тайинланган давлат органи-муассис) топшириқларига мувофиқ эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади.

Эркин иқтисодий зона дирекцияси ваколатлари²¹

²¹ Ўзбекистон Республикаси қонуни 17.02.2020 ЎРҚ-604 сонли



Эркин иқтисодий зоналар дирекцияси алоҳида ҳуқуқий тартиботнинг амал қилишини таъминлаш, Маъмурий кенгаш томонидан танлаб олинган инвесторлар мажбуриятлари лозим даражада бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш, Эркин иқтисодий зоналар ривожлантириш дастури амалга оширилишини таъминлаш, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида хўжалик фаолияти қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш вазифаларини бажаради.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар бошқарув органларини самарали фаолиятни амалга оширганлиги натижасида 2020 йил якунига қадар фаолият кўрсатаётган ЭИЗ ҳудудларида умумий қиймати 487,4 млн долларга тенг бўлган 128 та лойиҳа амалга оширилди. Шундан 162,1 млн долларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Лойиҳалар замонавий иссиқхоналар қуриш (204,7 млн долларлик 62 та лойиҳа), қурилиш материаллари ишлаб чиқариш (140 млн долларлик 18 та лойиҳа), кимё ва нефть-кимё саноати (50,6 млн долларлик 13 та лойиҳа), озиқ-овқат саноати (15,9 млн долларлик 10 та лойиҳа), тўқимачилик саноати (20,1 млн долларлик 8 та лойиҳа), машинасозлик (6 млн долларлик 2 та лойиҳа), чарм-пойабзал саноати (14,9 млн долларлик 5 та лойиҳа), электротехника саноати (13,7 млн долларлик 3 та лойиҳа), фармацевтика саноати (56,3 млн

долларлик 6 та лойиҳа), мебель ва қоғоз ишлаб чиқариш (1,1 млн долларлик 1 та лойиҳа) каби соҳаларни қамраб олди. Ўтган даврда эркин иқтисодий зона иштирокчи корхоналар 11,9 трлн сўмлик 538 турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариб, 257,6 млн долларлик маҳсулотларни экспорт қилдилар, бу эса пандемиянинг салбий иқтисодий оқибатларига қарамай, 2019 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 145 фоизга ошди. Шунингдек, 186 та янги корхона эркин иқтисодий зона иштирокчиси мақомини олди.²²

Хулоса ва натижалар.

Эркин иқтисодий зоналарни давлат томонидан тартибга солиш самарадорлигини ошириш ва уларнинг фаолияти кўрсатиш шартларини ўзгартириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида ягона интеграл мезондан фойдаланган ҳолда Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини комплекс баҳолаш зарур. Эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини оширишда ЭИЗда фаолият юритувчи резидентларни асосий фаолияти кўламини оширишни жадаллаштириш муҳим ҳисобланади.

Эркин иқтисодий зоналарни бошқаришда зонада фаолият юритувчи тадбиркорлар томонидан экологик тоза ишлаб чиқаришганлиги учун қўшимча имтиёзлар берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мамлакатда ЭИЗларда тадбиркорлик фаолиятини юритмоқчи бўлган тадбиркорлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун ҳудудлар ажратишда ЭИЗ бошқарув органларни фаолиятида шаффофликни таъминлаш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда зарур омилдан бири бўлиб ҳисобланади.

Эркин иқтисодий зоналарга фаолият юритишда зарур бўладиган энергия манбаларини имкони даражаси қайта тикланувчи энергия манбалардан олишни тақил этиш.

Эркин иқтисодий зоналарни жойлашган хўжалик юритувчи субъектларни молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, ишчи-ходимларни моддий жиҳатидан рағбатлантириш такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Dobrogonov F., Farole T. An economic integration zone for the East African community: exploiting regional potential and addressing commitment challenges. World bank policy research working paper 5967. Washington, DC: World Bank.
2. Ким Ю. (2009) The study on issues related between limits of land development and total control restriction system in the actual conditions within capital region, Seoul National University of Technology, 8-75

²² Ўзбекистон Республика Инвеститция ва ташқи савдо вазирлиги маълумотлари асосида

3. Баронов В.И., Костюнина Г.М. Свободные экономические и офшорные зоны (экономико-правовые вопросы зарубежной и российской практики): Учебное пособие / - Москва :Магистр, НИЦ ИНФРА-М, 2016. - 560 с.
4. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2010. 180-бет
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 январ ПФ-4931.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 4 сентябрда “Нукус” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги 5809 ПФ.
7. Г.Хонкелдиева, Н.Пўлатов “Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг назарий жиҳатлари” Иқтисодий илмий-амалий ойлик нашр “Biznes-Эксперт”, 2022 й. 2-сон. 3-6-б.
8. Ш.Махсудов “Эркин иқтисодий зоналарнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни” Илмий методик журнал 4- son April 2022yil 159-166 б
9. Ш.Махсудов “Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг самарали йўналишлари” Иқтисодий илмий-амалий ойлик нашр “Biznes-Эксперт”, 2022 й. 2-сон.159-166-б.
10. Ш.Махсудов “Развитие свободных экономических зон в условиях трансформации рыночных отношений” Бюллетень науки и практики / Bulletin of Science and Practice <https://www.bulletennauki.com> 2022 г №5 450-456 ст
- 11.Ш.Махсудов “Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришда бошқарув органларини ўрни” Ўзбекистон фанлараро инновациялар ва илмий тадқиқот журнал 2022 й. Июнь. 370-375 б
12. Ш.Махсудов “Развитие свободных экономических зон в условиях трансформации рыночных отношений” Бюллетень науки и практики / Bulletin of Science and Practice <https://www.bulletennauki.com> 2022 г №5 450-456 ст
13. **Равшанжон Бурхонович Мирзаев, Хамид Азимович Юлдашев. Автомобил ойналари ишлаб чиқаришда истеъмолчи талабларини ишлаб чиқариш таннархига таъсири. Scientific progress. -volume 3 | issue 2 | 2022 issn: 2181-1601, 2022-yil.www.scientificprogress.uz**
14. Ravshanjon Burxonovich Mirzayev. "The importance of basic materials and technological losses in increasing economic efficiency in the formation of cost" (On the example of enterprises for the production of safety windows for surface transport).Web of scientist: international scientific research journal. -ISSN:2776-0979, 2022-yil. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/X3U6E>
- 15.Mirzaev Ravshanjan Burkhonovich, Akhmadaliyeva Mokhigul Kadirovna Improvement of organizational economic impact of product cost reduction on the basis of cost-effective use of resources • Thematics Journal of Economics. -ISSN 2277-3029, 2022-yil.



- **VOLEYBOLCHILAR SPORT TRENIROVKASINING ASOSLARI.**

- *Farg‘ona davlat universiteti Sirtqi bo‘limi*
- *Aniq va tabiiy fanlar kafedrası o‘qituvchisi*
 - *Muxidinov Abdubannop Akbaraliyevich*
- **Annotatsiya:** Ushbu maqolada taʼlim tizimida voleybol sport turining o‘rni va vazifalari, voleybol sport trenirovkasining asoslari tugrisida fikr yuritiladi.
- **Kalit so‘zlar:** jismoniy tarbiya, jismoniy madaniyat, jismoniy tarbiya nazariyasi, sport trenirovkasi, salomatlik, sport, sog‘lom avlod tarbiyasi, sog‘lom turmush tarzi, jismoniy tarbiya tizimi.
- Sport trenirovkasi ilmiy jihatdan asoslangan bʻylishi lozim. Buni ta'minlash uchun, sport trenirovkasi sistemasini asosiy hollarini yaxshi bilish, qat'iy rioya qilishi kerak. Sport trenirovkasi sistemasini deganda biz quyidagilarni: vazifalar, printsiplar vositalar, metodlarni va hokazolarni nazarda tutib, sportchilarni tarbiyalash va qonuniy ravishda jismoniy rivojlanishi bir butun jarayon deb faraz qilamiz. Bu ilmiy asoslangan va amaliy tekshirilgan sitemadir. Uning samaradorligi juda ham aniqdir. Trenirovka - bu inglizcha sʻyz bʻylib, aynan quyidagi ma'noni anglatadi. Mashq qilish va dressirovka qilish ma'nosi demakdir.
- Hozirgi paytda ham ba'zi bir trenerlar sport trenirovkasini jismoniy mashqlarni qaytarish deb tushunadilar. Lekin bu katta xatodir. Sport trenirovkasi jismoniy tarbiyaning formasidan bʻylib, ancha keng va kʻyp qirrali jarayondir.
- Sport trenirovka jarayoni 5 ta yʻzaro uzviy bog‘liq qismlardan iborat:
 - 1. Umumiy va maxsus jismoniy tayyorgarlik.
 - 2. Psixologik tayyorgarlik.
 - 3. Texnik tayyorgarlik.
 - 4. Taktik tayyorgarlik.
 - 5. Nazariy tayyorgarlik.
- Bu hamma tayyorgarlik turlarini natijasida sport tayyorgarligi yana shakllanadi. Sportchining qanday trenirovka qilganligi darajasining asosiy kʻyrsatkichi sport natijasi xisoblanadi. Biroq musobaqa natijalariga qarab, umumiy trenirovka qilinganlik darajasi haqida, sportchining ba'zi bir tayyorgarligi haqida ozroq fikr



yuritish mumkin. Hozirgi vaqtda hamma kuchli sportchilar yillik trenirovka jarayonida tayyorgarlik darajasini ba'zi bir tomonlari qay darajadiligini aniqlash uchun, umumiy jismoniy tayyorgarlik, texnik tayyorgarlik buyicha nazorat mashqlar (normativlar) topshiradilar. Trenirovka qilinganlik darajasi holatini sport formasi deb atalish qabul qilingan. Bunday sport formasi trenirovka musobaqa davrining boshlarida erishilgan va uni oxirigacha saqlanib qolishi kerak [1,2,3,4].

- Trenirovkani tʻygʻri uyushtirganda trenirovkaga bʻylgan chekinish yildan yilga yʻsishi lozim. Vʻtish davrida trenirovka vaqtini kamayishi va uni bʻylmasligi sababli trenirovkaga bʻylgan chekinish biroz kamayadi.
- Hozirgi davrga kelib, yʻyin harakatlarining faollashmaganligi, texnik priyemlar yanada kʻypayganligi tayyorgarlik darjasiga bʻylgan talabni oshiradi. Hozirgi kunlarda yʻyin mazmunini, tayyorlov sistemalarini funktsional faoliyatini takomillashtirish va har xil malakalarni yaxshi yʻzlashtirish ayniqsa zarur.
- Oʻyinchilar har turdagi harakatlar kompleksini bajarishligi ular maxsus tayyorgarlikni mukammal egallashligini talab etadi. Buning ichiga shaxsiy sifat va malakalardan tashqari yʻzaro jamoa bʻylib harakat qilishni maxsus malakalari va qobiliyatlari kiradi.
- Har bir yʻyinchining umumiy yʻyin tayyorgarligidan tashqari jamoada zarur bʻylgan funktsiyalarni bajarish uchun kerak bʻylgan bilim, sifat va malakalarni yʻzlashtirishi lozim bʻyladi.
- Bolalar va yʻsmirlar sport trenirovkasi agar, organizmda anatomo-fiziologik yʻzgarish ijobiy bʻylganini va sogʻlomlashtirishga ta'sir qilishi hamda jismoniy yʻsishi va sport natijalari yuqori bʻylishga moil bʻylganda tʻygʻri deb hisoblanadi.
- Yosh sportchilarni tayyorlash sistemasining strukturasi quyidagilarni: dastlabki tayyorgarlik (7-10 yosh), maxsus boshlangʻich tayyorgarligi 1 yillik ta'limotga mʻyljallangan (10-11 yoshlar uchun yʻquv trenirovka guruhi), voleybol bʻyicha yʻynaltirilgan tayyorgarlik (ikki va uch yilga muljallangan trenirovka guruhi) va sport takomillashtirish guruhlarini yʻz ichiga oladi. Sistemalar yʻrtasidagi yʻzaro aloqa har bir tayyorgarlik bosqichlarini bevosita yʻzaro bogʻliqligini ta'minlaydi.
- Sport trenirovkasining printsiplari

- Sport trenirovkasining tuzilishi va amalga oshirishligi onglilik, qaytarishlilik, asta sekinlik, k̄yrgazmalilik, har bir ȳziga xoslilik printsiplariga asoslanadi. Bu printsiplarning k̄ypchiligi pedagogikadan ȳzlashtirib olingan b̄ylib, bular sport trenirovkasining vazifalari va sharoitlaridan kelib chiqqan pedagogik jarayondir.
- Onglilik printsiipi. U sportchini ȳzini tayyorgarlik jarayoniga ongli ravishda va faol munosabatda b̄ylilishligini nazarda tutadi. Ȳz tayyorgarligiga yuqori onglilik munosabatida b̄ylganda nazariya va metodikani chuqur ȳrganishi, sportchida katta tajriba va bilim yaratib, shu sababli samarali trenirovka qilish, musobaqada muvafaqiyatli qatnashish va keyinchalik shularga ȳz tajribasini ȳrtoqlashishidan iboratdir.
- Qaytarishlilik printsiipi fiziologik holatga asoslanadi. Negaki u shartli refleks aloqalarini tashkil qilish va organizmda trenirovka ta'siri ostida zarur, b̄ylgan (mos) ȳzgarishlarni yuzaga keltirish uchun bajariladi. Trenirovka mashg'ulotlarini, jismoniy mashqlarni qaytarmasdan sportda rivojlantirish va takomillashtirish b̄ylishi mumkin emas. Sport trenirovkasida ba'zi jismoniy mashqlarni qaytarmasdan sportda rivojlantirish va takomillashtirish b̄ylishi mumkin emas. Sport trenirovkasida ba'zi jismoniy mashqlarni qaytarish, shu bilan birga butun trenirovka mashg'ulotlarini optimal ravishda qaytarishlilik talab qilinadi. Ba'zi mashqlarni qaytarish soni va ular ȳrtasidagi dam olish intervali sportchining tayyorgarligiga, uning yoshiga, mashq turiga, tashqi muhitga- maksimal nagruzkani almashinishligiga bog'liqdir [5,6,7,8].
- Haftalik yoki boshqa sikl boshida sportchining organizmi avvalgi hafta trenirovka nagruzkasidan butunlay tiklangan b̄ylishi juda muhimdir. Hozirgi paytda yuqori malakali sportchilar kundalik trenirovka mashg'ulotlariga ȳtayaptilar, shunga qarab, ularning nagruzkaga (miqdor va intensivlik jihatdan) qaytarilishlik miqdori ȳzgaradi.
- Asta-sekinlik yoki izchillik printsiipi. Sportchining muvaffaqiyatida juda muhim, hattoki hal qiluvchi ahamiyatga ega. Fiziologiyadan ma'lumki, organlarning ȳzgarishi va organizm sistemalarini ȳzgarishi, ularni funktsiyalarni



yaxshilanishi, uzoq muddat ichida asta-sekin davom etgan trenirovkaning ta'sirida b̄yladi. Biroq asta-sekinlik sportchining kuchi va imkoniyatiga mos kelishi lozim. Uni trenirovkaga b̄ylgan chiniqishini yaxshilana borishiga, sport natijalari, sport mahoratini bir necha yilda ȳsishga olib keladi. Ȳrgatish metodikasi pedagogikaning asosiy qoidalariga (oddiydan murakkabga) asoslanadi.

- K̄yrgazmalilik printsipti – kinogramma, ȳquv kinosuratlari va hokazolar ȳrgatishni sezilarli darajada tezlashtiradi, mukammal texnikani ȳzlashtirishga yordam beradi. Ȳrganishda sportchilarni texnikasini va trenerni k̄yrsatayotgan harakatlarini katta diqqat, e'tibor bilan kuzatish kerak.
- O'ziga xoslilik printsipti (erisha oladiganlilik) - sportchining trenirovkasini tuzish va ȳtkazishni, uning ȳziga xos xususiyatlarini (jinsi, yoshi, tayyorgarligi, sog'liqning qay darajadaliq, ma'lum sifatlarini rivojlanganlik darajasini) hisobga olishni talab qiladi. Sportchini tarbiyalashda ȳziga xos yondoshish, texnika va taktikani ȳrgatishda, katta samara beradi. Har bir sportchining funktsional imkoniyatlarini oshirish maqsadida, trenirovka nagruzkasini aniqlashda ularga shaxsiy yondoshish juda muhimdir [9]. Sportchining ȳziga xoslilik imkoniyatini ȳrganish avvalombor aniq mashqlar orqali olib boriladi. Bu mashklarning doim q̄yllanishi va musobaqaga qatnashish natijasi sportchining tayyorgarligini kuchli va kuchsiz tomonlarini aniqlaydi, hamda shunga muvofiq trenirovkaga ȳzgartirishlar kiritiladi. Yuqorida keltirilgan printsiplar trenirovka jarayonida q̄yllaniladigan asosiy hollar hisoblanadi, bu asosiy printsiplar ȳzaro bog'liq va ȳzaro kelishilgandir. Tarbiyaning k̄yp qirraliligiga asta-sekinliksiz, asta-sekinliksizga esa qaytarishliksiz erishish mumkin emas. Erisha oladiganlik (ȳziga xoslilik)ni va hokazolarni hisobga olmasdan muvaffaqiyatga erishish mumkin emas
- **Xulosa.**
- Yuqoridagi ilmiy tadqiqotlar natijalariga asoslanib quyidagicha xulosalar qilish mumkin:
- - “Voleybol” tushunchasi, atamalari har bir millatning tili tarkibida tarixan shakllanib, rivojlanib kelmoqda;

- - “Jismoniy madaniyat” sohasidagi tushuncha va atamalarini o‘zbek tilshunosligining muhim ilmiy tadqiqot yo‘nalishi deb belgilash;
- - “Jismoniy madaniyat” sohasining tushuncha va atamalarini, aholining kundalik hayotiga chuqur singdirishda, ularning bilimlarini chuqurlashtirish orqali jismoniy harakat amallari bilan astoydil mashg‘ul bo‘lishlarida asosiy omillardan biridir. Bu borada ta'lim muassasalaridagi jismoniy madaniyat fanini o‘qitishdagi ta'lim jarayonlari yetakchi omillardan biridir. Shuning uchun soha bo‘yicha turli xil lug‘atlar, izohli lug‘atlarni ishlab chiqish zarur.

• **Foydalanilgan adabiyotlar**

- 1. A.Normurodov. Jismoniy tarbiya. O‘quv qo‘llanma. Toshkent, 2011 y.
- 2. Abdumalikov R. Sog‘lom avlod tarbiyasida jismoniy tarbiya va sport. O‘quv–uslubiy qo‘llanma. Toshkent, 2003 y.
- 3. Axmedov F.K. Jismoniy ta’limda milliy anʼanalarning o‘rni. Monografiya. Toshkent, 2010 y.
- 4. J.Eshnazarov. Jismoniy madaniyat tarixi va boshqarish. Toshkent, 2008 y.
- 5. Teoriya i metodika fizicheskogo vospitaniya. Uchebnoye posobiye pod redaktsii V.M.Shiyana, M., Prosvещeniye, 1988 g.
- 6. Матаева Р. С., Дунаев К. Ш., Ураимов С. Р. ФИЗИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА СТАРШЕКЛАССНИКОВ НА ОСНОВЕ СПОРТИВНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ПОДХОДА К ФИЗИЧЕСКОМУ ВОСПИТАНИЮ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ //ББК 75.1 А-43 Ответственный редактор. – 2021. – С. 191.
- 7. Ураимов С. Р. ҲАРБИЙ-ТЕХНИКА ВА ГУМАНИТАР ЛИЦЕЙЛАР ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ //Central Asian Academic Journal of Scientific Research. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 169-175.
- 8. Ruzmatovich U. S. et al. PROCESSES OF ORGANIZATION OF TECHNICAL, TACTICAL AND PHYSICAL PREPARATION IN NATIONAL WRESTLING TRAINING //INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876. – 2022. – Т. 16. – №. 3. – С. 65-68.
- 9. Sanjarbek U., Yokutkhon K., Olimakhon K. MODERN PEDAGOGICAL AND INFORMATION-COMMUNICATION TEACHING A FOREIGN LANGUAGE USING TECHNOLOGY //INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876. – 2022. – Т. 16. – №. 5. – С. 103-108.



- 10. Internet saytlari:
- Lex.uz.
- Arxiv.Uz.
- Ziyonet.uz.

**UY PARMALOVCHISI (ANOBIMUM PERTINAX L.) NING
BIOLOGIYASI, OZIQA MANBALARI VA ZARARI****БИОЛОГИЯ, ИСТОЧНИКИ ПИТАНИЯ И ПОВРЕЖДЕНИЕ (**
ANOBIMUM PERTINAX L.)**BIOLOG, FOOD SOURCES AND DAMAGE OF ANOBIMUM
PERTINAX L.**

*Ma'rupov Akmaljon Akbarovich, o'qituvchi Omonova Sevara Akramjonovna,
o'qituvchi Farg'ona davlat universiteti omonova86@internet.ru
+998904068260*

Annatatsiya: Maqolada uy parmalovchisi (*Anobium Pertinax L.*) ning Farg'ona vodiysi sharoitida tarqalishi, biologiyasi va zarar keltirish xususiyatlariga doir tadqiqot natijalari bayon etilgan. Uy parmalovchisi qo'ng'izi ozuqa spektri keng bo'lgan jiddiy zararkunanda turdir. U Farg'ona vodiysi sharoitida eski binolar, tashqi qismlar va uy-joylarning yuqori va pastki qismi, tarixiy yodgorliklar va boshqa tuzilmalarni zararlaydi. Binolar va tarixiy obidalarni doimiy nazoratga olish, aniqlangan holatlarda kimyoviy dorilar bilan fumigatsiya qilish, yangi qurilayotgan binolarga ishlatidigan qurilish materiallarini yaxshilab tekshirish, shikastlangan qismlariga e'tibor qaratish, zararkunandalarning kamayishiga va bino-inshooatlarni uzoq yillar saqlanishiga sababchi bo'ladi.

Kalit so'zlar: Fototaksis, tip, to'g'nog'ich, g'umbak, lichinka, mog'or, element, tadqiqot, o'zak, fimigatsiya.

Аннотация: В статье описаны результаты исследований по изучению распространения, биологии и характеристике вредоносности домового мотылька (*Anobium Pertinax L.*) в условиях Ферганской долины Домовой мотылек - серьезный вид вредителей с широким пищевым спектром. В условиях Ферганской долины повреждает старые постройки, наружные части, верхние и нижние части домов, исторические памятники и другие сооружения. Постоянный мониторинг зданий и исторических памятников, окуливание химическими препаратами в выявленных случаях, тщательный осмотр строительных материалов, используемых во вновь строящихся зданиях, внимание к поврежденным частям, приведут к уменьшению численности вредителей и сохранению зданий и сооружений на долгие годы.

Ключевые слова: фототаксис, тип, клубень, гриб, личинка, плесень, элемент, исследование, ядро, фемигация.

Annotation: The article describes the results of research on the distribution, biology, and damage characteristics of the house borer (*Anobium Pertinax* L.) in the conditions of the Fergana Valley. The house borer beetle is a serious pest species with a wide food spectrum. It damages old buildings, external parts and upper and lower parts of houses, historical monuments and other structures in the conditions of the Fergana Valley. Constant monitoring of buildings and historical monuments, fumigation with chemical drugs in identified cases, thorough inspection of building materials used in newly constructed buildings, attention to damaged parts, will reduce pests and preserve buildings for many years.

Keywords: Phototaxis, type, nugget, fungus, larva, mold, element, research, core, fumigation.

Kirish. Parmalovchi qo'ng'izlar jiddiy zararkunanda hisoblanib, asosan Rossiyaning yevropa qismida, Kavkaz, Sibir, Uzoq Sharq, Belarussiya, Ukraina, Moldova, Kavkazorti, Qozog'istonda; Yevropa, kichik Osiyo, Xitoy, Koreya, Yaponiyada tarqalgan [Ijevskiy, 2014].

Mamlakatimizning bir qator viloyatlarida jumladan, Toshkent shahri, Farg'ona, Andijon, Jizzax, Samarqand, Surxondaryo, Sirdaryo, Toshkent, Xorazm uchrashligi ham bir qator tadqiqotchilar tomonidan o'rganilgan [Mirzayeva, 2013; Ma'rupov, 2019].

Mazkur qo'ng'izlar eski binolar, tashqi qismlar va uy-joylarning yuqori va pastki qismi, tarixiy yodgorliklar va boshqa tuzilmalariga zarar yetkazadi. Bundan tashqari, qo'ng'izlar ustunlar hamda to'sinlarga, inshootlarning yog'och qismlariga va boshqa shunga o'xshash joylarda yashaydi. Mebellarni kamdan kam uchrashligi aniqlangan. U uzoq yillar davomida binolarda turgan, mog'or zamburug'i bilan qoplangan, namligi yuqori (o'rtacha 15-22%) bo'lgan yog'ochlik qismlarini afzal ko'radi. Odatda yangi yog'ochdan yasalgan buyumlarda deyarli uchramaydi [Temreshyov, 2016].

Ayrim olimlar tomonidan uy parmalovchisini turli binolarning tuzilma elementlarida joylashib olib zarar keltirish oqibatida binoning shifti devor va pol qismlari qulab tushishi haqida ma'lumotlar ham keltirilgan [Legatov, 1923].

Parmalovchilarning lichinkalari oziqlanishi ta'sirida dastlab yog'och buyumlarda ko'ndalang teshiklar paydo bo'ladi. So'ngra bo'ylama yo'nalishga ega bo'lib, voyaga yetgan qo'ng'izlar bu zararlangan joylarga lichinkalar yo'lakchalarini to'sib turuvchi

yupqa to'siqlar qo'yishadi. Bunda hamma joylar yengil tashqi ta'sirda ham sochilib ketadigan unsimon modda bilan to'ldiriladi. Lichinkalarning oziqlanishi natijasida hosil bo'lgan yo'lakchalari ayniqsa to'sinlarga jiddiy ziyon yetkazilgan holatlarda markaz atrofida yarim aylana hosil qilgan ko'rinishda bo'ladi.

Material va tadqiqot uslublari. Parmalovchilar tomonidan yetkazilgan zararlanish holatlarini xarakterli xususiyatlariga ko'ra uch guruhga bo'lish mumkin.

1. Eng ko'p uchraydigan zararlanishning bu turi yog'och yoki taxtaning tashqi po'stloq osti zararlanadi. Yog'ochning bu qismi butunlay yaroqsiz holga keladi (1-rasm).

1-rasm. Uy parmalovchisi tomonidan zararlangan yog'och va beshik.

2. Asosan, to'sinlarning uchki qismida uchraydi. Tashqi po'stloq osti va yillik halqalardan



o'tib, yog'ochning ichki qismi zararlanadi.

3. Zarakunandalar juda ko'p yashaydigan tom osti to'sinlarida uchraydigan ushbu zararlanish turi uchun quyidagilar xarakterli, bunda zararlanmagan o'zak yaqinida joylashgan ichki yillik halqalarning po'stloq osti qattiq zararlanadi [Xamrayev A. Sh., va boshq. 2013; Lebedeva va boshq. 2014].

Yosh qo'ng'izlar mart oyida qishki tinim davridan chiqa boshlaydi. Asosan may-iyun oylarida ko'payadi. Urg'ochilar tuxumini kichik kichik yoriqlarga, dag'al sirtlarga, chirigan va yetarlicha nam yog'ochning oldingi yildan hosil bo'lgan yoriqlariga bittadan qo'yishadi. Tuxumdan chiqqan lichinkalar daraxt tanasiga kirib oladi. Daraxt tanasida ular o'sishiga mos tarzda kengayib boruvchi ko'plab yo'lakchalar ochishadi. G'umbak bo'lishdan oldin, lichinka yog'ochning yuzasiga o'rnashadi va keyin biroz ichkariga kirib oladi. Bu yerda u g'umbakka o'raladi. Lichinkalar kuzda - yosh qo'ng'izlarning yuzaga

chiqmasdan qishlash vaqtida yoki bahorda g'umbakka aylanadi. Bahorda qo'ng'izlar yupqa pardani teshib tashqariga chiqadi. Qo'ng'izlar salbiy fototaksisga ega ya'ni kunduzi kam harakat bo'lib, kechgi paytda faol bo'ladi.

Parmalovchi zararlaydigan zararlanish o'choqlari asosan doimiy namlik bo'lgan joylarda kuzatiladi. Namlik uy tomlaridan yog'inlarning sizib o'tishi, to'sinlarning uchlarida esa xonalardagi namlik bilan tashqi haroratning qo'shilib aralashishi natijasida hosil bo'ladi.

Qo'ng'izlar rangi qora-jigarrang shakli silindrsimon, ko'rinishda bo'lib, uzunligi 5-7 mm gacha bo'ladi. Yelkasining orqa tomonida ko'zga tashlanuvchi ikkita oltin-sariq tukli dog'lari bor. Yelkasidagi bukrichasi to'rt shohli bo'lib o'rtasi biroz pastga tushgan.

Tuxumlari oq tusli bo'lib, uzunligi 0,5 mm, diametri 0,3 mm, shakli ovalsimon bo'lib, bir uchi ozroq cho'zilgan ikkinchi uchi esa dumaloq ko'rinishda. Tuxum qobig'i katakchalar ko'rinishga ega. Katakchalarning devorlari tutashgan joylarida to'g'nog'ich ko'rinishiga ega o'simtalari bor.

Lichinkalar voyaga yetgan lichinkalarning tanasi «S» shaklda bo'lib, uzunligi 6-8 mm, eni 2 mm, rangi oq tusda bo'ladi. Bo'rtib turuvchi ko'krak bo'g'imlarida uch juft ko'krak oyoqlari bo'lib, bo'g'imlarining yelka tomonida ko'ndalang joylashgan baquvvat to'q rangli tuklari mavjud (2-rasm).



2 -rasm. Uy parmalovchisi (*Anobium pertinax* L.) ning lichinkalar.

Mo'ylovlari ikki bo'g'imdan iborat bo'ladi. Lichinkalarning chiqindisi har doim yog'ochning rangida bo'ladi. Yog'ochdagi kemirilgan kukun rangiga qarab, unda ko'ng'izlarining bor yoki yo'qligini aniqlash mumkin. Lichinka faoliyati tufayli hosil

bo'ladigan yo'lakchalarining kengligi 3 mm gacha boradi. Tashqi muhitga uchib chiqish yo'laklarining uzunligi esa 1,8-3 mm gacha bo'ladi.

G'umbagi qayroqchi qo'ng'izlarning butun oilasidagi kabi tanasi bo'sh, yumshoq, och rangda bo'ladi [Ma'rupov, 2021].

Hulosa qilib aytganda, binolar va tarixiy obidalarni doimiy nazoratga olish, aniqlangan holatlarda kimyoviy dorilar bilan fumigatsiya qilish, yangi qurilayotgan binolarga ishlatidigan qurilish materiallarini yaxshilab tekshirish shikastlangan qismlariga e'tibor qaratish zararkunandalarning kamayishiga va bino-inshoatlarni uzoq yillar saqlanishiga sababchi bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ijevskiy S.S., Lobanov A.L., Sosnin A.Y. I 31 Jizn zamechatelnix jukov. — M.: OOO«Izdatelskiy dom»Kodeks“, 2014. - 368 s.: il.
2. Marupov A.A. Biology and harmfulness of long-beetled beetles (Coleoptera: Cerambycidae) flowing on poplars // Scientific Bulletin of Namangan State University. – Namangan, 2021. - №1. ISSN 2181-1458. - P. 54-59.
3. Xamrayev A.SH., Lebedeva N.I., Mirzayeva G.S., Berdiyev J. Biologicheskoye i ekologicheskoye osobennosti domovogo tochilshika (Anobium pertinax L.) // Vestnik KKO. –Nukus, 2013. - № 3. - S. 143-147.
4. Temreshyov I.I., Kazenas V.L., Yesenbekova P.A. Opredelitel stvolovix vreditel'ey lesov Ile-Alatau'skogo Gosudarstvennogo natsionalnogo prirod'nogo parka i sopredelnix territoriy Almati: Nur-Print, 2016. - 245 s.
5. Legatov I.P. Ob opitax po borbe s tochilshikom Anobium domesticum Fuorcr. // Zashita rasteniy, 1923. - № 5. – S. 561-653.
6. Lebedeva N.I., Xamrayev A.SH. Domovoy tochilshik (AnobiumpertinaxL.) – opasniy vrag derevyannix stroyeniy // Ilmiy – amaliy seminar mat. «Respublikamiz xududida termitlarga qarshi kurash usullarini takomillashtirish» mazusidagi. – Toshkent, 11 aprel 2014 yil – B. 27-30.
7. Ijevskiy S.S, Nikitskiy N.B., Volkov O.G., Dolgin M.M. Illyustrirovanniy spravochnik jukov ksilofagov-vreditel'ey lesa i lesomaterialov Rossiyskoy Federatsii. - Tula: Grif i K, 2005. 220 s.
8. Toskina I.N. Ekologiya nachal'nix stadiy razvitiya nekotorig tochilshikov // Zool. jurn. – M.-L., 1966. - T. 45. - Vip. 11. - S. 1644-164.



9. Zaytseva G.A., Provorova I.N., Serdyukova I.R., Toskina I.N. Biologicheskiye vrediteli muzeynix xudojestvennix sennostey i borba s nimi. - Metodicheskiye rekomendatsii. - M: VNIIR, 1991. - 92 s.
10. Marupov A.A, Zokirov I.I., Sulstonov D..Sh.. (2021). Ecological-Faunistic Analysis of Longhorn Beetles (Coleoptera: Cerambycidae) of Fergana Valley . Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 6819-6830. Retrieved from <http://annalsofrscb.ro/index.php/journal/article/view/3277>

**MATNLI MATEMATIK MASALALARNI YECHISHGA OID METODIK MULOHALAR**

Farg'ona davlat universiteti Sirtqi bo'limi

Aniq va tabiiy fanlar kafedrasi o'qituvchisi Qodirova Dilshoda

Annotatsiya. Maqolada matnli matematik masalalarni yechish metodikasini takomillashtirish bo'yicha metodik ko'rsatmalar bayon qilingan. Shuningdek, unda o'quvchilarni masala yechishga o'rgatishda uzviyligini ta'minlashga yo'naltirilgan algoritmlar va tizimli yondashuv tamoyili taklif etiladi.

Kalit so'zlar: matnli masala, izomorfizm, gomomorfizm, proportsiya va proportsionallik, inversiya, matematik yechimning interpretatsiyasi.

МЕТОДИЧЕСКИЕ ОБЗОРЫ ДЛЯ РЕШЕНИЯ ТЕКСТОВЫХ МАТЕМАТИЧЕСКИХ ЗАДАЧ

Аннотация. В статье изложены методические указания по совершенствованию методологии решения текстовых математических задач. Также предлагается алгоритм и принцип системного подхода, направленного на обеспечение преемственности в обучении студентов решению проблем.

Ключевые слова: текстовая задача, изоморфизм, гомоморфизм, пропорциональность и пропорциональность, инверсия, интерпретация математического решения.

METHODOLOGICAL CONSIDERATIONS FOR SOLVING THE TEXT MATHEMATICAL PROBLEMS

Annotation. The article describes methodological recommendations for improving the method of solving the text mathematical problems. We also propose an algorithm and a principle of a systematic approach aimed at ensuring continuity in teaching students how to solve a particular problem.

Key words: textual problem, isomorphism, homomorphism, proportionality and proportionality, inversion, interpretation of a mathematical solution.

O'quvchilarning matematik tafakkurini rivojlantirishda matnli matematik masalalar muhim ahamiyatga ega. Matnli masalalarni yechish jarayoni o'quvchilardan produktiv fikrlash, matematik tushuncha, teorema va formulalarni amalda qo'llay olish darajasidagi mustahkam matematik bilim va malakani talab etadi. O'quvchi odatda analitik, illyustrativ, tasvirli masalalarni tayyor formula va qat'iy algoritm asosida yechishni oson o'zlashtiradi. Bundan tashqari o'quvchilarning psixologiyasi mantiqiy tafakkur qilish, tasodifiylik qonuniyatlarini anglashga to'sqinlik qiluvchi moyillikka egaligi ma'lum va bunday holat motivatsiyaning pasayishiga sabab bo'ladi²³. Matnli matematik masalalarning mantiqiy tuzilishi, turi va uni yechish usulini anglashda o'quvchilarning eng muhim kamchiliklardan biri, asosiy tushuncha va formulalarning ma'nosini to'la tushunmaslik, ularni amaliyot bilan bog'lashda yuzaga keladigan intellektual qiynalishdir. Hozirgi vaqtda ushbu muammoga katta e'tibor berilmoqda. O'quvchilarni matnli matematik masalalarni yechishga o'rgatishda avval masala turi va yechish usulini to'g'ri anglagan holda masala bilan bog'liq nazariy materiallarni mustahkamlash, matematik bilimlarni tatbiq etish bo'yicha amaliy bilim, ko'nikma, malaka va kompetentsiyaviy yondashuvlarni shakllantirgan holda yondashish maqsadga muvofiq. O'qituvchi matnli masalalarni yechishga o'rgatish jarayonida o'quvchilar bilan bosqichma-bosqich doimiy ravishda ishlab, ularda kreativ va nostandart fikrlashni yetarlicha rivojlantirmog'i lozim. Biz bu borada quyidagi bosqichlarda ish olib borishi maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

1-bosqich. Masala shartiga oydinlik kiritiladi va topilishi kerak bo'lgan kattalik aniqlanadi.

2-bosqich. Masalaga oid matematik nazariyani to'g'ri belgilash va berilgan masalani ushbu nazariya asosida yechish algoritmini shakllantirish.

3-bosqich. Matnli masalani yechish usulini to'g'ri belgilash va shu asosida yechish. Masalaning matematik echimini berilgan masala tilida qayta ifodalash (matematik yechimning interpretatsiyasini ko'rsatish).

O'quvchi tomonidan matnli matematik masalalarni yechish jarayonida masala turini ajrata olishi muhim ahamiyatga ega. Bu jarayonning talablarga muvofiq tashkil etilishi o'quvchilarning matnli masala turi va mohiyatidan qanchalar xabardor ekanligi bilan bevosita

²³ Khankulov U. Kh. About the principles of selection of teaching content of stochastic elements of mathematics. Science and world. –Volgograd, Russia, 2018. № 4. –P. 56-57. (Impact Factor 0,325).

bog'liq²⁴. Shu nuqtai nazardan matnli matematik masalalarni quyidagicha klassifikatsiyalash mumkin:

- 1) Natural sonlarga doir masalalar;
- 2) Ishga doir masalalar;
- 3) Foizga doir masalalar;
- 4) Harakatga doir masalalar;
- 5) Aralashma va qotishmaga doir masalalar;
- 6) Progressiyaga doir masalalar;

O'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatini rivojlantirish uchun masalalarni qiyinlik darajasi bo'yicha va tushunchalarning izomorfligiga tayangan holda tanlash o'ta muhimdir. Matnli masalalarni oson yechishning usuli sifatida asosan masala mazmuniga qarab geometrik metod, tushunchalarning izomorfizm va gomomorfizmligi, proportsiya va proportsionallik asosida hamda inversiya, o'xshashlik, qiyoslash kabi metodlar bilan yechish tavsiya etiladi. Matnli matematik masalalarni yechish usuli masalaning mazmuni va uning spetsifik xarakteriga qarab oshkor bo'ladi. Matnli matematik masalalarni yechish algoritmi ko'p holatlarda quyidagi ko'rinishda bo'ladi.

- 1) Chiziqli tenglama va tenglamalar sistemasiga keltiriladigan masalalar;
- 2) Ikki va undan ortiq o'zgaruvchili tenglama va tenglamalar sistemasiga keltiriladigan masalalar;
- 3) Tushunchalarning izomorfligi va gomomorfligi, proportsiyasi, proportsionalligiga asoslangan masalalar;
- 4) Aniqmas tenglama va tenglamalar sistemasi tuzib yechiladigan masalalar;
- 5) Tengsizliklar tuzib yechiladigan masalalar;
- 6) Aralash tipdagi masalalar.

Murakkab matnli matematik masalalarga o'qituvchi nazariyani ko'rsatma shaklida ko'rsatish bilan chegaralanmasdan, o'rganilayotgan tushunchani chuqurroq ochib berishi va uni to'ldirishi, o'quvchilarni mustaqil fikrlashga yo'naltirishi lozim. Ishning birinchi bosqichida o'rganilayotgan tushuncha va u bilan bog'liq ko'nikmalarni o'quvchilarga puxta singdirishni o'z oldiga maqsad qilib qo'yadi. Shu maqsadda matnli matematik

²⁴ The 2013 Stanford-Sylvania Competitive Examination in Mathematics, California Mathematics Council Bulletin, 2013, B). 18, p. 16-17.

masalalarni yechish metodikasi bo'yicha quyidagi vazifalarni bajarishi maqsadga muvofiq:

a) masalani yechishga barcha o'quvchilarni jalb qilib, ular faol ishtirok etishini ta'minlashi;

b) o'qituvchi o'quvchilarning masalalarni yechishlarida mustaqil, ijodiy fikrlashlariga diqqat bilan qarab, masalani qulayroq usulda yechishga intilishlarini har taraflama rivojlantirishi;

c) o'quvchilarning darsda o'rganilgan bilimlaridan foydalanib uyga beriladigan vazifalarni yechish ko'nikmasini shakllantirishi;

d) o'quvchilarga beriladigan misol va masalalar matematikaning fan sifatidagi ahamiyatini va qimmatini ko'rsatadigan mazmunda bo'lishi hamda fanlararo aloqadorlik, o'quv fanining ichki integratsiyasiga alohida e'tibor berishi;

e) beriladigan masalalar o'quvchilarning kundalik hayotida uchraydigan masalalarni yechish ko'nikmasini shakllantirishi kerak.

Avvalo matnli masalalarni yechishga kirishishdan oldin uning turini aniqlash, berilgan masalaning shartlarini analiz qilish, tushunchalarning izomorfligi, proporsiyasi, proporsionalligini aniqlash maqsadga muvofiq. Matnli masalalar turli ob'ektlar uchun tuzilgan bo'lsada, ularni yechish ma'lum qonuniyatlar negizida amalga oshiriladi. Ob'ektlarning umumiy xossalarga ega bo'lishi, ma'lum qonuniyatlarga bo'ysinishi tushunchalarning gomomorf va izomorfligi bilan xarakterlanadi.

Masalan: 1) Bajarilgan ishga oid matnli masalalar fizika kursidagi paralel ulangan qarshiliklarning umumiy qiymatini topish qonuniyati $\frac{1}{R_1} + \frac{1}{R_2} + \dots + \frac{1}{R_n}$ asosida oson yechiladi.

1-masala. Usta muayyan ishni 15 kunda, shogirdi 27 kunda tugatadi. Agar 5 ta usta va 3 ta shogird birga ishlasa shu ishni necha kunda tugatadi.

Yechish: Usta $a_1 = 15$ kunda, shogirdi $a_2 = 27$ kunda tugatsa, ularning birgalikda ish vaqti $a = ?$. Yuqorida keltirilgan qonuniyatga ko'ra:

$$\frac{1}{a} = \left(\frac{1}{a_1} + \frac{1}{a_1} + \frac{1}{a_1} + \frac{1}{a_1} + \frac{1}{a_1} \right) + \left(\frac{1}{a_2} + \frac{1}{a_2} + \frac{1}{a_2} \right) = \frac{5}{a_1} + \frac{3}{a_2} = \frac{1}{3} + \frac{1}{9} = \frac{4}{9}; \quad a = 2\frac{1}{4}.$$

2) Fizika va kimyo kursida aralashmaning konsentratsiyasini topish $x = \frac{x_1 m_1 + x_2 m_2 + \dots + x_n m_n}{m_1 + m_2 + \dots + m_n}$ qonuniyat bilan aniqlanadi, bu yerda m_1, m_2, \dots, m_n - massalar, x_1, x_2, \dots, x_n - konsentratsiyalar, x - yangi hosil bo'lgan aralashmaning konsentratsiyasi. Ushbu qonuniyatdan foydalanib qator matnli masalalarni yechish mumkin.

1-masala. Idishda yog'liligi 92% bo'lgan 120 litr suyuqlik bor. Idishdan suyuqlikning bir necha qismi to'kib yuborildi va o'rniga shuncha yog'liligi 70% bo'lgan

suyuqlik quyildi. Agar hosil bo'lgan suyuqlikning yog'liligi 85% ga teng bo'lsa, idishga qancha suyuqlik quyilgan.

Yechish: Idishga quyilgan suyuqlik x litrga teng bo'lsin, to'kib yuborilgan va quyilgan suyuqliklar teng bo'lgani uchun suyuqlikning umumiy miqdori o'zgarmaydi. Lekin suyuqlikning konsentratsiyasi (yog'liligi) 85% ga tushib qoladi. U holda quyidagi tenglamadan $54\frac{6}{11}$ qiymat topiladi.

Izoh. Umuman olganda, l_0 litr aralashmada k konsentratsiyali modda bo'lsin va undan l litr olinib, o'rni boshqa turdagi modda bilan to'ldirilsin. Bu ish tartibi n marta takrorlansa, u holda shu modda konsentratsiyasi $k_n = k \cdot \left(1 - \frac{l}{l_0}\right)^n$ ga teng bo'ladi²⁵.

3) Matnli masalalarni yechishda analitik metodlarning mazmuni ko'p hollarda tushunchalarning proportsiyasi va proportsionalligiga ham asoslanadi. Bunday matnli matematik masalalar sinfiga foizni topishga doir masalalar, iqtisodiy matematikaga oid masalalar, harakatga va bajarilgan ishga oid masalalar, sonlar, raqamlarga oid masalalar hamda aralash tipdagi masalalarni kiritish mumkin.

1-masala. Ishni usta 10 soatda, shogirdi 15 soatda tugatadi. Usta 2 soat ishlagandan keyin shogirdi unga yordamga keldi. Ular ishni necha soatda birgalikda tugatishgan?

Yechish: Butun ish - A , ustaning 2 soatda bajargan ishi - x bo'lsin. Usta yolg'iz o'zi ishlasa 10 soatda butun A ishni, 2 soatda esa x qismini bajaradi. U holda ularning proportsiyasidan x noma'lumni topish mumkin, $\left[\begin{array}{l} 10 \rightarrow A \\ 2 \rightarrow x \end{array} \right]$ bundan $x = \frac{A}{5}$. Usta 2 soatda

butun ishning beshdan bir qismini bajargan bo'lsa, ishning $A - \frac{A}{5} = \frac{4A}{5}$ qismi shogirdi bilan birgalikda bajarilgan. Agar usta va shogird butun A ishni birgalikda bajarganda $\frac{1}{10} + \frac{1}{15} = \frac{1}{y}$, ya'ni $y=6$ soatda tugatishi mumkin edi. Ish hajmining proportsiyaga asosan usta va shogird butun A ishni birgalikda 6 soatda, usta yolg'iz o'zi 2 soat ishlagandan keyin qolgan ishning $\frac{4A}{5}$ qismini shogirdi bilan birgalikda 7 soatda

²⁵ R. Creighton Buck. A look at mathematical competitions, American Mathematical Monthly, 2011, 66 p. 201-212.

tugatgan. Demak, $\begin{cases} A \rightarrow 6 \\ \frac{4A}{5} \rightarrow z \end{cases}$ ifodaning proporsiyasidan $z = 4\frac{4}{5}$ soatda, aniqrog'i 4 soat

48 minutda ish bajarilganligini ko'rish mumkin.

2-masala. Ish normasini bajarishga ketadigan vaqt 35% ga qisqarsa, mehnat unumdorlik necha foizga oshadi.

Yechish: Fizika kursidan ma'lum bo'lgan $v = \frac{s}{t}$ formulaga ko'ra v - tezlik va t - vaqt o'zaro teskari proporsional. Demak, mehnat unumdorligi va vaqt teskari proporsional (mehnat unumdorligi bu tezlik): Masala sharti bo'yicha $s=1$ proporsionallik koeffitsienti deb olinsa, $v = \frac{1}{t}$ kelib chiqadi. U holda mehnat

unumdorligining foiz hisobida ortishi quyidagi tenglamadan topiladi: $1 - \frac{35}{100} = \frac{1}{1 + \frac{x}{100}}$,

$$x = 53\frac{11}{13}.$$

Demak, mehnat unumdorligi $53\frac{11}{13}\%$ ga ortar ekan.

4) Ba'zi matnli matematik masalalarni yechishda ratsional tengsizlik (tengsizliklar sistemasi) tuzish bilan ham mulohaza yuritiladi.

1-masala. Sotuvchidagi tarozi yelkalari har xil bo'lib, u 1 kg tovarni bir tomonida tortib beradi, yana 1 kg ni ikkinchi tomonida tortib beradi va shu bilan u qilayotgan xatosini yo'qotdim deb hisoblaydi. Shu to'g'rimi?

Yechish: Agar x va y lar tortib berilgan tovar, a va b lar esa tarozi yelkalari bo'lsa, u holda birinchi va ikkinchi tortganda mos ravishda $x \cdot a = 1 \cdot b$ va $y \cdot b = 1 \cdot a$ tengliklar o'rinlidir. Bu erdan $y = \frac{1}{x}$ kelib chiqadi. Shunday qilib, $x + \frac{1}{x}$ kg tovar berilgan, $a \neq b$ bo'lgani uchun $x \neq 1$, demak, $x + \frac{1}{x} > 2$. Javob, xatolik yo'qolmagan.

Izoh. Tarozi yelkalari emas, balki pallalari turlicha bo'lganda edi, bu xatolik yo'qotilgan bo'lar edi.

2-masala. Sayohatchi kuniga bosib o'tishi mumkin bo'lgan mo'ljaldagi yo'lidan 25 km ortiq yura olsa, u 10 kunda 1000 km dan kam yuradi, 15 km dan kam yursa, 15 kunda 1000 km dan ko'p yuradi. Uning mo'ljallab qo'ygan kunlik tezligi qanday oraliqda o'zgaradi?

Yechish: Sayohatchining kunlik tezligi v km|soat demak:

$$\begin{cases} (v + 25) \cdot 10 < 1000 \\ v < 15 \end{cases}$$

Sistemani yechib, $7,5 < v < 81\frac{2}{3}$ km|soat topiladi.

Matnli matematik masalalarni yechishdagi bunday yondashuvlar o'quvchilarni masala yechishga bo'lgan motivatsiyasining rivojlanishi hamda mantiqiy tafakkurini chuqurlashishida ijobiy natijalarni beradi. Xulosa qilib aytish mumkinki, yuqorida keltirilgan metodik mulohazalar matematikani o'rganish jarayonida bog'langan-integrativlik (o'quv fanining ichki bog'liqligi), integrativlik (fanlararo aloqadorlik) ni mustahkamlash uchun foydali imkoniyatlarni yuzaga keltiradi. Yuqorida aytilganlar matematikani hayotning turli sohalariga tatbiq qilish muhim ekanligini tasdiqlaydi. O'quvchilarga amaliy mazmundagi matnli matematik masalalarni yechishni o'rgatish muhim hisoblanadi.

Foydalangan adabiyotlar ro'yxati.

1. Khankulov U. Kh. About the principles of selection of teaching content of stochastic elements of mathematics. Science and world. –Volgograd, Russia, 2018. № 4. –P. 56-57. (Impact Factor 0,325).
 2. The 2013 Stanford-Sylvania Competitive Examination in Mathematics, California Mathematics Council Bulletin, 2013, B). 18, p. 16-17.
 3. R. Creighton Buck. A look at mathematical competitions, American Mathematical Monthly, 2011, 66 p. 201-212.
- основы математического анализа, Для академических лицеев, част 2, Т.: ИЛМ ЗИЁ, 2016. –400 б.
4. Sanjarbek U., Yokutkhon K., Olimakhon K. MODERN PEDAGOGICAL AND INFORMATION-COMMUNICATION TEACHING A FOREIGN LANGUAGE



USING TECHNOLOGY //INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876. – 2022. – Т. 16. – №. 5. – С. 103-108.

5. Ruzmatovich U. S. et al. PROCESSES OF ORGANIZATION OF TECHNICAL, TACTICAL AND PHYSICAL PREPARATION IN NATIONAL WRESTLING TRAINING //INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876. – 2022. – Т. 16. – №. 3. – С. 65-68.

6. Ураимов С. Р. ҲАРБИЙ-ТЕХНИКА ВА ГУМАНИТАР ЛИЦЕЙЛАР ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ //Central Asian Academic Journal of Scientific Research. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 169-175.

7. Матаева Р. С., Дунаев К. Ш., Ураимов С. Р. ФИЗИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА СТАРШЕКЛАССНИКОВ НА ОСНОВЕ СПОРТИВНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ПОДХОДА К ФИЗИЧЕСКОМУ ВОСПИТАНИЮ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ //ББК 75.1 А-43 Ответственный редактор. – 2021. – С. 191.

ISHCHI KUCHIGA TALAB VA TAKLIFNI ISTIQBOLLASHTIRISH

*Farg‘ona davlat universiteti Sirtqi bo‘limi
Ijtimoiy gumanitar fanlar kafedrasida o‘qituvchilari:
Raximova Kizlarxon Ne‘matjon qizi
Axmadaliyeva Mohigul Kadirovna*

Annotatsiya: Ushbu maqolada ishchi kuchi, talab va taklif tushunchalari haqida yoritib berilgan. Shuningdek talab va taklifni ishchi kuchiga o‘zaro bog‘liqligi yozilgan.

Tayanch iboralar: Ishchi kuchi, talab tushunchasi, taklif tushunchasi, bozor iqtisodiyoti, bandlikni ta‘minlash, mehnat resurslari, bandlik va kambag‘allik

Kirish. Ishchi kuchi ([inglizcha: Labor force](#), [nemischa: Erwerbs person enpotenzial](#)) — bu [inson](#) aqliy va jismoniy qobiliyatlarining yig‘indisi [1] bo‘lib, [jamiyatning](#) asosiy ishlab chiqaruvchi kuchi hisoblanadi. Ishchi kuchi [mehnat](#) qobiliyatiga ega bo‘lgan kishilar uchun xosdir. Lekin ishchi kuchi insonning o‘zi emas yoki uning [mehnati](#) ham emas, uning qobiliyatidan iboratdir. Jamiyatning milliy mahsuloti hisobiga [ishlab chiqarishning](#) moddiy-ashyoviy omillariga emas, balki shaxsiy omili, ya‘ni ishchi kuchi ham takror ishlab chiqariladi.

Ishchi kuchining miqdori mamlakat aholisining mehnat faoliyatiga layoqatli bo‘lgan qismi orqali ifodalanib, u ishchi kuchi resurslari deb ham ataladi. Insonning ishchi kuchi resurslari tarkibiga kiritilishining asosiy mezon bo‘lib uning yoshi va mehnatga bo‘lgan qobiliyati hisoblanadi. [2]

Odatda ishchi kuchi resurslari tarkibiga 16 yoshdan 60 yoshgacha bo‘lgan [erkaklar](#), 16 yoshdan 55 yoshgacha bo‘lgan [ayollar](#) kiritiladi. Lekin ijtimoiy ishlab chiqarish va boshqa sohalarida band bo‘lgan nafaqaxo‘rlar ham ishlashi mumkin. Ishchi kuchi resurslarining **faol** va **potensial** qismi farqlanadi. Ijtimoiy ishlab chiqarishda band bo‘lgan shaxslar ishchi kuchi resurslarining **faol qismi** hisoblansa, ishlab chiqarishdan ajralgan holda o‘qiyotganlar va vaqtinchalik uy xo‘jaligida band bo‘lganlar **potensial qismi** hisoblanadi. **Ishchi kuchini takror hosil** qilish insonning jismoniy kuchlari va aqliy qobiliyatlarini uzluksiz qayta tiklab va ta‘minlab turish, ularning mehnat malakasini muttasil yangilab va oshirib borish, umumiy bilim va kasbiy darajasi o‘shirishni ta‘minlash demakdir. Ishchi kuchini takror yaratish xodimlarni ishlab chiqarishga jalb etishni, tarmoqlar, korxonalar, mintaqalar o‘rtasida ishchi kuchi resurslarini taqsimlash va qayta taqsimlashni, ularning xodimlarga bo‘lgan [ehtiyajlari](#) qondirilishini va ayni paytda mavjud ishchi kuchining [ish](#) bilan to‘la va samarali band bo‘lishini ta‘minlaydigan ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmini yaratishni ham o‘z ichiga oladi. Ishchi kuchini takror hosil qilish nisbatan mustaqil iqtisodiy va ijtimoiy muammo bo‘lib, bu muammoning ayrim tomonlari aholining tabiiy harakatlari shaklida namoyon bo‘ladi. Shu sababli ishchi kuchini takror hosil qilishning asosi aholining tabiiy ko‘payishi hisoblanadi.

Ishchi kuchi bozori

Mavjud qonunlikka muvofiq ish bilan bandlik deganda fuqorolarning qonunda taqiqlanmagan va ularga daromad keltiradigan faoliyat turi bilan shug‘ullanishlari tushuniladi. Ko‘pchilik iqtisodiy adabiyotlarda qayd qilinganidek:

“Bandlik mehnat qobiliyatiga ega bo‘lgan va mehnat qilishga ishtiyoqi bor kishilarning ishga joylashib foydali mehnat bilan mashg‘ul bo‘lishlaridir”. Ish bilan band

aholiga yollanib ishlovchilar va o'zlarini mustaqil ravishda ish bilan ta'minlagan shaxslar kiradi. Mehnat insonning mehnat qilish aqliy va jismoniy qobiliyatlarining yig'indisi bo'lib, jamiyatning asosiy ishlab chiqaruvchi kuchidir. Takror ishlab chiqarish faqat ishlab chiqarishning moddiy omili bo'libgina qolmay, balki shaxsiy omil, ya'ni ishchi kuchi jaraenida takror ishlab chiqariladigan.

Ish bilan band bo'lish uchun mehnat qobiliyati, ya'ni mehnat qilish qobiliyati, unga ega bo'lganlar mehnat resurslarini tashkil etishi zarur. Aholining quyidagi guruhlariga O'zbekistonda mehnat resurslari kiradi:

Ish yoshi:

- 16-54 yoshgacha bo'lgan ayollar;
- 16 yoshdan 60 yoshgacha bo'lgan erkaklar.

Mehnat yoshidan katta ishchilar (mehnat pensiyasida).

Balog'atga yetmagan (16 yoshgacha) ishlaydigan o'smirlar.

Mehnat resurslari iqtisodiy faol va iqtisodiy jihatdan yashovchan aholi qatlamlaridan iborat bo'ladi. O'zbekistonda mehnat resurslarining o'rtacha 74-75 foizini xo'jalik faoliyati, 25-26 foizini iqtisodiy nafas olish tashkil etadi. Iqtisodiy faol aholining 95% ga yaqini iqtisodiyotda band. Iqtisodiy nafaol ish bilan band bo'lmagan aholining 57,0% dan ortig'ini, 43,0% ga yaqini esa mehnatga layoqatli yoshdagi o'quvchilar va ishlab chiqarishdan ajralgan holda ta'lim olayotganlar, iqtisodiy faol aholi qatlamini esa yalpi ishchi kuchi tashkil etadi. Yalpi ishchi kuchining miqdoriy o'lchovi – mehnatga layoqatli odamlarning (mehnat resurslari) umumiy soni.

Yalpi ishchi kuchining sifat o'lchovi esa ularning bilim, malaka, ko'nikma, malakalari va ish tajribalarining o'rtacha ko'rsatkichlarida mujassamlashadi.

Mehnat resurslari, boshqa resurslar singari, tor va keng ma'noda ko'rib chiqilishi mumkin bo'lgan qayta-qayta muomala qilinishi kerak.

Ishchi kuchini tor ma'noda qayta kiyinish-bu insonning jismoniy va aqliy qobiliyatlarini doimiy ravishda kengaytirilgan tarzda tiklash, ularning mehnat ko'nikmalarini, umumiy bilimlarini, kasbiy tayyorgarlik darajasini yangilash va rivojlantirishni va ishchi avlodni tayyorlashni o'z ichiga olgan jarayon.

Keng ma'noda ishchi kuchini qayta xosil qilish demakdir:

- aholining tabiiy harakati, tabiiy o'sishi uchun umumiy sharoit yaratish;
- xodimlarni ishga qabul qilish va ishlab chiqarishga chiqarish;
- mehnat resurslarining tarmoqlar, tarmoqlar va hududlar o'rtasida taqsimlanishi va qayta taqsimlanishi;
- aholining ijtimoiy, ma'naviy va madaniy ehtiyojlarini qondirish;
- ishchi kuchining to'liq va samarali bandligini ta'minlash.

Har bir milliy iqtisodiyotning asosiy maqsadlaridan biri bandlikni to'la ta'minlashdir. Shuningdek, u" to'liq ish bilan ta'minlash "va"samarali yoki oqilona ish bilan ta'minlash"ni belgilaydi [7,8,9,10].

To'liq ish bilan ta'minlash, ishlashga qodir va ishlashni istaganlarning barchasi ish bilan ta'minlanganligini anglatadi. Shuningdek, to'liq bandlik, bir tomondan, iqtisodiyotda ishsizlikning tabiiy darajasi mavjudligini inkor etmaydi, boshqa tomondan, bu barcha mehnatga layoqatli odamlar ishlab chiqarishga jalb qilinishi kerak degani emas.

Bandlik hajmi bo'yicha qancha odam va qancha vaqt ish bilan shug'ullanishini anglatadi. Sifatni ta'minlashdan esa, ishlagan vaqt davomida qancha tovar va xizmatlar

yaratilishi, ular qanday narxda sotilishi va natijada qancha pul ishlab topilishini anglatadi. To'liq ish bilan ta'minlash, belgilangan ish kuni, hafta yoki ish oyi davomida doimo ish bilan ta'minlanishini anglatadi. Agar ish bo'lsa to'liq bandlik mavjud bo'ladi 7 shu kuni soat, 5 ish hafta, 22 bir oy ichida ish kuni, jami 154 soat ($7 \times 22 = 154$) va tegishli haq olish. Kuniga 5 soat, haftasiga 4 kun, oyiga 80 soat ishlansa, to'liqsiz ishlagisi keladi.

Mehnatga talab ko'rsatkichlari

Talab statistikasini o'rganishni bevosita korxonalar va tashkilotlardan to'plangan ma'lumotlar asosida quyidagi ko'rsatkichlar bo'yicha axborot berish orqali tashkil etish maqsadga muvofiqdir:

- hisobot davridagi bo'sh ish o'rinlari soni (kerakli xodimlar);
- yil boshidan band bo'lgan bo'sh ish o'rinlari;
- hisobot yili oxiridagi bo'sh ish o'rinlari (kerakli xodimlar)soni;
- yilning yaqin chegarasida qo'shimcha ish o'rinlari (kutilayotgan bo'sh ish o'rinlari)soni.

Statistika ushbu ma'lumotlardan ishchi kuchining qo'shimcha talab va taklifi o'rtasidagi nisbatni ifodalash uchun foydalanadi. Qoidaga ko'ra, mehnat birjalarida ro'yxatga olingan bo'sh ish o'rinlari soni dinamikasi ishsizlar soni dinamikasiga teskari bo'ladi. Barcha mamlakatlarda ishsizlar soni ko'payadi va bo'sh ish o'rinlari va lavozimlar soni kamayadi [11,12,13,14].

Statistika ish bilan band bo'lgan va ishsizlar soni, tuzilishi va dinamikasini, shuningdek bo'sh ish o'rinlarining mavjudligi va tuzilishini o'rganishdan tashqari, ish bilan bandlikni kengaytirish va ishsizlikni kamaytirishga qaratilgan faoliyatning miqdoriy tomonini ham aks ettiradi. Ushbu tadbirlarga quyidagilar kiradi:

- ish bilan band bo'lganlar va ishsizlar soni, tuzilishi va dinamikasini, shuningdek bo'sh ish o'rinlarining mavjudligi va tuzilishini o'rganishdan tashqari, statistika ish bilan bandlikni kengaytirish va ishsizlikni kamaytirishga qaratilgan faoliyatning miqdoriy tomonlarini ham aks ettiradi. Ushbu tadbirlarga quyidagilar kiradi:

- tadbirkorlar uchun qo'shimcha ishchi kuchi yollagan hollarda ijtimoiy to'lovlarni kamaytirish;

- kichik oilaviy korxonalarini tashkil etishda ishsiz yoki singan tadbirkorlarga davlat yordami ko'rsatish (bunday hollarda ularga pul yordami va bepul maslahatlar beriladi);

- yosh tadbirkorlar tomonidan davlat tomonidan bepul yoki kredit shaklida amalga oshiriladigan xodimlarni tayyorlash va qayta tayyorlash, buning uchun davlat ularga soliqni kamaytirish shaklida imtiyozlar beradi;

- Ishsizlarni kundan-kunga mablag ' bilan ta'minlash uchun maxsus ishlab chiqilgan jamoat ishlarini tashkil etish;

- ichki va tashqi immigratsiyada yordam;

- qoloq hududlarni rivojlantirish va qishloq xo'jaligi sohasini rivojlantirish dasturlarini ishlab chiqish;

- pensiya yoshidagi shaxslarni ishdan bo'shatishni rag'batlantirish;

- tegishli ta'lim va kasb tayyorgarligiga ega bo'lmagan yoshlarni ish bilan ta'minlashni rag'batlantirish.

Xulosa va takliflar

Ehtiyoj kishilarning hayotiy vositalariga bo'lgan zaruriyatini ifodalovchi ilmiy kategoriya sifatida taraqqiyotning hamma bosqichlari uchun umumiy va doimiydir.

Uning [bozor iqtisodiyoti](#) sharoitidagi tarixiy ko‘rinishi talab tushunchasidir. Talab ehtiyojdan farq qilib, mustaqil iqtisodiy kategoriya (ilmiy tushuncha) sifatida amal qiladi.

Ehtiyojning faqat [pul](#) bilan ta‘minlangan qismi talabga aylanadi. Demak, **talab — bu pul bilan ta‘minlangan ehtiyojdir.** [Ehtiyoj](#) zarur miqdordagi [pul](#) bilan ta‘minlanmasa, u "xohish", "istak" bo‘lib qolaveradi. Talabning bir qator muqobil variantlari mavjud bo‘ladi, chunki [narx](#) o‘zgarishi bilan tovarning sotib olinadigan miqdori ham o‘zgaradi. Shu bog‘liqlikdan kelib chiqib, talabga quyidagicha ta‘rif berish mumkin: **ma‘lum vaqt oralig‘ida, narxlarning mavjud darajasida iste‘molchilarning tovar va xizmatlar ma‘lum turlarini sotib olishga qodir bo‘lgan ehtiyoji.**

Ma‘lum vaqt oralig‘idagi [narxlarning](#) muayyan darajasida [ishlab chiqaruvchi](#) yoki [sotuvchilar](#) tomonidan ma‘lum turdagi [tovar](#) va [xizm tlarining](#) daromad va foyda olish maqsadida [bozorga](#) chiqarilgan miqdoriga taklif deyiladi. [Narx](#) o‘zgarishi bilan sotishga chiqariladigan mahsulot miqdori ham o‘zgarishi sababli talab kabi taklifning ham bir qator muqobil variantlari mavjud bo‘ladi. Taklif narxlarning turli darajasida qancha miqdordagi mahsulotning sotishga chiqarilishini ko‘rsatadi. [Narxning](#) oshishi bilan shunga mos ravishda sotishga chiqariladigan tovarlar taklifi miqdori ham ortadi, narxning tushishi bilan taklif hajmi qisqaradi.

Talab tushunchasi va uning miqdoriga ta‘sir qiluvchi omillar. Talab qonuni Biz ehtiyoj tushunchasi haqida dastlabki bobda ga‘irgan edik. Ehtiyoj kishilarning hayotiy vositalariga bo‘lgan zaruriyatini ifodalovchi ilmiy kategoriya sifatida taraqqiyotning hamma bosqichlari uchun umumiy va doimiydir. Uning bozor iqtisodiyoti sharoitidagi tarixiy ko‘rinishi talab tushunchasidir. Talab ehtiyojdan farq qilib, mustaqil iqtisodiy kategoriya (ilmiy tushuncha) sifatida amal qiladi. Ehtiyojning faqat ‘ul bilan ta‘minlangan qismi talabga aylanadi. Demak, talab – bu ‘ul bilan ta‘minlangan ehtiyojdir. Ehtiyoj zarur miqdordagi ‘ul bilan ta‘minlanmasa, u «xohish», «istak» bo‘lib qolaveradi. Talabning bir qator muqobil variantlari mavjud bo‘ladi, chunki narx o‘zgarishi bilan tovarning sotib olinadigan miqdori ham o‘zgaradi. Shu bog‘liqlikdan kelib chiqib, talabga quyidagicha ta‘rif berish mumkin: ma‘lum vaqt oralig‘ida, narxlarning mavjud darajasida iste‘molchilarning tovar va xizmatlar ma‘lum turlarini sotib olishga qodir bo‘lgan ehtiyoji talab deyiladi. Boshqacha qilib aytganda talab – ‘ul bilan ta‘minlangan ehtiyojdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Iqtisodiyot nazariyasi. o‘quv qo‘llanma. Toshkent-2007 Sh.Sh.Shodmonov
2. «Bozor iqtisodiyoti asoslari». Toshkent: «Fan»-1999 yil. Usmonov S.N., Dodoboev YU.T.
3. «Bozor iqtisodiyoti asoslari». Toshkent: «Mehnat»-1997 yil. Abdullaev Yo.
4. «Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi». Toshkent: «O‘qtuvchi»-2001 yil. Abdurahmonov Q.H., Bozorov N., Volgin N va boshqalar.
5. «Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi» Toshkent-2004 yil. Shodmonov Sh. va boshqa Abdurahmonov. Q., Holmo‘minov Sh.R.
6. Iqtisodiyot nazariyasi, T., 2003; Tojiboyeva D., Iqgisodiyot nazariyasi, T., 2003. Ahmadjon O‘lmasov, Muxtor Rasulov.
7. Sanjarbek U., Yokutkhon K., Olimakhon K. MODERN PEDAGOGICAL AND INFORMATION-COMMUNICATION TEACHING A FOREIGN LANGUAGE

USING TECHNOLOGY //INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793

Impact Factor: 6.876. – 2022. – Т. 16. – №. 5. – С. 103-108.

8. Ruzmatovich U. S. et al. PROCESSES OF ORGANIZATION OF TECHNICAL, TACTICAL AND PHYSICAL PREPARATION IN NATIONAL WRESTLING TRAINING //INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876. – 2022. – Т. 16. – №. 3. – С. 65-68.

9. Ураимов С. Р. ҲАРБИЙ-ТЕХНИКА ВА ГУМАНИТАР ЛИЦЕЙЛАР ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ //Central Asian Academic Journal of Scientific Research. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 169-175.

10. Матаева Р. С., Дунаев К. Ш., Ураимов С. Р. ФИЗИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА СТАРШЕКЛАСНИКОВ НА ОСНОВЕ СПОРТИВНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ПОДХОДА К ФИЗИЧЕСКОМУ ВОСПИТАНИЮ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ //ББК 75.1 А-43 Ответственный редактор. – 2021. – С. 191.

11. Sanjarbek U., Yokutkhon K., Olimakhon K. MODERN PEDAGOGICAL AND INFORMATION-COMMUNICATION TEACHING A FOREIGN LANGUAGE USING TECHNOLOGY //INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876. – 2022. – Т. 16. – №. 5. – С. 103-108.

12. Ruzmatovich U. S. et al. PROCESSES OF ORGANIZATION OF TECHNICAL, TACTICAL AND PHYSICAL PREPARATION IN NATIONAL WRESTLING TRAINING //INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876. – 2022. – Т. 16. – №. 3. – С. 65-68.

13. Ураимов С. Р. ҲАРБИЙ-ТЕХНИКА ВА ГУМАНИТАР ЛИЦЕЙЛАР ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ //Central Asian Academic Journal of Scientific Research. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 169-175.

14. Матаева Р. С., Дунаев К. Ш., Ураимов С. Р. ФИЗИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА СТАРШЕКЛАСНИКОВ НА ОСНОВЕ СПОРТИВНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ПОДХОДА К ФИЗИЧЕСКОМУ ВОСПИТАНИЮ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ //ББК 75.1 А-43 Ответственный редактор. – 2021. – С. 191.



Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligi hududida tarqalgan umurtqasiz hayvonlar asosiy turlarining bioekologiyasi va trofik aloqalari.

Биоэкология и трофические взаимоотношения основных видов беспозвоночных, распространенных на территории Центрально-Ферганского памятника природы.

Bioecology and trophic relations of the main species of invertebrates distributed in the territory of the Central Fergana Natural Monument.

Farg'ona davlat universiteti Sirtqi bo'lim

Aniq va tabiiy fanlar kafedrasi o'qituvchisi

Xilola Tuychiyeva Zokirjon qizi

tuychiyevafdu1993@gmail.com

+99899 300 49 43

ANNOTATSIYA

Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligi faunasi juda qadimiy bo'lib, turlarga boy hududlardan biri sanaladi. Bu yerda keng tarqalgan, kelib-ketuvchi, kamayib borayotgan va noyob turlar farqlanadi. Shuningdek, endemik va avtohton turlar o'ziga xos ahamiyatga ega. Ushbu maqolada Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligi faunasining tur tarkibi, asosiy turlarning bioekologiyasini o'rganish, trofik aloqalarini tahlil etish, ho'jalik ahamiyatini yoritib berish hamda va muhofaza chora-tadbirlariga doir ilmiy asoslangan tavsiyalar haqida ma'lumot berilgan.

Kalit so'zlar: Tabiat yodgorligi, cho'l, trofik aloqa, fauna, bioekologiya, zahkash, eshakqurtlar, chayonlar (Scorpiones), falangalar (Solifugae), ko'poyoqlilar (Myriopoda), ninachilar (Odonata), chala qattiqqanotlilar (Hemiptera), teng qanotlilar (Isoptera), beshiktervatarlar (Mantoptera), qattiq qanotlilar (Coleoptera), ikki qanotlilar, parda qanotlilar, tiniq qanotlilar – Tortricidae, yirik turli qanotlilar – Macrofrenata, tangacha qanotlilar.

АННОТАЦИЯ

Животный мир Центрально-Ферганского природного памятника очень древний и считается одним из богатых видами регионов. Здесь выделяют обычные, эндемичные, исчезающие и редкие виды. Также особое значение имеют

эндемичные и автохтонные виды. В данной статье приведены сведения о видовом составе фауны Центрально-Ферганского памятника природы, изучение биоэкологии основных видов, анализ трофических взаимоотношений, значение ходжи, научно обоснованные рекомендации по мерам охраны.

Ключевые слова: Памятник природы, пустыня, трофическая связь, фауна, биоэкология, жуки, осы, скорпионы (Scorpiones), фаланги (Solifugae), многоножки (Myriopoda), стрекозы (Odonata), малые зимостойкие (Hemiptera), даже крылатые (Isoptera), бесшиктерватеры (Mantoptera), жесткокрылые (Coleoptera), двукрылые, вуалекрылые, яснокрылые - Tortricidae, крупные многокрылые - Macrofrenata, мелкокрылые.

ANNOTATION

The fauna of the Central Fergana Natural Monument is very ancient and is considered one of the regions rich in species. Common, endemic, endangered and rare species are distinguished here. Also, endemic and autochthonous species are of special importance. This article provides information on the species composition of the fauna of the Central Fergana natural monument, the study of the bioecology of the main species, the analysis of trophic relationships, the importance of hoja, and scientifically based recommendations on conservation measures.

Key words: Natural monument, desert, trophic relationship, fauna, bioecology, beetles, wasps, scorpions (Scorpiones), phalanges (Solifugae), millipedes (Myriopoda), dragonflies (Odonata), small hardy (Hemiptera), even-winged (Isoptera), beshiktervaters (Mantoptera), hard-winged (Coleoptera), two-winged, veil-winged, clear-winged - Tortricidae, large multi-winged - Macrofrenata, small-winged.

Tabiat yodgorligi Markaziy Farg'onadagi Qoraqolpoq cho'lining shimoli sharqiy qismida, Tolquduqqum (Sarsonqum) massivida, Farg'ona viloyati Yozyovon tumani hududida, tuman markazidan shimoliy g'arbda joylashgan.

Tabiat yodgorligi tarkibiga «Tolquduqqum» ovchilik xo'jaligi (1300 ga) va filtratsiya zonasi (1200 ga), hamda qo'riqxonada hududiga nisbatan turli masofada joylashgan kichik qumliklar kiritiladi. Tabiat yodgorligi tashkil etilgandan buyon cho'ldagi biologik xilma-xillikni qayta tiklanishida muhim vazifani bajarmoqda.

Tabiat yodgorligining xududidagi qumlar asosan Sirdaryoning qadimgi allyuvial yotqiziqalaridan hosil bo'lgan.

Tabiat yodgorligining xududi subtropik mintaqaning kontinental cho'l iqlimida joylashib, uning qishi sovuqroq (-4°), yozi esa issiq ($28-30^{\circ}\text{S}$) va quruq bo'ladi. Atmosfera yog'inlari asosan bahor va qish oylarida tushadi.

Yanvar oyida havoning harorati 0° dan pastga tushadi. Markaziy Farg'onada tog'lardan esadigan sovuq havo to'planib haroratni ancha pasaytiradi. Shimol va shimoli-sharqdan vodiya kirib kelgan sovuq havo massalari havo haroratini -30° gacha pasaytiradi. Janubdan tropik havosi yetib kelganida esa qish faslida havo haroratini $+15^{\circ}$ gacha ko'tarib yuborishi mumkin.

Yoz fasli issiq bo'ladi va uzoq davom etadi. Mutloq havo harorati $42-44^{\circ}$ gacha ko'tariladi. Sutkalik havo harorati (farqi) katta bo'ladi, ya'ni kunduzgi havo harorati ancha yuqori bo'lsa, kechalari havo ochiq paytlarida havo harorati ikki va undan barobarga pasayishi mumkin. Yodgorlik hududida yil davomida quyoshli kunlar miqdori ko'p bo'ladi. Quyosh o'rtacha 2600-2700 soat nur sochib turadi. Shu sababli bu yerda quyosh radiatsiyasi miqdori ancha kattadir. Radiatsiyaning katta qismi yoz oylariga to'g'ri kelganidan ob-havo kam o'zgaradi. Qishda esa, quyosh radiatsiyasi susayadi va vodiya kirib kelayotgan har bir havo massasi havo haroratini va umuman ob-havoni tez o'zgartiradi. Bundan tashqari, noyabrdan to fevralning o'rtalarigacha yerning nur sochish yo'li bilan yo'qotadigan issiqligi unga quyoshdan kelgan issiqlikdan oshib ketishidan ham qishni sovuq bo'lishiga ma'lum darajada sababchi bo'ladi.

Yanvar oyida havoning harorati 0° dan pastga tushadi. Markaziy Farg'onada tog'lardan esadigan sovuq havo to'planib haroratni ancha pasaytiradi. Shimol va shimoli-sharqdan vodiya kirib kelgan sovuq havo massalari havo haroratini -30° gacha pasaytiradi. Janubdan tropik havosi yetib kelganida esa qish faslida havo haroratini $+15^{\circ}$ gacha ko'tarib yuborishi mumkin (1-jadval).

1-jadval

Tabiat yodgorligi xududida o'rtacha oylik va yillik

havo harorati, yog'in miqdori

| Oylar | Qo'qon (408 m) | | Talikyakkatut (514 m) | |
|-----------|--------------------------------------|------------|--------------------------------------|---------------|
| | Havo harorati, $^{\circ}\text{S}$ | Yog'in, mm | Havo harorati, $^{\circ}\text{S}$ | Yog'in, mm |
| I | -2,3 | 16 | -3,8 | 23 |
| II | 1,2 | 13 | -0,2 | 31 |

| | | | | |
|-------------|------|-----|------|-----|
| III | 8,4 | 20 | 8,0 | 21 |
| IV | 16,0 | 13 | 15,4 | 15 |
| V | 21,6 | 12 | 21,5 | 11 |
| VI | 25,6 | 8 | 25,7 | 13 |
| VII | 27,5 | 3 | 28,1 | 3 |
| VIII | 25,6 | 2 | 26,2 | 2 |
| IX | 19,9 | 1 | 20,1 | 2 |
| X | 12,6 | 9 | 12,8 | 4 |
| XI | 5,5 | 14 | 5,0 | 17 |
| XII | 0,6 | 13 | 0,4 | 24 |
| Yil | 13,5 | 124 | 13,3 | 166 |

Yoz fasli issiq bo‘ladi va uzoq davom etadi. Mutloq havo harorati 42-44⁰ gacha ko‘tariladi. Sutkalik havo harorati (farqi) katta bo‘ladi, ya’ni kunduzgi havo harorati ancha yuqori bo‘lsa, kechalari havo ochiq paytlarida havo harorati ikki va undan barobarga pasayishi mumkin.

Yillik yog‘in miqdori 130-140 mm ga boradi.

Shamollar rejimi Markaziy Farg‘ona shamollar rejimi bilan uzviy bog‘langan. Vodiyning g‘arbiy qismi ochiq bo‘lganligidan «Qo‘qon shamoli» yodgorlik hududiga to‘siqsiz yetib keladi. Kuchli shamollar ko‘proq bahor va kuzda esadi. Ko‘proq g‘arbdan esuvchi shamollar ustunlik qiladi.

Yodgorlik hududining geologik tuzilishi va rel‘efining asosiy hususiyatlari eng avvalo Markaziy Farg‘ona hamda Farg‘ona vodiysining geologo-geomorfologik tuzilishi va rivojlanish tarixi bilan uzviy bog‘langan. Yodgorlik hududi tektonik jihatdan O‘rta Farg‘ona blokli zaminda (Richkov, 1962) yoki Markaziy Farg‘ona tektonik zonasida (Hojiev, Azimov, 1965) joylashgan.

Markaziy Farg‘onaning o‘zi yaxlit holda deyarli hamma tomondan tektonik uzilma va yoriqlar bilan chegaralanadi. Markaziy Farg‘ona tektonik zonasida geofizik usullar asosida Qoraqalpoq, Qorajiyda, Mingbuloq, Qo‘qon, Buvayda, Gumhona va boshqa tektonik ko‘tarilmalar borligi aniqlangan.

Farg'ona vodiysining hayvonot olamini tadqiq etish hozirga qadar soha olimlarini qiziqtirib kelgan. Jumladan, bu borada T.Z. Zohidov (1965), O.P.Bogdanov, R.N. Melenbursev (1969), G.K. Komilov (1964), O.Mavlonov (1988), V.A.Moiseev (1996), V.A.Moiseev, A.G. Davletshina (1997), J.A.Azimov va boshqalar (2006) ishlari alohida ahamiyatga ega bo'ldi.

Bogdanovning "O'zbekistonning hayvonot dunyosi" (1969) nomli asari respublikamiz faunasiga oid dastlabki yirik asarlardan biri xisoblanib, unda Markaziy Farg'onaning ayrim hayvonlari ham qayd etilgan [6].

Bu borada T.Z.Zohidovning "Zoologiya ensiklopediyasi" (1965) nomli yirik asarini ham ta'kidlash o'rinli. Mazkur asar chop etilgandan 3 yil keyin T.Z.Zoxidov hamda R.N. Melenbursevlar hammualliflikda "Природа и животный мир средней Азии" (1969) nomli keng qamrovli asarini taqdim etishdi. Ushbu asarda ham ayrim cho'l hayvonlarining Markaziy Farg'ona hududida uchrashi haqida ma'lumotlar keltirilgan [10], [11].

Yuqoridagilar asosida ta'kidlash mumkinki, bir qator olimlar tomonidan yurtimiz faunasi, shu jumladan, Farg'ona vodiysi hayvonlarini o'rganishga doir izlanishlar olib borilgan. Lekin, Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligi hududida tarqalgan umurtqali hamda umurtqasiz hayvonlarning tur tarkibi, biologiyasi, ekologik xususiyatlari, trofik aloqalari hamda ho'jalik ahamiyatiga doir keng qamrovli tadqiqotlar natijalari yoritilmagan.

Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligida umurtqasiz hayvonlardan - zahkashlar (Oniscoidea), ya'ni eshakqurtlar, chayonlar (Scorpiones), falangalar (Solifugae), ko'poyoqlilar (Myriopoda), ninachilar (Odonata), chala qattiqqanotlilar (Hemiptera), teng qanotlilar (Isoptera), beshiktervatarlar (Mantoptera), qattiq qanotlilar (Coleoptera), ikki qanotlilar, pardaqanotlilar, tiniq qanotlilar – Tortricidae, yirik turli qanotlilar – Macrofrenata, tangachaqanotlilarning vakillari nisbatan keng tarqalgan.

Tabiat yodgorligida cho'l temirchagi (cho'l chirildog'i) – Sago pedo (Pallas, 1771), ajriqxo'r karmin beruvchi qurt – Rorphyrophora cynodontis (Archangelsckaya, 1935), achchiqmiyaxo'r karmin beruvchi qurt – Porphyrophora sophorae (Archangelskaja, 1935), turkiston skarati – Skarites turkestanicus (Heyden, 1884), to'qay tasmaqanoti – Catocala remissa Standinger, 1892, to'rang'i arvoq kapalagi – Laothoe philerema (Djakonov, 1923) kabi muhofazaga muxtoj turlar mavjud.

Cho'l temirchagi (cho'l chirildog'i) – Sago pedo (Pallas, 1771).

To'g'riqanotlilar turkumi asl temirchaklar oilasining vakili. Markaziy Farg'onaning butazorlarida uchraydi. Yiliga bir marta nasl beradi. Tuproqqa qo'ygan

tuxumlari qishlaydi. Yirtqich, har xil zararkunanda hasharot va ularni lichinkalari bilan ovqatlanadi.

Ajriqxo‘r karmin beruvchi qurt – Rorphyrophora cynodontis (Archangelsckaya, 1935)

Hasharotlar sinfining teng qanotlilar turkumi karmin beruvchi qurtlar oilasiga kiradi. Markaziy Farg‘ona tabiat yodgorligida qum-tuproqli va sho‘r qoplagan joylaridagi ajriqlarning yer osti qismlarida uchraydi. Ko‘payishi sentyabr oylarida bo‘lib, birinchi yoshdagi lichinkalari qishlaydi. Karmin - qirmizi rang bo‘yoq olishda foydalaniladi. Farg‘ona vodiysidan tashqari Samarqand viloyatida ham uchraydi.

Achchiqmiyaxo‘r karmin beruvchi qurt – Porphyrophora sophorae (Archangelskaja, 1935)

Yashash tarzi ajriqxo‘r qurtga o‘xshaydi. Markaziy Farg‘ona tabiat yodgorligida qumoq tuproqli va sho‘r yerlardagi achchiqmiya va qizilmiya tomirlarida hayotini o‘tkazadi. Qirmizi rang bo‘yoq olishda foydalaniladi. Keyingi yillar ichida keskin kamayib ketgan vakillardan hisoblanadi.

Fedchenko yirtqichchasi – Redivius fedtschenkianus (Oshanin, 1871)

Yarim qattiqqanotlilar turkumi, yirtqichchalar oilasining vakili. Markaziy Farg‘ona tabiat yodgorligi qum-tuproqli yerlarida kemiruvchilar uyalarida yashaydi. Jinsiy voyaga yetgan hasharotlar aprel-may oylarida aktiv bo‘ladi. Mazkur yirtqichning rivojlanish davri ikki yil. Xilma-xil hasharot va ularning lichinkalari bilan oziqlanadi. Soni keyingi o‘n yilliklarda hamma joyda kamayib ketgan. O‘zbekistonda Farg‘ona vodiysidan tashqari Buxoro, Samarqand, Jizzax va Qashqadaryo viloyatlarida ham uchraydi. Bu tur Tojikiston Qizil kitobiga kiritilgan.

Bogdanov yirtqichchasi – Stenolemus bogdanovi (Oshanin, 1896)

Biologiyasi kam o‘rganilgan tur. Yirtqich mayda bo‘g‘imoyoqlilar bilan oziqlanadi. Katta formalari qishlaydi. Markaziy Farg‘ona tabiat yodgorligida qumliklarda kemiruvchilar uyalarida uchraydi.

Galateya – Cicindela galatea Theime, 1881

Qattiqqanotlilar turkumi, toshqollar oilasining vakili. Farg‘ona vodiysining endemik turi cho‘l landshaftlarida tarqalgan. Markaziy Farg‘ona tabiat yodgorligida nisbatan kam tarqalgan turlardan hisoblanadi. Kam o‘rganilgan turlardan. Jinsiy voyaga yetganlari iyunda aktivlashadi. Yiliga bir marta nasl beradi. Yirtqich, mayda zararkunanda hasharotlarni qirib foyda keltiradi.

Turkiston skarati – Skarites turkestanicus (Heyden, 1884)

Qo'ng'izlar turkumining vakili. Farg'ona vodiysi markaziy qismidagi cho'llarning qum massivlari, qum tepaliklari o'rtasidagi botiq yerlar, shu jumladan, Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligi qumliklarida yashaydi. Yo'q bo'lib ketish arafasida turgan hasharotlardan. Yiliga bir marta nasl beradi. Aprel-may oylarida voyaga yetganlari oqshom paytida harakatchan bo'ladi. Yirtqich, mayda hasharotlar va ularning lichinkalari bilan oziqlanadi. Markaziy Farg'onaning endemik turlaridan hisoblanadi.

Sulaymon tilla qo'ng'izi – *Ancylocheria solomonii* Thomson, 1758

Tilla qo'ng'izlar oilasining vakili. Asosan Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligiga chegaradosh hududlarda tekisliklardagi zovurlar bo'ylarida, aholi yashaydigan joylar yaqinidagi terakzorlarda yashaydi. Voyaga yetganlari may-iyun oylarida uchraydi. Lichinkalari chiriyotgan eski teraklarni iste'mol qilib rivojlanadi. Terakzorlarning qisqarishi natijasida soni keskin kamayib ketgan.

To'qay tasmaqanoti – *Catocala remissa* Standinger, 1892

Kapalaklar turkumi tunlamalar oilasining vakili. Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligiga chegaradosh hududlarda yashaydi. Iyun-iyul oylarida katta formalari uchraydi. Yiliga bir marta nasl beradi. Lichinkalari terak daraxtlarining bargini iste'mol qilib rivojlanadi va qishlaydi. Keyingi yili qo'shimcha ovqatlanib voyaga yetadi. Ularning soni keskin kamayishiga sabab, xo'jalik maqsadlarida tabiat yodgorligining o'zlashtirilishidir.

To'rang'i arvoh kapalagi – *Laothoe philerema* (Djakonov, 1923)

Kapalaklarning arvoh kapalaklar oilasi vakili. Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligi hududida to'rang'illi to'qay daraxtlarida yashaydi. Yozda ikki marta nasl beradi. Aprel-may oylaridan uchib chiqadi va tuxum qo'yadi. Populyasiyasi uncha katta emas. Kam uchraydigan turlardan.

To'qay tasmaqanoti – *Catocala remissa* Standinger, 1892

Kapalaklar turkumi tunlamalar oilasining vakili. Tabiat yodgorligi hududida to'rang'illi to'qay daraxtlarida yashaydi. Iyun-iyul oylarida katta formalari uchraydi. Yiliga bir marta nasl beradi. Lichinkalari turang'i daraxtlarining bargini iste'mol qilib rivojlanadi va qishlaydi. Keyingi yili qo'shimcha ovqatlanib voyaga yetadi. Ularning soni keskin kamayishiga sabab, xo'jalik maqsadlarida Markaziy Farg'ona cho'llarining o'zlashtirilishidir.

Zahkashlar (Oniscoidea), ya'ni eshakqurtlar quruqlikda yashashga moslashgan qisqichbaqasimonlardir. Zahkashlar o'simlik qoldiqlari bilan oziqlanadi. Ular o'simlik qoldiqlarini parchalab, tuproqni chirindi moddalarga boyitadi. Zahkashlar in qazish bilan tuproqni yumshatib, g'ovak qiladi; tuproq qatlamlarini aralashtiradi. Zahkashlar qayta

ishlagan tuproqlar suvni yaxshi o'tkazadi. Ularda nafas olish jarayoni turlicha kechadi. Bir qancha turlari jabralar yordamida nafas oladi. Ularning jabra bo'shlig'ida doimo suv saqlanib turadi. Birmuncha quruq iqlimda yashaydigan zahkashlarning qorinoyoqlari asosida chuqurchalar bor. Bu chuqurchalardan ichki organlarga mayda naychalar tarqalgan. Chuqurchalarga kirgan kislorod shu naychalar orqali organlarga o'tadi. Naychalar tuzilishiga ko'ra traxeyalarga o'xshab ketadi. Shuning uchun ular soxta traxeyalar deb ataladi. Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligida uchrovchi cho'l zahkashlarida bunday soxta traxeya naychalari ancha yirik bo'ladi. Tabiat yodgorligida yashaydigan zahkashlar 60-100 sm chuqurlikda in quradi. Inda yil davomida deyarli bir xil harorat (+10° - +25°S) va namlik saqlanadi.

Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligida o'rgimchaksimonlarning o'rgimchaklar, chayonlar, pichano'rarlar, qiloyoqlilar, kanalar turkumlari vakillari nisbatan keng tarqalgan.

Chayonlar (Scorpiones) turkumi. Sariq chayonning tanasi 10 sm uzunlikda bo'lib, qo'ng'ir rangda bo'ladi. Lekin qora rangli chayon ham uchraydi. Bo'g'imli oyoqlardan iborat tanasi bosh-ko'krak va qorin qismlarga bo'linadi. Qorin qismining o'zi ham ancha keng bo'g'imlardan tuzilgan oldingi va ensiz bo'g'imlardan iborat keyingi qismlarga ajraladi. Keyingi qorinning eng oxirgi bo'g'imida zahar ishlab chiqaradigan bir juft bezi va nashtari joylashgan.

Chayonlar hasharotlarni va o'rgimchaklarni tutib yeydi. Oziqlanish uchun kechalari ovga chiqadi, kunduzlari kemiruvchilar inida va boshqa pana joylarda yashirilib yotadi. O'ljasini ushlash uchun oyoq paypaslagichlarining uchidagi qisqichlaridan foydalanadi. Qisqichlari yordamida tutgan o'ljasini tepaga ko'tarib turib, nashtarini sanchib zahar yuboradi. So'ngra o'ldirilgan o'ljasining tanasini so'rib oziqlanadi. Chayonlar o'z nashtaridan faqat o'zini himoya qilish va oziqlanish uchun foydalanadi. Ular bezovta qilingandagina odamni chaqadi.

Falangalar (Solifugae). Tanasi ancha yirik (5-7 sm ga yetadi). Bosh-ko'krak bilan qorin qismi o'rtasida 2 ta erkin bo'g'imi bor. Qorin qismi 10 ta bo'g'imdan iborat. Gavdasi qo'ng'ir rangda bo'lib, usti o'siq tukchalar bilan qoplangan. Falangalar yirtqich, hasharotlar bilan oziqlanadi, ba'zan kichik kaltakesaklarga ham hujum qilishi mumkin. Ularning zahar bezlari bo'lmaydi.

Ko'poyoqlilar (Myriopoda). Ular tabiat yodgorligida asosan kechasi faol hayot kechiradi; kunduzi yashirilib yotadi. Ko'pchiligi chiriyotgan o'simlik qoldiqlari, ayrim turlari o'simlik to'qimalari bilan oziqlanadi. Ayrim yillarda juda tez ko'payadi.

Qalqondorlar (Lithobiomorpha) o'simlik qoldiqlari orasida uchraydi, hasharotlar va ular lichinkasi bilan oziqlanadi. Erkaklari spermatoforini to'rga osib qo'yadi. Lichinkasida oyoqlari to'liq bo'lmaydi, anamorfoz orqali rivojlanadi.

Ninachilar (Odonata) ning ko'plab vakillari Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligi hududida uchraydi. Ixcham tanasi bosh, ko'krak va uzun ninasimon qorin qismlardan iborat. Qorinchasi tufayli ularga ninachi nomi berilgan. Bosh qismida kalta mo'ylovlari, juda yirik murakkab ko'zlari joylashgan. Og'iz organlari chaynovchi tipda tuzilgan. Ikki juft qanotlari bo'lib, ular qalin-tomirlangan. Oldingi va keyingi qanotlari bir-biriga o'xshaydi. Ko'pchilik ninachilarning qanoti tanasining ikki yon tomoniga keng yoyilib turadi. Shu sababli ular kunliklar deb ataluvchi boshqa turkum vakillari bilan birga qadimgi qanotlilar guruhiga kiritiladi. Ninachilar yirtqich hayvon. Ular mayda zararkunanda hasharotlar (chivin, pashsha, oqqanot va boshqalar)ni tutib yeydi. O'ljasini havoda oldingi oyoqlari bilan panjalari orasidagi to'rga tushirib oladi.

Chala qattiqqanotlilar (Hemiptera) ning ham ayrim vakillari Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligida uchraydi. Ustki qanotlarining asosi (ko'krakka yondashgan qismi) xitirlashganligi va uchki qismi yupqa pardasimon bo'lganligi sababli chala qattiqqanotlilar nomini olgan. Og'iz organlari sanchib-so'ruvchi tipda bo'ladi.

Teng qanotlilar (Isoptera) ning ham qurg'oqchil mintaqaga xos bo'lgan ko'plab vakillari tabiat yodgorligi hududida uchraydi. Ularning og'iz organlari sanchib-so'ruvchi tipda tuzilgan bo'lib, o'simlik shirasini so'rib oziqlanadi. Hamma teng qanotlilar o'simliklar zararkunandasi hisoblanadi.

Teng qanotlilarning ko'p turlari ancha mayda: 1-2 mm, ba'zi turlari 18-20 sm ga yetishi mumkin. Bir qancha turlari partenogenez (urug'lanmagan tuxum qo'yish) yo'li bilan ko'payish xususiyatiga ega. Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligida uchraydigan turlarga turli jizildoqlar (saronlar), shira bitlari, qalqondorlar, barg burgachalari va tripslar kiradi.

To'g'ri qanotlilar (Orthoptera) ning vakillari ham Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligida uchraydi. Yirik hasharotlar bo'lib, uzunligi bir necha sm ga yetadi. Tanasi cho'ziq, bosh qismida yirik murakkab ko'zchalari va uzun mo'ylovlari bor. Og'iz organlari kemiruvchi tipda. Qanotlari ikki juft, ustki qanoti ingichkaroq va uzun, dag'alroq, ostki qanoti keng va yumshoq bo'lib, tinch holatda ustki qanot ostida taxlanib turadi. Ko'pchilik to'g'ri qanotlilarning keyingi oyoqlari sakrovchi tipda tuzilgan. Urg'ochilarining tuxum qo'yuvchi organi rivojlangan. Ko'pchilik turlarida ovoz chiqarish va eshitish organlari bo'ladi.

Ular orasida ekinlarning xavfli zararkunandalari va yirtqich turlari ham bor. Ularga chigirtkalar, temirchaklar, chirildoqlar kiradi.

Beshiktervatarlar (Mantoptera) turkumining ayrim vakillari tabiat yodgorligi hududida yashab, cho'l ekotizimi ozuqa zanjirida alohida ahamiyat kasb etadi. Og'iz organlari kemiruvchi tipda tuzilgan. Ko'kraging birinchi bo'limi juda uzun bo'lib, bo'yinga aylanib ketgan. Qanotlari ikki juft, ayrim turlarida qanotlar juda kalta bo'ladi. Ularning birinchi juft ko'krak oyoqlari tutuvchi organga aylangan. Bu oyoqlarning boldir qismi yon tomonidan yassilangan, o'tkir qirradi esa mayda "tishchalar" bilan qoplangan. Boldirning ana shunday tishchali qirradi son qismida maxsus chuqurchaga xuddi

qalamtarosh tig'iga o'xshash kirib turadi. Beshiktervatarlar yirtqich hayvon bo'lib, o'ljasini poylab tutib oladi.

Qo'ng'izlar, ya'ni qattiq qanotlilar (Coleoptera) turkumining ham ko'plab vakillari Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligida keng tarqalgan. Qo'ng'izlarning oldingi qanotlari qattiq xitinlashgan bo'lib, qalin ustqanotni hosil qilgan. Ostqanotlari yupqa pardasimon bo'lib, ustqanot ostida taxlanib turadi. Ular uchganda ostki qanotlari samolyot parragiga o'xshab harakatlanadi. Ustqanotlari esa ikki yon tomonga yoyilib turadi va samolyot qanoti singari ko'tarish yuzasini hosil qiladi. Qo'ng'izlarning tanasi mustahkam xitin sovutga o'ralgan. Bosh qismida ko'zlari, mo'ylovlari va kemiruvchi og'iz organlari yaxshi rivojlangan. Mo'ylovlarning tuzilishi sistematik xarakterga ega. Ko'pchilik qo'ng'izlarning oyoqlari yuguruvchi tipda tuzilgan. Suvda yashaydigan turlarining keyingi oyoqlari suzuvchi eshkakni hosil qiladi. Tabiat yodgorligi hududida yirtqich tugmacha qo'ng'izlar, po'stloqxo'rlar, bargxo'rlarni uchratishimiz mumkin.

Ikki qanotlilardan chivinlar, pashshalar vakillari Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligi keng tarqalgan. Shuningdek, parazit so'nalar (qon so'radi), bo'kalarni xam uchratishimiz mumkin.

Pardaqanotlilar orasida paxmoq arilar, sariq arilar, chumolilarning ko'plab vakillari Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligi faunasining nisbatan keng tarqalgan turlarini tashkil etadi.

Tiniq qanotlilar – Tortricidae oilasi. Bular kuyasimonlardan oldingi qanotlarining kengroq uchburchak shaklda bo'lishi va ko'ndalangiga qirqilganga o'xshashligi hamda orqa qanotlari cho'ziq ovalligi va uzun xoshiyalanmaganligi bilan farq qiladi. Qurtlari o'ralgan barg va meva ichida rivojlanadi. Markaziy Farg'ona xududida to'rang'i va boshqa butalar uchun zararli bir qancha turlari bor.

Parvona kapalagi – Pyralidae oilasi. Bu kapalaklar kechasi yorug'likka uchib kelganligi uchun parvona kapalaklar deb ataladi. Kapalaklarning tanasi ingichka, oyoqlari uzun, oldingi qanoti qiyshiq uchburchak, orqa qanoti kalta, oval shaklida va tomirlari qisman yoki tamomila qo'shib ketgan. Hasharotlar tinchlanganda qanotlari uchburchak shaklida taxlanadi. Tashqi ko'rinishi va bir qator belgilari bo'yicha yirik turli qanotlilar gruppasiga o'tkinchi hisoblanadi. Ba'zi turlari katta zarar yetkazadi. Masalan, Markaziy Farg'ona xududida hammaxo'r o'tloq parvonasi turli o'simliklarni qattiq shikastlaydi. Poya parvonasi qurtlari yo'g'on poyali o'simliklar poyasi ichida yashab zarar keltiradi. Lekin, tabiiy ekotizimlarda yirtqich-o'lja munosabatida shakllangan muvozanat ularni zararkunanda sifatida qayd etilishini istisno qiladi.

Yirik turli qanotlilar – **Macrofrenata** gruppasi kapalaklari yirik, yoki o'rtacha kattalikda qanotlari yoyilgan holda 30 mm. Orqa qanotlari uzun, hoshiyalari yo'q, birinchi, ba'zi turlarida ikkinchi anal tomiri taraqqiy etmagan. Ular o'rnida qanotlarida

g'ijim yoki tangachalar izi saqlanib qolgan. Qurtlari ochiq yashaydi. Ular mo'ylovlari to'g'nag'ichsimon va turli mo'ylovlilar bosh oilasiga bo'linadi.

Kunduzgi kapalaklar – Papilionoidea mo'ylovlari to'g'nog'ich shaklida bo'lishi bilan xarakterlanadi. Qanotlarida ilgakchalari yo'q. Ko'pincha aniq rangli kapalaklari kunduzi hayot kechiradi. Ular bir necha oilalarga bo'linadi.

Oq kapalaklar - Pieridae oilasi. Bu kapalaklarning qanotlari oqish yoki sarg'ish rangda, g'umbaklari substratga ohirgi uchi bilan yopishadi, shuningdek belidan ham ipak tola yordamida birikib turadi. Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligi hududida ularning qurtlari cho'l o'simliklariga qisman zarar yetkazadi.

Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligida umurtqasiz hayvonlardan - zahkashlar (Oniscoidea), ya'ni eshakqurtlar, chayonlar (Scorpiones), falangalar (Solifugae), ko'poyoqlilar (Myriopoda), ninachilar (Odonata), chala qattiqqanotlilar (Hemiptera), teng qanotlilar (Isoptera), beshiktervatarlar (Mantoptera), qattiq qanotlilar (Coleoptera), ikki qanotlilar, parda qanotlilar, tiniq qanotlilar – Tortricidae, yirik turli qanotlilar – Macrofrenata, tangacha qanotlilarning vakillari nisbatan keng tarqalgan.

Tabiat yodgorligida cho'l temirchagi (cho'l chirildog'i) – Sago pedo (Pallas, 1771), ajriqxo'r karmin beruvchi qurt – Rorphyrophora cynodontis (Archangelsckaya, 1935), achchiqmiyaxo'r karmin beruvchi qurt – Porphyrophora sophorae (Archangelskaja, 1935), turkiston skarati – Skarites turkestanicus (Heyden, 1884), to'qay tasmaqanoti – Catocala remissa Standinger, 1892, to'rang'i arvoq kapalagi – Laothoe philerema (Djakonov, 1923) kabi muhofazaga muxtoj turlar mavjud.

Markaziy Farg'ona faunasining ko'plab vakillari, mazkur xudud biotsenozining ajralmas qismi sifatida ozuqa zanjirida muhim ahamiyat kasb etadi. Shuni ta'kidlash lozimki, tabiat yodgorligida uchraydigan turlarning ko'pchiligi ov ahamiyatiga ega, estetik zavq beruvchi, sanitar yoki boshqa foydali tomoni bilan ajralib turadi. Shuning uchun ular hozirgi kunda kamayib borayotgan yoki yo'qolish xavfidagi turlardan sanaladi. Ularni mukammal o'rganish, himoya qilish va ko'paytirish orqali saqlab qolish bugungi kunning dolzarb vazifalaridan biri hisoblanadi.

Tabiatidagi qulay ekologik holatni saqlash, biologik va landshaft xilma-xilligini muhofaza qilish hamda ulardan oqilona foydalanishning eng samarali shakllaridan biri – *muhofaza etiladigan tabiiy hudud (METH)* larni tashkil etish hisoblanadi.

Markaziy Farg'onada biologik xilma-xillikni saqlashda muhim o'rin tutadigan va ulardan turizm maqsadida oqilona foydalanish imkoniyatini bera oladigan muhofaza etiladigan hudud (METH) lar yoki tabiiy ob'ektlarni (pitomnik, tabiiy inkubatsion xudud va dala laboratoriyalari tashkil etish aynan shu hudud faunasi rang barangligini saqlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947- sonli Farmoni. 2017 yil 7 fevral.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning PF-5024- sonli Farmoni. 2017 yil 21 aprel.
3. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. 2012 yil, 6-son.
4. Bogdanov O.P. O'zbekistonning hayvonot dunyosi. -Toshkent: O'qituvchi. 1969.
5. Булгаков В. Тр. Туркест. научн. обь., I, 1923, стр. 272, рис. (р. Чирчик около Ташкента).
6. Бобров В.В., Неронов В.М. Инвазийные виды млекопитающих в биосферных заповед-никах России // Заповедное дело. Научно-методические записки, №9, 2001, с. 92-107
7. Завацкий Б. П. Методические рекомендации по учету численности бурого медведя в горах юга Сибири. Шушенское, 1990, - 12 стр.
8. Zohidov T.Z. Zoologiya ensiklopediyasi. –Toshkent. 1965.
9. Зохидов Т.З., Меленбурцев Р.Н. Природа и животный мир Средней Азии. Т. 1, 2. Т.: Ўқитувчи. 1969.
10. Золотые горы в центре Евразии. Сохранение биоразнообразия в Алье-Саянском экорегионе. Всемирный фонд природы, 2009. – 30 стр.
11. Золотухин Н.И. Адвентивные растения на территории Алтайского заповедника // Ботанический журнал, 1983, Т.6, X, Н. С. 1528-1533.
12. Золотухин Н.И. Многолетняя динамика адвентивной флоры в поселке Яйлю и на кордонах Алтайского заповедника // Антропогенные воздействия на природу заповедников: Сб. научн. тр. ЦНИЛ Главохоты РСФСР. М., 1990. С. 107-118
13. Израэль Ю. А. Экология и контроль состояния природной среды. - Л.: Гидрометеоиз-дат, 1979, — 376 с.
14. Qushlar. -Toshkent: Fan. 1969.

15. Mavlonov O.M. va boshqalar. Umurtqasiz hayvonlar zoologiyasidan o'quv-dala amaliyoti olib borish uchun metodik qo'llanma. -Toshkent, 1988.
16. Moiseev V.A., Davletshina A.G. O'zbekiston hasharotlar dunyosi. –Toshkent: O'qituvchi, 1997.
17. Moisoov V.A. Turkistonning yovvoyi tabiati. Hayvonot dunyosi. -Toshkent: Sharq. 1996.
18. Методика быстрой оценки эффективности определения приоритетов управления систем охраняемых природных территорий. WWF, 2001. -101 с.
19. Kamalova H., Tuychieva H. Improving the spiritual immunological education of academic lyceum students specific issues //ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH. – 2021. – Т. 10. – №. 4. – С. 616-620.
20. Abdullaeva Mavsumakhon Kuldoshevna, Rakhimova Dilfuza Khasanbaevna, Tuychieva Khilola Zokirjon Kizi, Shodmonov Usmonbek Bakhodir Ugli FORMATION OF KEY COMPETENCIES IN CHEMISTRY AND BIOLOGY // Вестник науки и образования. 2021. №8-2 (111). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/formation-of-key-competencies-in-chemistry-and-biology> (дата обращения: 05.05.2022).-in-chemistry-and-biology (дата обращения: 05.05.2022).
21. Abdulazizovna K. B. et al. INFORMATION TECHNOLOGIES AS A STEP TO THE DEVELOPMENT OF SOCIETY //INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876. – 2022. – Т. 16. – №. 3. – С. 73-77.
22. Abdulazizovna K. B. et al. TIMELY IMPLEMENTATION OF PERSONAL EDUCATION MEASURES IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION //INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876. – 2022. – Т. 16. – №. 3. – С. 87-92.
23. Abdulazizovna K. B. et al. THE SIGNIFICANCE OF MATHEMATICAL KNOWLEDGE IN SOLVING PROBLEMS IN BIOLOGY //INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876. – 2022. – Т. 16. – №. 3. – С. 93-99.
24. Barnogul K., Khilola T. The essence of the biological education process, teaching printouts and legislation //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2022. – Т. 11. – №. 4. – С. 129-133.



STOL TENNIS BILAN SHUG‘ULLANUVCHILARNING PSIHOLOGIK- PEDAGOGIK MAHORATLARINI SHAKLLANTIRISH.

*Farg‘ona davlat universiteti Sirtqi bo‘limi
Aniq va tabiiy fanlar kafedrası o‘qituvchisi
Yormatov G‘ulomjon Sattorovich*

Annotatsiya: Ushbu maqolada stol tennis sport turining o‘rni va vazifalari, stol tennis bilan shug‘ullanuvchilarning psihologik-pedagogik mahoratlarini shakllantirish masalalari yoritiladi.

Kalit so‘zlar: jismoniy tarbiya, jismoniy madaniyat, jismoniy tarbiya nazariyasi, stol tennis nazariyasi, sport trenirovkasi, salomatlik, sport, sog‘lom avlod tarbiyasi, sog‘lom turmush tarzi, jismoniy tarbiya tizimi.

Mamlakatimiz mustaqil bo‘lganidan keyin sportga e‘tibor yanada ortdi. Mamlakatimiz sportchilari jahon arenalarida O‘zbekiston bayrog‘ini yuqori ko‘tarib, yurtimiz sha‘nini himoya qilib kelmoqdalar. Nafaqat shahar, xattoki qishloq yoshlari o‘rtasida ham jismoniy tarbiya va sportga e‘tibor qaratilgan.

Jismoniy tarbiya bilan shug‘ullanish kishini sog‘lom bo‘lishga olib kelsa, sport bilan shug‘ullanish kishini jismoniy sifatlarini oshiradi va yuqori natijalar ko‘rsatishga olib keladi hamda bo‘sh vaqtini foydali mashg‘ulotlarga sarf qiladi. Ana shunday sport turlaridan biri stol tennisidir. Stol tennis sport turi sifatida O‘zbekistonga XX-asrning boshlarida kirib keldi.

Stol tennisining hozirgi kundagi rivojlanishi nafaqat mamlakatimizda, chet mamlakatlarda ham ancha yuqoridir. Respublikamizda, chet mamlakatlarda stol tennis bo‘yicha yirik musobaqalar o‘tkazilmoqda. Ana shunday musobaqalarga tayyorgarlik ko‘rish, texnik va taktik jihatlarni malakali murabbiylar yordamida o‘zlashtirishi sportchining yuqori natijalar ko‘rsatishiga olib keladi. Ammo tennischilar uchun texnik va taktik holatlarini o‘zi kamlik qilmasmikan?

Tennischi uchun psihologik tayyorgarlik albatta muhimdir. Musobaqalashuv jarayonida sportchilarni ruhiy tayyorgarlik darajasi pand berganligi sababli, imkoniyatlari chegaralanib qoladi va natijada mag‘lubiyat alamidan tatib ko‘rishga majbur bo‘ladi.



Tennischilarda jismoniy tayyorgarlik bilan birga kuch, chaqqonlik, tezkorlik, egiluvchanlik va chidamlilik kabi jismoniy sifatlarini oshirib borib, ularning ma'naviy va irodaviy sifatlari hamda maxsus ruhiy imkoniyatlarini takomillashtirish lozim [1,2,3,4].

“Автоойна” МЧЖ да маҳаллийлашган ва импорт мастаришлар таҳлили

1-жадвал

| № | Номланиши | Метериал нархи Маҳаллий ва Импорт нархлар | | Импорт | “Кварц” А.Ж |
|----|----------------------------------|---|------------|-------------|-------------|
| 1. | Рангсиз ойна 2.0 мм 2165x3611 | 34782 сўм | 3.15 долл. | 260949 м.кв | 181907 м.кв |
| 2. | Рангсиз ойна 2.0 мм 2165x1435 | 34782 сўм | 3.15 долл. | 270903 м.кв | 371324 м.кв |

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики асосий материаллар импорт ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан таклиф этилмоқда. Таннархга таъсирини ўрганишда логистика харажатлари ва сифат омиллари, шунингдек ўлчамларни универсаллиги муҳим аҳамиятга эга. Баъзан мол етказиб берувчини ишлаб чиқариш қуввати импорт маҳсулотни ортишига йўл очиб беради.

- белгиланган харажатлар бўйича меъёрлардан четланишларни аниқлаш ва назорат қилиш, уларнинг номларини аниқлаштириш ва харажатларни бошқаришнинг меъёрий моделини қўллаш контекстида ҳужжатлаштиришнинг такомиллаштирилган ташкилий-услубий усулларини таклиф қилиш;

- ишлаб чиқариш харажатларининг жамланма ҳисоби ва уни автоматлаштириш нуқтаи назаридан автомобил ойналари маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг ярим тайёр версияси билан тўғридан-тўғри ҳисоб учун нормалардаги ўзгаришларни ҳисобга олиш методологиясини ишлаб чиқиш;

- ўрганилаётган тармоққа нисбатан таннарх моддалари ва умуман ишлаб чиқариш харажатлари учун бошқарув таҳлили усули таклиф этилди;

Хулоса ва таклифлар

Фикримизча, тадқиқотининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишда берилган тавсияларни амалда қўллаш материаллар самарадорлиги ва таҳлилийлигини оширади ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини шакллантириш устидан назоратни кучайтиради, ишлаб чиқариш харажатларини тўлиқроқ аниқлашга ёрдам беради. Ер усти транспорт воситалари учун хавфсиз ойналар ишлаб чиқарувчи корхоналари ишлаб чиқариш таннархини пасайтиришга хизмат қилади. Ўрганиш натижасида олинган ишланмаларни жорий этиш уларни ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг меъёрий усулини жорий қилувчи саноат корхоналарининг хўжалик фаолияти амалиётида, режалаштириш, ҳисобга олиш ва ҳисоблаш қоидаларини ишлаб чиқишда қўллаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармониغا 1-илова. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси** // www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон **2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида**

3. Равшанжон Бурхонович Мирзаев, Хамид Азимович Юлдашев. Автомобил ойналари ишлаб чиқаришда истеъмолчи талабларини ишлаб чиқариш таннархига таъсири. Scientific progress. -volume 3 | issue 2 | 2022 issn: 2181-1601, 2022-yil. www.scientificprogress.uz

4. Ravshanjon Burxonovich Mirzayev. "The importance of basic materials and technological losses in increasing economic efficiency in the formation of cost" (On the example of enterprises for the production of safety windows for surface transport). Web of scientist: international scientific research journal. -ISSN:2776-0979, 2022-yil. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/X3U6E>

4. Mirzaev Ravshanjan Burkhonovich, Akhmadaliyeva Mokhigul Kadirovna Improvement of organizational economic impact of product cost reduction on the basis of cost-effective use of resources

Thematics Journal of Economics. -ISSN 2277-3029, 2022-yil. 10.5281/zenodo.6254407 <http://thematicsjournals.in/index.php/tje>

5. Шерзод Махсудов. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг самарали йўналишлари journal of new century innovations in all areas. -30-36, 2022-yil. WSR journal.com

6. Шерзод Махсудов. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг самарали йўналишлари. Бизнес-Эксперт журнали. -39-43, 2022-yil. 2022 йил 2 (170)-сон

7. Шерзод Махсудов. Эркин иқтисодий зоналарнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни. *Ilmiy metodik jurnal 4- son* Aprel 2022yil. -159-166, 2022-yil. | ISSUE 4 | 2022 ISSN: 2181-1601
8. Шерзод Махсудов. Развитие свободных экономических зон в условиях трансформации рыночных отношений. Научного журнала «Бюллетень науки и практики», Россия. г. Нижневартовск
9. Baltabayeva, M., & Kodirova, D. (2022). The need to provide the priority of spiritual and educational processes in the modern education system. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(1), 423-427.
10. Yuldasheva Gulmira Azatovna, & Baltabayeva Malokhat Ortikalievna. (2022). The development of social infrastructure as a factor in managing the innovative development of the region. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 11(05), 65–70. Retrieved from <http://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/486>
11. Юлдашева, Г. А., & Абдуллаева, Ш. Э. (2021). ИННОВАЦИИ В РАМКАХ НАЦИОНАЛЬНЫХ ИННОВАЦИОННЫХ СИСТЕМ. *Интернаука*, (26), 6-8.
12. Baltabayeva, M. (2022). SANOATNI RIVOJLANTIRISH-DAVR TALABI-UY MAISHIY TEXNIKALARINING FOYDALARI. *Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences*, 2(5), 29-32.
13. Khalmatjanova, G. D., Yuldasheva, G. A., & Rayimjanova, G. K. (2022). Features of Criteria of Profitability of Cotton–Textile Cluster. In *Sustainable Agriculture* (pp. 95-105). Springer, Singapore.
14. Рахимова, К. Н. Қ. (2022). Яшил бизнес аҳамиятини ортиб боришининг ижтимоий-иқтисодий зарурати. *Scientific progress*, 3(2), 880-885.
15. Турсунов, О. Б. (2022). Транспорт Инфратузилмасининг Назарий Асослари.
16. Турсунов, О. Б. (2022). Транспорт инфратузилмасининг мазмуни, таркиби ва минтақа иқтисодий ривожланишига таъсири. *so ‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi*, 1(2), 190-196.
17. Рахимова, К. Н., Турсунов, О., Мирзаев, Р. Б., Ахмадалиева, М. К., & Кодиров, А. (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА «ЯШИЛ МОЛИЯ» ТИЗИМИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Gospodarka i Innowacje.*, 28, 90-96.

Иқтисодий эркинлаштириш даврида транспорт хизматлари ва инфратузилмасининг ривожланиш тенденциялари ва ҳудудий хусусиятлари

Турсунов Озодбек Бадалович

Фарғона давлат университети ўқитувчиси

712000, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси 19 уй

E-mail: ozodbektursunov198812@gmail.com

***Аннотация:** Мақолада сўнги йилларда Иқтисодий эркинлаштириш даврида транспорт хизматлари ва инфратузилмасининг ривожланиш тенденциялари ва ҳудудий хусусиятлари, Ҳозирги вақтда Ўзбекистон минтақаларининг кўпчилигида транспорт инфратузилмаси асосий фондларининг эскириши кузатилмоқда, янгиланиш жараёни бормоқда. Ривожланмаган транспорт инфратузилмаси муаммолари минтақа ишлаб чиқариш салоҳиятининг сусайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида, транспорт хизматларига бўлган талабнинг қисқаришини келтириб чиқаради ва транспорт компаниялари даромадларининг пасайишини ифодаловчи кўрсаткичлари тадқиқ этилган. Тадқиқот жараёнида минтақанинг транспорт хизматлари ва инфратузилмасининг ривожланиш тенденцияларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни баҳолаш бўйича илмий таклифлар берилган.*

***Калим сўзлар:** транспорт, транспорт хизматлари, транспорт инфратузилмаси, ташиш, таъминланганлик даражаси, таъминланганлик коэффициенти, транспорт тармоғи, минтақа транспорти, ривожланиш тенденциялари, ҳудудий хусусиятлари.*

Кириш

Ўзбекистон транспорт инфратузилмаси минтақа ишлаб чиқариш инфратузилмасининг муҳим унсури ҳисобланадики, у минтақа иқтисодий маконининг бирлигини ва унинг ташкилий-ҳудудий бир бутунлигини ҳамда минтақаларо иқтисодий алоқаларни белгилайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон минтақаларининг кўпчилигида транспорт инфратузилмаси асосий фондларининг эскириши кузатилмоқда, янгиланиш жараёни бормоқда. Ривожланмаган транспорт инфратузилмаси муаммолари минтақа ишлаб чиқариш салоҳиятининг сусайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида, транспорт хизматларига бўлган талабнинг қисқаришини келтириб чиқаради ва транспорт компаниялари даромадларининг пасайишини белгилайди. Бу жараёнлар транспорт орқали юк ташиш барча турларига таъсир кўрсатади: автомобил, темир йўл, сув ва ҳаво.

Темир йўл транспорти денгиз портлари ва чегарага чиқиш пунктларига боришда қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Темир йўл транспортининг ишлаб чиқариш фондлари ҳам эскирган. Транспорт бошқа турлари билан ўзаро таъсири етарли эмас. Ривожланган мультимодаль юк ташишлар амал қилмайди. Темир йўл

транспортига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган инфратузилмада механизациялаш паст даражаси кузатилмоқда.

Ўзбекистон йўл хўжалиги учун йўл тармоқларини автомобиллаштириш суръатларига номувофиқлиги хосдир. Автомобиль йўлларининг ривожланиши хорижий мамлакатлардан ортда қолмоқда. Республиканинг четки туманларида давлат автомобиль йўллари асосий тармоқлари шакллантирилмаган. Давлат йўл тармоқларида, айниқса, йирик шаҳарлар ва транспорт тармоқларига боришда кескин ифодаланган кириш лаёқати етишмовчилиги билан боғлиқ вазият кучаймоқда. Йўлларнинг паст техник даражаси туфайли юк ташиш таннархи кескин ошмоқда.

Мамлакатимиз автомобиль транспорти хизматлари бозорида бозор муносабатларини ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Автомобиль транспорти хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш ва барча ташувчиларга тенг шароит яратиб бериш бўйича вилоят ва шаҳар ҳокимиятларидаги комиссиялар ҳамда Агентлик қошидаги Идоралараро комиссия томонидан йўловчи ташиш йўналишлари очиқ тендер танловлари орқали жойлаштирилди.

Авторанспорт хизматлари ва сервисни ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичларини бажариш, аҳолига, хусусан, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган автотранспорт хизматлари ва сервис даражаси ҳамда сифатини ошириш доирасида йўналишли транспорт тармоғи ривожланмоқда. Хозирги кунда юртимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам йўловчи ташиш транспорти хизмати етиб бормаган жой қолмади.

Вилоятларда ҳокимликлар билан биргаликда йўналишларда йўловчилар оқими ва аҳолининг йўловчи ташишга бўлган эҳтиёжлари ўрганиб чиқилмоқда ва автокорхоналардаги мавжуд автобусларни янгилаш масалаларида амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги ҳал қилувчи транспорт-транзит тармоғига айланиши учун транспорт-коммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш ва янгилаш, маҳаллий ва халқаро транспорт хизматлари таркибини диверсификация қилиш, янги транспорт йўлакларини шакллантириш ва ривожлантириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш ва таннархини камайтириш талаб этилади.

Ҳаво транспортини ривожлантириш учун инфратузилмани анча модернизациялаш тақозо этилади. Айниқса, бу учиш-қўниш йўл-йўл чизикларига, рулли йўлларга, самолётлар тўхташ жойларига, ёруғлик сигнализация ускуналарига тегишлидир. Қатор туманларда аэропортлар мавжуд эмас ёки барқарор ишламайди. Айниқса, ҳаво транспорти муқобилига эга бўлмаган жойларда бу масала ўтқир бўлиб турибди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тармоқ иқтисодиёти ва менежменти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича Р.Акофф, Ф.Тейлор, М.Мескон, П.Друкер, А.Файоль ва Л.Берталанфи каби

етук олимларнинг илмий ишларида батафсил ёритилган²⁷. Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш масалалари чет эллик олимлардан Р.Баллоу, П.Стеварт, К.Стерлигов, Н.Плетнева ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган²⁸.

МДХ олимларидан ушбу соҳада И.Белов, Г.Бубнова, Г.Вовк, В.Галабурда, О.Ефимова, А.Зайцев, А.Каплан, Л.Федоровлар томонидан минтақа транспорт ва логистика инфратузилмаларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш масалалари ўрганилган ва изоҳланган²⁹.

Ўзбекистон олимларидан Ғ.Саматов, М.Икрамов, К.Ульджабоев, Я.Қориева, А.Шермухамедов, К.Зиядуллаев, Ҳ.Рахимовлар мамлакат транспорт инфратузилмаси самарадорлигини оширишга муҳим аҳамият қаратганлар³⁰.

Тадқиқот методологияси

Шундай қилиб, бутун минтақавий транспорт хизматлари ва инфратузилмаси техник қайта қуроллантиришга муҳтож. Бу транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, минтақалар иқтисодиётига хизмат кўрсатиш, юк ташиш ва атроф муҳит хавфсизлигини таъминлаш учун зарурдир. Ўзбекистон транспорт инфратузилмаси асосий турлари бўйича қуйидаги вазифаларни тезкор ҳал қилиш зарур:

- темир йўл инфратузилмаси учун ҳозирги вақтда иссиқлик тортиши асосида ишлайдиган кўплаб участкаларни электрлаштиришни яқунлаш зарур;

- автоёул инфратузилмаси учун магистраллар йўл қопламани тиклаш, аҳоли яшаш жойларида ва шаҳарлардаги кўп бўғинли йўл очишларда айланма йўллар яратиш талаб қилинади;

- ҳаво транспорти инфратузилмаси учун ишлаб чиқариш асосий объектларини тиклаш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш зарур.

Умуман, транспортировкалаш барча турлари бўйича минтақавий транспорт инфратузилмаси ривожланишининг мавжуд даражаси иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги вазифалари ва жаҳон иқтисодий маконига интеграциялаш талабларига мос келмайди.

Таҳлил ва натижалар


2014 йилда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланган, умумий қиймати 4 млрд. 200 млн. долл. га тенг бўлган 154 та йирик объект фойдаланишга

²⁷ Акофф Р. Планирование будущего корпораций. –М.:Прогресс, 1985.-328с.; Тейлор Ф. Принципы научного менеджмента США. 1911.-77с.; Мескон М. и др. Основы менеджмента. Перевод с англ. М.: Дело, 2007.; Файоль А. Общее и промышленное управление. –М.: Букинистическое изд. 1992. -112с.; Берталанфи Л. Общая теория систем – обзор проблем и результатов.//Системные исследование: Ежегодник. – М.: Наука, 1969.-30-54 с.

топширилди³¹. Уларнинг қаторида йилига 60 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси” МЧЖ базасида “Дамас” ва “Орландо” русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилишни тилга олиш мумкин.

2014 йилда йилига 25 млрд. куб метр газни узатиш имконини берадиган Марказий Осиё – Хитой газ қувурининг 1 минг 830 километр узунликдаги учинчи тармоғи ишга туширилди. Инвесторларга кенг солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилган “Ангрен” махсус индустриал зонаси, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Жиззах” махсус индустриал зонасининг ташкил этилгани юқори технологияларга асосланган корхоналарни ривожлантириш имконини кенгайтди. Ушбу зоналар учун зарур ташқи муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси тўлиқ республикаимиз маблағлари ҳисобидан барпо этилмоқда.

Йўл-транспорт инфратузилмасини тараққий эттириш саноатни жадал ривожлантириш ва унинг салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. 2021 йилда транспорт хизматлари ҳажми 67418,3 млрд. сўмга тенг бўлиб, уларнинг ўсиши 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 16,0% ни ташкил этди. Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида ушбу турдаги хизматларнинг улуши 23,8% ни ташкил этди (2.2.1-расм).




2.2.1-расм. 2021 йилда турлари бўйича транспорт хизматларининг таркиби³², % да

2021 йилда транспорт хизматлари умумий ҳажмида автомобиль транспорти хизматларининг улуши 50,0%дан юқорини ташкил этди. 2020 йилда ушбу кўрсаткич 53,1% ни ташкил этган. Транспорт хизматларининг энг катта улуши автомобиль транспортида юк ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматларга тўғри келмоқда. Транспортнинг ушбу тури бошқа транспорт турлари билан таққослаганда, ўзининг мослашувчанлиги ва кўрсатилаётган хизматларнинг нисбатан арзонлиги сабабли юқори талабга эга ҳисобланади (2.2.1-илова).

2021 йилда автомобиль транспортида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 37114,4 млрд. сўмга тенг бўлди. 2020 йилга нисбатан ушбу хизматлар ҳажми 17,8%

³² www.stat.uz

га ошган. 2021 йилда автотранспорт хизматларининг юқори ўсишига Самарқанд (24,2%), Наманган (22,5%), Жиззах (22,1%), Фарғона (21,5%), Қашқадарё (19,9%) ва Сурхондарё (19,4%) вилоятларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида (21,6%) эришилди (2.2.2-илова). Ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмининг бир оз ўсиш суръати Сирдарё вилоятида (107,7%) кузатилди (2.2.2-расм).



2.2.2-расм. Автомобиль транспорти хизматларининг ўсиш суръати³³, %

2.2.1-жадвалда Ўзбекистон Республикаси транспортининг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

2.2.1-жадвал

Ўзбекистонда транспортнинг асосий кўрсаткичлари³⁴(амалдаги нархларда, млрд.с.)

| | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
|---|---------|---------|---------|---------|
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа иқтисодий фаолият турларининг ялпи қўшилган қиймати | 25305,5 | 30616,0 | 36630,4 | 38531,5 |
| Ташиш ва сақлаш асосий фондлари (қайта тиклаш қиймати) | 45511,6 | 62888,4 | 76000,7 | 86987,2 |
| Ташиш ва сақлаш бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар | 6369,0 | 8487,5 | 14047,7 | 14132,7 |

³³ www.stat.uz

³⁴ Ўзбекистонда транспорт ва алоқа. –Т.:2021. – Б.20.

| | | | | |
|---|---------|---------|---------|---------|
| Транспорт хизматлари ҳажми | 36217,2 | 44159,4 | 54473,5 | 53662,9 |
| Ташиш ва сақлаш корхона ва ташкилотлари ходимларининг ўртача йиллик сони, минг киши | 198,3 | 209,0 | 228,3 | 210,2 |

Маълумотлар кўрсатишича, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа иқтисодий фаолият турларининг ялпи қўшилган қиймати 2020 йилда 38531,5 млрд.сўмни ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 52,3% га ўсган. Ташиш ва сақлаш соҳасининг асосий фондлари қайта тиклаш қиймати бўйича 86987,2 млрд.сўм (2017 йилга нисбатан ўсиш 91,1%), соҳа асосий капиталига киритилган инвестициялар 14132,7 млрд.сўм (221,9%), соҳа корхона ва ташкилотларида ишловчи ходимлар ўртача сони 230,2 минг кишини ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 106,0% га ўсган. Ўзбекистонда транспорт воситалари ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичини таҳлил қиладиган бўлсак, 2020 йилда ушбу кўрсаткич автомобиллар сони бўйича 2017 йилдаги 145047 тадан 2020 йилдаги 285226 тага ошди. Бу ўсишда енгил автомобилларнинг улуши 99,8% ни ташкил этгани ҳолда, автобуслар сонининг камайиши кузатилган (415 тага) (2.2.2-жадвал).

2.2.2-жадвал

Ўзбекистонда транспорт воситалари ишлаб чиқариш (дона)³⁵

| | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
|--------------------|--------|--------|--------|--------|
| Автомобиллар жами | 145047 | 225853 | 277967 | 285226 |
| Шу жумладан: | | | | |
| Енгил автомобиллар | 140247 | 220667 | 271113 | 280080 |
| Автобуслар | 1057 | 949 | 1534 | 642 |

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича жисмоний шахсларга тегишли автотранспорт воситаларининг сони бўйича энг юқори улуш Тошкент шаҳри (16,2%), Самарқанд (11,7%), Фарғона (10,2%), Тошкент (9,3%) вилоятларига, энг паст улуш эса Сирдарё (2,2%), Жиззах (2,7%), Навоий (2,7%) вилоятларига тўғри келади (2.2.3-илова).

Ўзбекистонда транспортда ташилган юклар умумий ҳажми 1366,7 млн. тоннани ташкил этади, унинг 90,6% и автомобилга тўғри келиб, темир йўл (5,2%), қувур йўли (4,2%), ҳаво йўли (0,4%) кичик улушга эга. Транспортнинг юк айланмаси 66,9 млрд.т./км ни ташкил қилиб, унинг 40,1% и қувур йўлига, 35,3% и темир йўл, 24,2% и эса автомобиль транспортига тўғри келади (2.2.4-илова).

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича автомобиль транспорти ва юк айланмаси 2020 йилда 16233,4 млн.т./км ни ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 19,3% га ошган. Ушбу миқдорнинг 12,5% и Тошкент шаҳрига, 11,4% и Бухоро, 10,2% и Навоий, 10,1% и Тошкент вилоятларига тўғри келади. Бу кўрсаткич Сирдарё (1,6%), Наманган (3,1%), Қорақалпоғистон Республикасида (4,5%) анча паст (2.2.5-илова).

³⁵ Ўзбекистонда транспорт ва алоқа. –Т.:2021. – Б.22.

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича автомобиль транспортида йўловчи ташиш ҳажми бўйича Андижон (12,3%), Тошкент (11,4%), Фарғона (11,1%) вилоятлари юқори кўрсаткичга эга бўлди (2.2.6-илова).

Ўзбекистонда умумфойдаланадиган темир йўл транспортида айрим юк турларини ташиш ҳажмида металл рудалари, минерал қурилиш юклари, нефть маҳсулотлари, цемент маҳсулотлари улуши юқори (2.2.7-илова).

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича умумфойдаланадиган темир йўл транспортида ташилган йўловчилар сони бўйича Тошкент (48,1%), Сирдарё (18,5%), Сурхондарё (6,5%) вилоятлари улуши юқори (2.2.8-илова).

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича умумфойдаланиладиган темир йўлларнинг зичлиги ҳар 10000 кв. км.га тўғри келадиган йўллар километри ҳисобида аниқланади. Ушбу кўрсаткич бўйича Сирдарё, Андижон, Фарғона, Хоразм, Наманган вилоятларида юқори бўлган (2.2.9-илова).

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича қаттиқ қопламали автомобиль йўлларининг жами умумфойдаланадиган автомобиль йўллари узунлигидаги улуши Тошкент, Қашқадарё, Андижон, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона вилоятларида республика ўртача кўрсаткичидан юқори бўлди.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон транспорт инфратузилмаси асосий турлари бўйича қуйидаги вазифаларни тезкор ҳал қилиш зарур: темир йўл инфратузилмаси учун ҳозирги вақтда иссиқлик тортиши асосида ишлайдиган кўплаб участкаларни электрлаштиришни яқунлаш зарур; автойўл инфратузилмаси учун магистраллар йўл қопламини тиклаш, аҳоли яшаш жойларида ва шаҳарлардаги кўп бўғинли йўл очишларда айланма йўллар яратиш талаб қилинади; ҳаво транспорти инфратузилмаси учун ишлаб чиқариш асосий объектларини тиклаш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш зарур.

2021 йилда транспорт хизматлари умумий ҳажмида автомобиль транспорти хизматларининг улуши 50,0%дан юқорини ташкил этди. 2020 йилда ушбу кўрсаткич 53,1% ни ташкил этган. Транспорт хизматларининг энг катта улуши автомобиль транспортида юк ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматларга тўғри келмоқда. Транспортнинг ушбу тури бошқа транспорт турлари билан таққослаганда, ўзининг мослашувчанлиги ва кўрсатилаётган хизматларнинг нисбатан арзонлиги сабабли юқори талабга эга ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Турсунов, О. Б. (2022). Транспорт Инфратузилмасининг Назарий Асослари.
2. Турсунов, О. Б. (2022). Транспорт инфратузилмасининг мазмуни, таркиби ва минтақа иқтисодий ривожланишига таъсири. so 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi, 1(2), 190-196.
3. Рахимова, К. Н., Турсунов, О., Мирзаев, Р. Б., Ахмадалиева, М. К., & Кодиров, А. (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА «ЯШИЛ МОЛИЯ» ТИЗИМИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Gospodarka i Innowacje.*, 28, 90-96.
4. Ravshanjon Burxonovich Mirzayev. "The importance of basic materials and technological losses in increasing economic efficiency in the formation of cost" (On the

example of enterprises for the production of safety windows for surface transport). Web of scientist: international scientific research journal. -ISSN:2776-0979, 2022-yil. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/X3U6E>

5. .Mirzaev Ravshanjan Burkhonovich, Akhmadaliyeva Mokhigul Kadirovna
6. Improvement of organizational economic impact of product cost reduction on the basis of cost-effective use of resources
7. Thematics Journal of Economics. -ISSN 2277-3029, 2022-yil. 10.5281/zenodo.6254407 <http://thematicsjournals.in/index.php/tje>
8. Рахимова, Қ. Н. Қ. (2022). Яшил бизнес аҳамиятининг ортиб боришининг ижтимоий-иқтисодий зарурати. Scientific progress, 3(2), 880-885.
9. Rakhimova, K. (2022). SOCIO-ECONOMIC NECESSITY OF INCREASING THE IMPORTANCE OF GREEN BUSINESS. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(4), 1034-1037.
10. Husanbek, Q., & Raximova, K. N. (2022). OILAVIY KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHNING ANAMIYATI VA ZARURIYATI. Gospodarka i Innowacje., 24, 1103-1108.
11. Мохигул, А., & Рахимова, К. (2022). ҚУРИЛИШ МАТЕРИЛЛАРИ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚИШ ПОТЕНЦИАЛИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Gospodarka i Innowacje., 24, 999-1002.
12. Raximova, K. N., & Abdurahmon Mominjon og, A. (2022). YASHIL HOM-ASHYOLARDAN QURILISH SOHALARIDA FOYDALANISH SAMARADORLIGI. Gospodarka i Innowacje., 24, 957-960.
13. 5.Шерзод Махсудов. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг самарали йўналишлари journal of new century innovations in all areas. -30-36, 2022-yil. WSR journal.com
14. 6. Шерзод Махсудов. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг самарали йўналишлари. Бизнес-Эксперт журнали. -39-43, 2022-yil. 2022 йил 2 (170)-сон
15. 7. Шерзод Махсудов. Эркин иқтисодий зоналарнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни. I miy metodik jurnal 4- son April 2022yil. -159-166, 2022-yil. | ISSUE 4 | 2022 ISSN: 2181-1601
16. 8. Шерзод Махсудов. Развитие свободных экономических зон в условиях трансформации рыночных отношений. Научного журнала «Бюллетень науки и практики», Россия. г. Нижневартовск
17. 9. Baltabayeva, M., & Kodirova, D. (2022). The need to provide the priority of spiritual and educational processes in the modern education system. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 12(1), 423-427.
18. 10. Yuldasheva Gulmira Azatovna, & Baltabayeva Malokhat Ortikalievna. (2022). The development of social infrastructure as a factor in managing the innovative development of the region. INTERNATIONAL



JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN:
2277-3630 Impact Factor: 7.429, 11(05), 65–70. Retrieved from
<http://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/486>

19. 11.Юлдашева, Г. А., & Абдуллаева, Ш. Э.
(2021). ИННОВАЦИИ В РАМКАХ НАЦИОНАЛЬНЫХ ИННОВАЦИОННЫХ
СИСТЕМ. Интернаука, (26), 6-8.

20. 4.Baltabayeva, M. (2022). SANOATNI
RIVOJLANTIRISH-DAVR TALABI-UY MAISHIY TEXNIKALARINING
FOYDALARI. Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences, 2(5), 29-32.



**SANOAT KORXONALARIDA ISHLOVCHI XODIMLARNI NOQULAY
TASHQI MUHIT TA`SIRIDAN SAQLOVCHI MAXSUS POYABZALLARDA
ELEKTR KONVEKTORLARNI ENERGIYA BILAN TA`MINLASH
IMKONIYATLARI TAHLILI.**

Dotsent Yu.A. Maxmudov

(Toshkent to`qimachilik va yengil sanoat instituti)

ANNOTATSIYA

Maqolada sanoat korxonalarida ishlovchi xodimlarning sovuq iqlim sharoitida oyoq panjalarini isituvchi maxsus poyabzallarni energiya bilan ta`minlash imkoniyatlari, hamda ushbu yo`nalish bo`yicha olib borilgan tadqiqotlar tahlil qilingan.

Kalit so`zlar: Maxsus poyabzal, elektr generator, yassi tekislik, tayanch, kartogramma, qayta tiklanuvchi energiya.

Elektr energiyasini hosil qilish uchun hozirgi kunda ko`plab usullar mavjud bo`lib, ularning barchasi bir turdagi enrgiyani boshqa bir turga (elektr energiyasiga) aylanishi natijasida vujudga keladi. Hozirgi kunda eng ko`p tarqalgan usul bo`lgan mexanik energiyani elektr energiyasiga aylantirish bilan bir qatorda issiqlik energiyasi, qayta tiklanuvchi energiya manbalari (gidro, gelio, bio energiya) lardan ham keng miqyosda foydalanilmoqda. Shunday ekan elektr energiyasini hosil qilishimiz uchun bizga albatta kuch zarur bo`ladi. Inson tanasi massasining oyoq panjasiga ta`sir ko`rsatadigan hamda yurish davomida oyoq panjasiga tushadigan bosim kuchining o`zgarishi asosida, ushbu kuchni elektr energiyasiga aylantirish imkoniyatini ko`rib chiqamiz. Inson og`irlik kuchining oyoq panjasiga tushadigan bosimi asosan poyabzal tag detallarining qarshilik kuchi hisobiga yengiladi. Ushbu kuchning ahamiyatlisi u doimiy bo`lib, inson harakati davomida, yurganida, yugirganida, sakraganida hech qanday ortiqcha harakat talab qilmagan holda poyabzal tag detallariga uzatiladi. Ushbu uzatilayotgan kuchdan samarali foydalanish esa ko`plab imkoniyatlar yaratadi.

Yassi tekislikda turgan odamning ogirligi tekis tarqalmay, balki ko'proq tovon suyagi hamda birinchi va beshinchi kaft suyaklari ostiga tushadi (1 - a rasm).


Agar oyoq panjasi o'zining plantar (tag) qismiga o'xshash tekislikda tursa, u holda bosim bir tekis, tovon qismidan to kaft suyaklarining boshchalari ostigacha tarqaladi (1-b rasm). Shuning uchun poyabzallarda patak tovon qismining shakli oyoq tovon qismining

shakliga

yaqinroq

bo'lishi

kerak.




1-rasm. Oyoq panjasining tayanch nisbatan bosim kartogrammasi.

a. Yassi tekislikda

b. Plantar (oyoq panjasi tag qismiga o`xshash) tekislikda

Oyoqning tovon qismi ko'tarilganda, bosimning tayanch tekisligiga tarqalishi o'zgaradi. Tovuq qismi ko'tarilganda kaftbarmoq bo'g'imi ostida bosim proporsional ravishda o'zgarmay egri chiziq bo'yicha o'zgaradi. Yurganda oyoq panjasi tovon qismidan tumshuq qismiga dumalaydi, hamda bosim bir oyoqdan, ikkinchi oyoqqa tushadi. Yurish mexanizmini o'rganadigan bo'lsak, inson tanasi har bir qadam qo'yishdan oldin tana ozgina og'ib, ya'ni tanani muvozanatidan chiqarib, og'irlik markazini tayanch tekisligidan siljitadi. Bu paytda boldir panja va kaft-barmoq bo'g'imlari egiladi.

Ko`rinib turibdiki oyoq panjasi tomonidan poyabzal tag detaliga yetarli darajada bosim kuchi ta`sir ko`rsatadi va ushbu kuch poyabzal tag detallarining qarshilik kuchi hisobiga sarflanadi. Ushbu bosim kuchidan elektr energiyasini olish bo'yicha ma`lum ilmiy izlanishlar olib borilgan. Hususan 20.04.2013 sanasida RU126 907 U1 sonli foyali model uchun berilgan patentda oyoq panjasining bosim kuchini elektr energiyasiga aylantirish imkonini beruvchi qurilma ishlanmasi taklif etilgan.




2-rasm. Elekt generator

Ushbu qurilmada elektr generoator poyabzal poshnasiga o`rnatish uchun mo`ljallangan bo`lib, poshnaning ustki va ostki qismida o`qli vintli sterjen 3 o`rnatilgan bo`lib, u generatorni 2 aylanishi uchun imkoniyat yaratib beradi. Harakat davomida generatorni dastlabki vaziyatga qaytarish uchun ustki va ostki devorlar orasiga purjina 4 o`rnatilgan.

Ushbu qurilmaning afzalliklaridan yana biri u hosil qilgan energiya energiya to`plagichda 8 saqlanadi. Ushbu qurilmada hosil bo`lgan energiyani poyabzalda o`rnatilgan isituvchi elementga 9 ulangan bo`lib, isituvchi element haroratini sozlash, maxsus kuchlanish sozlagich 10 yordamida amalga oshiriladi.

Ushbu qurilmada hosil bo`lgan energiyadan mobil telefon va boshqa qurilmalarni ham zaryadlash imkoniyati uchun maxsus USB chiqish 11 qismi tashkil etilgan.



3-rasm. RU 126 907 U1 sonli parentda taklif etilayotgan elektr generatorning umumiy ko`rinishi.

Ushbu taklif etilayotgan qurilma tahli qilinganida quyidagi kamchiliklar borligi aniqlandi:

- Ushbu qurilmada qo`llanilgan detallar soni juda ko`p bo`lib, ularning vazni poyabzal vazniga qo`shilishi natijasida foydalanuvchiga noqulaylik yaratadi.
- Ushbu qutilmada qo`llanilgan yordamchi detallar o`zaro uzoq joylashishi natijasida ularni poyabzalga joylashtirishda muammolar yuzaga kelishi mumkin. Bu poyabzalni yig`ish jarayonini murakkablashishiga olib keladi.
- Qurilma detallarini o`zaro bog`lovchi kontakt simlarni joylashtirish haqida yetarlicha e`tabor berilmagan. Simlar poyabzal ustki qismiga ham o`tkazilganini inobatga olsak, bu uning ishonchliligini kamaytiradi. Poyabzal foydalanish davrida ko`plab turdagi deformatsiyalarga uchraydi, natijada esa ushbu kontakt simlari uzilib ketishi, yoki poyabzalni yig`ish jarayonini mrakkab va ko`p mehnat talab qiladigan bo`lishiga olib keladi. Bu esa poyabzal tan narxining oshishiga olib keladi.
- Ushbu qurilma tovon yuzasi hosil qilgan bosim kuchi tasirida harakatga keladi bu esa harakat davomida foydalanuvchiga noqulayliklar keltirib chiqaradi.

FOYDALANGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI

1. Алексеев Н.И., Кравцов А.В. Электромагнитная индукция // МГТУ им. Н.Э. БАУМАНА 2012 г
2. Р.Д. Синелников. Учение о костях, суставах и мышцах / Атлас анатомии человека Том 1.М.. Госмедиздат, 2001
3. R.X.Babayeva / Amaliy antropologiya va biomexanika // Toshkent. Voris nashiryoti 2009 y
4. Устройство генерирования энергии Пат RU 126 907 U1 Россия, 660100, г.Красноярск, а/я №28746, КРАСПАТЕНТ, патентное бюро, О.Э. Яфаровой 2012142986/12, Заявл 08.10.2012; Оpubл 20.04.2013



ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARIDA SUVNI ZAMANOVIY USULLARDA TOZALASH

assistent Tursunov M.Ch.
assistent Abdixalilov H.A.
assistent Suyunova M.B.

Annotatsiya: Atrof - muhitni ifloslanishdan saqlash va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish hozirgi davrning asosiy muammolaridan biri xisoblanadi. Suv resurslarini tejash va muhofaza qilish ushbu muammoni yechimlaridan biridir. Maqolada issiqlik elektr stansiyalarida suvni tozalashning ayrim usullari ko`rib chiqiladi.

Kalit soʻzlar: Suv resurslari, sanoat korxonasi, kimyoviy reagent, dinamik membrana.

KIRISH

Jahonda sanoat korxonalari resurs samaradorligini boshqarish yuzasidan keng qamrovli ilmiy izlanishlar, jumladan, korxonalarni boshqarishning zamonaviy usullari, boshqaruvda tizimli yondashish strategik, strukturaviy va funksional modellarining oʻzaro muvofiqligi jihatidan takomillashtirish, iqtisodiy samaradorlikni oshirishda boshqaruvning moslashuvchan va samarali usullari sinteziga asoslangan innovatsion yondashuvlarni joriy etishga alohida eʼtibor qaratilmoqda.

Suv tabiatda sodir boʻladigan asosiy jarayonlarda, shuningdek, inson hayotida muhim ahamiyat kasb etadi. Sanoatda suv xomashyo va energiya manbai, sovituvchi yoki isituvchi, erituvchi, ekstragent, xom ashiyo va materiallarnitashuvchi vosita sifatida va boshqa qator ehtiyojlari uchun ishlatiladi.

ADABIYOTLAR SHARHI

Sayyoramizda tabiiy suvning umumiy xajmi 1386 mln.km³ ni tashkil qiladi. Shundan 97,5% dan koʻprogʻi okean, dengiz va koʻl suvlari.

Dunyo bo'yicha chuchuk suvga bo'lgan ehtiyoj yiliga 3900 mlrd.m³ ni tashkil etadi. Shu ko'rsatgichning taxminan yarmi ishlatilib qaytarilmaydi, qolgan yarmi esa oqova suvlarga aylanadi.

Ushbu muammoni xal qilish yechimlaridan biri oqova suvlarni qayta ishlash yoki suv xavzalariga tashlashda oqova suvlarni tozalash inshootlari (usul qurilmalari) dan to'g'ri foydalanish zarur.

Suvni muhofaza qilish obyektlarining qurilishi va suvni qayta ishlatish tizimi quvvatini oshirish suv manbalarini umuman qurishdan yoki ifloslanishdan yaxshiroq muxofaza qilish, korxonalarda suvdan foydalanishning nooqova tizimini qo'llash va shuningdek, suv xo'jaligi komplekslarini boshqarishning avtomatlashgan tizimini tashkil etish, mamlakatimizdagi suv resurslaridan to'g'ri foydalanish, ularni xo'jalik, sanoat korxonasi chiqindilari orqali ifloslanishdan saqlash va suvni tozalash jarayonini yaxshi tashkil etish orqali amalga oshiriladi.

Yuqoridagilardan ko'rinib turibdiki atrof-muhitni va suv xavzalarini muhofaza qilish uchun oqova suvlarni havzalarga tashlashdan oldin chuqur tozalash kerak. Bundan tashqari ishlab chiqarish (sanoat) oqova suvlari juda zaharli hisoblanib, kimyoviy (reagent) elementlarga boy bo'ladi. Shu sababdan ham ishlab chiqarish (sanoat) korxonalarida oqova suvini qayta ishlashda yopiq tizim qo'llanilsa maqsadga muvofiq hisoblanadi.

TADQIQOT METODOLOGIYASI VA EMPIRIK TAHLIL

Issiqlik elektr stansiyalari suvni ko'p miqdorda sarflaydigan iste'molchilardan biri hisoblanadi. Issiqlik elektr stansiyalari da suvni katta miqdori bo'yash va ishlov berish ishlarida sarflanadi.

Hozirgi vaqtda issiqlik elektr stansiyalarida oqova suvlarni tozalashda adsorbsiya, flotatsiya, koagulyatsiya, azonlashtirish, elektr kimyoviy tozalash va boshqa usullardan



foydalanib kelinmoqda.

Bu usullar katta mablag‘ talab etadi. Shuning uchun hozirda respublikamizda va chet ellarda keng miqyosida tadqiqotlar olib borilmoqdava oqova suvlarni tozalashda fizik kimyoviy usullar ishlab chiqilmoqda, ularorasida eng e‘tiborga moligi teskari osmos va ultrafiltrlash usullaridir. Osmatik bosimdan yuqori bosimda yarim o‘tkazuvchi membranalar orqali eritmalarni filtrlash jarayoni teskari osmos va ultrafiltrlash deb ataladi.

Usulning avzalliklari: iflosliklar ajralishida fazolarga ajratish shart emasligi, energiya sarfi kamligi, kimyoviy reagentlarsiz yoki kam miqdorda reagent qo‘shish bilan xona haroratida olib borish mumkinligi va qurilma tuzilishining soddaligi.

Usulning kamchiligi: membrananing tashqi yuzasida erigan moddalar konsentratsiyasining ortishi bilan yuzaga keluvchi konsentratsion qutiblanishning hosil bo‘lishidir. Bu holat qurilmaning ishmahsuldorligining kamayishiga, komponentlarning parchalanish bosqichi pasayishiga va membrananing ishlash muddatining kamayishiga olib keladi.

Ayni damda bu kamchiliklarni bartaraf qilish yo‘li izlanmoqda. Bu izlanishlar esa dinamik membranalaridan foydalanishga asoslanadi.

Amalda o‘tkazilgan bir necha tajribalar natijasiga asosan asetatselyullozali membranalarida Na-KMS (natriy korboksil metel selyulloza, kimyoviy element bulib, yengil sanoat korxonalarida bo‘yash ishlarida ishlatiladi) yordamida dinamik membrana hosil qilishning oddiy usuli yaratildi.

Dinamik membranalar (DM) Ok-Redjs milliy lobaratoriyasida 1966 yil (AQSh) da ixtiro qilingan. Oksidlar va asosiy tuzlar ion almashinuvi xususiyatiga ega ekanligi



ma'lum edi. O'z navbatida ion almashinuvi membranalari o'zi orqali eritmani bosim bilan o'tkazganda, eritmadagi tuzlarni saqlab qoladi. Bu ikki ma'lum omilni qo'llab, maxsus oksid qatlami tuzishning usulini kashf qilish mumkin emasmi, degan savol yuzaga keladi. Bu qatlam bir tomondan o'ta pishiq bo'lishi va shu bilan birga o'ta nozik bo'lishi kerak, chunki yuqori o'tkazgichli xususiyatiga ega bo'lishi kerkak. Shunday qilib, bir xulosaga kelindi; koloid bo'lakchalari mavjud oksid bosim ostida mayda teshikchalardan o'tkazilganda dinamik yo'l bilan oksid qatlami hosil qilish mumkin.

DM - eritmaning uzluksiz filtrlanishi, filtrlanish esa despergirlangan membrana hosil qiluvchi komponentlar orqali katta bosimdagi teshikchalardan sirkulyatsiya qilinishi orqali yuzaga chiqadi.

DM hosil qiluvchi komponentlar tozalangan suvga maxsus kiritiladi, yoki iflos oqova suv tarkibida bo'lishi shart. Kelgusida u orqali filtrlanadigan toza suv dinamik membrana shakllanishida membrana hosil qiluvchi komponentning o'zi va kam yoki ko'p miqdorda filtrlanayotgan eritmaning boshqa qismlari ham saqlanib qoladi.

DMning shakllanib borish davomida asta-sekin suv o'tkazuvchanlik xususiyati susayib, selektivligi oshadi, so'ngra bu tavsiflar mo'tadillashtiriladi.

Dinamik membrananing ishlashi uchun zarur shartlardan biri filtrlanayotgan eritma tarkibida membrana hosil qiluvchi komponent doimiy ravishda ishtirok etish kerak. Membrana hosil qiluvchi komponent qo'shish to'xtatilsa, membrananing tavsiflanishi o'zgaradi va bir necha soat davomida uning qismlari bo'linib ketadi, bu esa eritma va membrana orasida to'xtovsiz koloidli qismlar almashinib turishidan dalolat beradi. Membrana - eritma shaklidagi dinamik movozanat yuzaga keladi. Bu dinamik membrana tipi degan nomni oqlaydi.

Dinamik membranalar teshiklari turli materiallardan hosil qilinadi: chinni, sopol, metall, ko'mir, grafit va teshiklarni o'lchami 5 mkm ga teng bo'lgan polimerlardan tashkil

topadi. Membrana hosil qiluvchi komponentlar organik va noorganik guruhga kiruvchi ion almashinuvchilardan hosil bo'ladi: yarim elektrolit eritmalar, neytron organik polimerlar, suvda eriydigan tuzlar, yarim valentli metallar oksidedratlari Fe (III); Zr (IV); Jh (IV); Al (III); Cr (III); Zn (IV); U (IV) va boshqalar.

XULOSA VA MUNOZARA

Dinamik membranalarining eng afzal tomoni uning yaxshi o'tkazuvchanligidir. Xar bir kvadrat metrdan soatiga 100^3 suv o'tkazadi, bu esa asetatsellyuloza membranalarining o'tkazuvchanligiga nisbatan ancha yuqori.

Respublikamizda ishlab chiqarishning ko'p tarmoqlarida ultrafiltratsion apparatlardan foydalanish keng yo'lga qo'yilmoqda.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Karimovich M.T., Rahmatullaevich S.S. Sanoat gazlari chiqindilari va ularning tarkibiy qismlarining tarkibi va holatini baholashning ayrim masalalari

//Fan va ta'lim. - 2020. - 1-jild. - Yo'q. sakkiz.

2. Sulstonov A.O. O'zbekistonda suv resurslaridan foydalanish bo'yicha axborot tizimlarining qo'llanilishi // Ilmiy tadqiqotlar zamonaviy innovatsion tizimning asosidir. Sterlitamak xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi. - 2019. - S. 141-144.

3. Bobomurodov U.S., Sulstonov A.O. Tuzlagichlarda reagent suvini yumshatishni yaxshilash usullari // Yosh olim. - 2016. - yo'q. 7-2. - S. 51-53.

4. Sulstonov A.O. Qishloq xo'jaligi ekinlarini sug'orishda suvdan oqilona foydalanish usullari // Zamonaviy iqtisodiyot: dolzarb masalalar, yutuq va innovatsiyalar. - 2019. - S. 207-209.

| | | |
|-----------|---|------------|
| 1 | РЕАКЦИИ ГЛИКОЗИЛИЗОТИОЦИАНАТОВ С ЭФИРАМИ АМИНОПИРАЗОЛКАРБОНОВЫХ КИСЛОТ Рахматуллаев Изатулла | 4 |
| 2 | РЕАКЦИИ ГЛИКОЗИЛИЗОТИОЦИАНАТОВ С ЭФИРАМИ АМИНОПИРАЗОЛКАРБОНОВЫХ КИСЛОТ Рахматуллаев Изатулла | 10 |
| 3 | THEORY OF EDUCATIONAL PSYCHOLOGY DURING PEDAGOGICAL ACTIVITY Yusufzhanov Anaskhan Ikram | 16 |
| 4 | BUGUNGI KUNDA MAKTABLARDA JISMONIY TARBIYA NAZARIYASI Xolov Nazimjon Alijonovich | 19 |
| 5 | Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстиришда педагогнинг маҳорати Исмадова Нозима | 32 |
| 6 | МАКТАБГАЧА ТА'ЛИМ YOSHIDAGI BOLALARGA XALQ OG'ZAKI IJODI NA'MUNALARI ORQALI MILLIY QADRIYATLARNI SINGDIRISHNING AHAMIYATI Musiddinova Shoirra | 41 |
| 7 | О'YIN TEXNOLOGIYALARNING O'ZIGA XOS TURI SIFATIDA MUSIDDINOVA SHOIRA | 45 |
| 8 | ҲОЗИРГИ ФОРС ТИЛИДАГИ ҚИСҚА УНЛИЛАР ВА ДИФТОНГЛАРНИНГ ТОЖИК ТИЛИ УНЛИЛАРИ БИЛАН ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ Ҳомитов Диловар Лутфуллозода | 59 |
| 9 | КОНСТИТУЦИЯ – ТАЯНЧИМИЗ ВА БАХТИМИЗ ҚОМУСИ Муқаддасхон Аҳмедова | 68 |
| 10 | Мактабгача yoshdagi bolalarni tabiat bilan tanishtirish muammosining ilmiy–nazariy tahlili Isamova Dilnora Usmanovna | 72 |
| 11 | MASOFADAN TURIB DARSLARNI TASHKIL ETISH VA O'TKAZISHDA ELEKTRON TA'LIM RESURSLARINING AHAMIYATI Bahromov Mansur Maxsud o'g'li | 77 |
| 12 | МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARNING MUSTAQILLIGINI OSHIRISHNI HISOBGA OLGAN HOLDA HARAKATLI O'YINLARNI O'RGATISH SHARTLARI VA USULLARI Gulrux Shaxbazova | 81 |
| 13 | Yosh avlodni soglom turmush tarzini shakillantirishda xarakatli uyinlarni ahamiyati Abdullayev Ixtiyor, Muxidinov Abdubannop | 87 |
| 14 | BASKETBOLCHILAR SPORT TRENIROVKASINING ASOSLARI. Fozilov Ixom Tursunaliyevich Tillayev Sharif Omonboyvich | 91 |
| 15 | Меры воспитания личности в условиях глобализации. Khalilova Barnogul Abdulazizovna | 97 |
| 16 | YUQUMLI KASALLIKARNING TARQALISHIDA MIKROORGANIZIMLARNING RO'LI - QONDA HIMOYA FUNKSIYASINING SHAKILLANISHI. Mamatova Matluba Abduxalilovna | 104 |
| 17 | Yangi O'zbekistonda diniy -dunyoviy qarashlar Mavlonova Shahzoda Turg'unovna | 115 |
| 18 | БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА БОШҚАРУВ. Махсудов Шерзод Солижонович | 121 |



| | | |
|-----------|---|------------|
| 19 | UY PARMALOVCHISI (ANOBIUM PERTINAX L.) NING BIOLOGIYASI, OZIQA MANBALARI VA ZARARI Ma'rupov Akmaljon Akbarovich, Omonova Sevara Akramjonovna | 135 |
| 20 | MATNLI MATEMATIK MASALALARNI YECHISHGA OID METODIK MULOHALAR Qodirova Dilshoda | 141 |
| 21 | ISHCHI KUCHIGA TALAB VA TAKLIFNI ISTIQBOLLASHTIRISH Raximova Kizlarxon Ne'matjon qizi Axmadaliyeva Mohigul Kadirovna | 149 |
| 22 | Markaziy Farg'ona tabiat yodgorligi hududida tarqalgan umurtqasiz hayvonlar asosiy turlarining bioekologiyasi va trofik aloqalari. Xilola Tuychiyeva Zokirjon qizi | 154 |
| 23 | STOL TENNIS BILAN SHUG'ULLANUVCHILARNING PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK MAHORATLARINI SHAKLLANTIRISH. Yormatov G'ulomjon Sattorovich | 167 |
| 24 | ЗНАЧЕНИЕ ИННОВАЦИОННОГО ОПЫТА В ФОРМИРОВАНИИ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ ДОХОДНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ Юлдашева Г.А. Балтабаева М.О. | 172 |
| 25 | МАШИНАСОЗЛИК ТАРМОҒИДА МАХСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАМАЙТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ЙЎНАЛИШЛАРИ Мирзаев Равшанжон Бурхонович | 186 |
| 26 | МАШИНАСОЗЛИК ТАРМОҒИДА МАХСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАМАЙТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ЙЎНАЛИШЛАРИ Мирзаев Равшанжон Бурхонович | 196 |
| 27 | SANOAT KORXONALARIDA ISHLOVCHI XODIMLARNI NOQULAY TASHQI MUHIT TA`SIRIDAN SAQLOVCHI MAXSUS POYABZALLARDA ELEKTR KONVEKTORLARNI ENERGIYA BILAN TA`MINLASH IMKONIYATLARI TAHLILI. Dotsent Yu.A. Maxmudov | 205 |
| 28 | ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARIDA SUVNI ZAMANOVIIY USULLARDA TOZALASH Tursunov M.Ch Abdixalilov H.A Suyunova M.B | 209 |